Ҳ. Н. МУСАЕВ

# АУДИТ



«МОЛИЯ»

65
М-91

Ҳ. Н. МУСАЕВ

# АУДИТ

Ч2695 – 30 жу

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия қилинган*

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
№ Ч/2695

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2003

**Ҳ. Н. Мусаев**. Аудит. Дарслик. Т.: «Молия», 2003. – 220 б.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 5340600 – «Молия», 5340700 – «Банк иши», 5340800 – «Солиқлар ва солиққа тортиш» йўналишлари талабаларининг ўқув режаларида «Аудит» фанини ўрганиш кўзда тутилган. Мазкур дарслик аудитнинг назарий ва амалий масалаларини ўз ичига олган бўлиб давлат ўқув стандартлари ва фан дастури асосида ёзилган. Дарсликда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги кейинги ўзгаришлар эътиборга олинган.

Китобдан бошқа йўналишдаги талабалар, илмий ходимлар ва амалиёт мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

***Тақризчилар:*** **Н. С. Санаев** – иқтисод фанлари доктори, профессор (Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти)
**З. Т. Маматов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент (Тошкент молия институти)
**К. Б. Ўразов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент (Самарқанд кооператив институти)

Audit. – Textbook. Musaev Kh. N.

The main aim of the book "Audit" is for 5340600 – "Financial", 5340700 – "Banking", 5340800 – "Tax and taxation" majority, for Higherschool. This book includes the theoretical and practical tasks according to the Higherschool standards and programmes. This literature is written to the latest changing in Accounting and Audit.

This book would be able use with another specialists and majority students.

***Written Syantors:*** **N. S. Sanaev** – doktor of economical sciences, professor, SamAI
**Z. T. Mamatov** – doktor of economical sciences docent, TashFI
**K. B. Urazov** – doktor of economical sciences, docent, SamCI

© Ўзбекистон Республикаси олий ва урта махсус таълим вазирлиги,

© Узбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Молия» нашриёти, 2003 й.

# КИРИШ

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётимизда давлат корхоналари билан бир вақтнинг ўзида акционерлик жамиятлари, ширкатлар, ижара, кичик корхоналар ҳамда қўшма корхоналар фаолият кўрсатади. Ушбу корхоналар республикамизда қабул қилинган «Мулк тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан ўз фаолиятларини юритади. Юридик ҳуқуқга эга бўлган корхоналар мустақил балансга, банк муассасасида эса ўзининг ҳисоб рақамларига эга бўлиб улар бошқа корхона ва фирмалар билан мустақил равишда ўзаро ҳисоб-китобларни олиб боради. Янги шароитда корхоналар фаолиятининг асосий тамоили – ўз харажатларини ўзлари қоплаши, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашдан иборат. Мамлакатимизда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунларга асосан ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини юритиши, молиявий ҳисобот тузиши ва тақдим этиши кўзда тутилган. Ҳисобот маълумотлари хўжалик операцияларига асосланган, аниқ ва тўғри тузилган бўлиши керак. Ушбу маълумотлар орқали корхонанинг мулкий ва молиявий ҳолати баҳоланади ва иқтисодий барқарорлиги аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва уларга холисона баҳо бериш дахлсиз аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари зиммасига юклатилган. Шу боис иқтисодиётимизда аудиторлик хизмати бозори вужудга келди. Аудиторлар ўзаро тузилган шартномаларга асосан турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини экспертизадан ўтказадилар, ноқонуний операцияларни аниқлаш ҳамда корхона самарадорлигини таъминлашга қаратилган тавсиялар берадилар. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 5340600 – «Молия», 5340700 – «Банк иши» ва 5340800 – «Солиқлар ва солиққа тортиш» йўналишлари талабаларининг ўқув режаларида «Аудит» фанини ўрганиш кўзда тутилган. Мазкур курснинг мақсади талабаларга

- иқтисодий назорат;
- молиявий назорат;
- банк назорати;
- маъмурий назорат;
- ички назорат;
- ташқи назорат;
- дастлабки назорат;
- жорий назорат;
- мавсумий (тасдиқловчи) назорат;
- аудиторлик назорати;
- бошқа назорат турлари.

Назорат – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқариш мақсадида кузатиш ва текширишдир.

Назорат – бошқарувнинг функцияси, қарор қабул қилишнинг асоси ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат назорати давлат бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Бундай назоратнинг асосий масъулияти Республика прокуратураси зиммасига юклатилган бўлиб улар барча мулкдаги корхоналар, мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилинншини назорат қилиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118–моддасида «Ўзбекистон Республикасида қоиунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади» деб эътироф этилган [1,40 б.].

Республикамизда иқтисодий назорат молия органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат Божхона қўмитаси молиявий назоратни амалга оширувчи асосий тузилмалардан ҳисобланади. Мазкур назорат органлари орқали хўжалик юритувчи барча субъектлар томонидан бож ва солиқ сиёсатига амал қилиниши назорат қилинади. Банклар орқали пул-молия ресурсларининг мақсадли фойдаланилиши ва самарадорлиги текширилади. Ички назорат

шу корхонанинг ходимлари, моддий жавобгар шахслар томонидан амалга оширилади.

Ташқи назорат мулкдорлар, таъсисчилар, инвесторлар, акция эгалари ва бошқа назорат органлари томонидан амалга оширилади. Ташқи назоратнинг муҳим шакли – молиявий назорат ҳисобланади. Бозор иқтисодиётининг чуқурлашиб бориши туфайли назорат турлари ва шакллари ҳам такомиллашиб бормоқда.

**Таянч иборалар:**

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк, унинг моҳияти ва турлари. Мулкий муносабатлар. Мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари. Мулкларнинг назорати. Назоратнинг моҳияти ва турлари. Ички ва ташқи назорат.

## 1.2. Молиявий назоратнинг хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти тамойиллари орқали ривожланаётган Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари маълум моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан белгиланади. Корхоналар, аҳоли ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар молия тизими орқали мувофиқлаштирилади. Мамлакатда вужудга келтирилган ялпи ички маҳсулот умумлаштирилади, тақсимланади ва қайта тақсимланади. Ушбу жараён доимий равишда назорат қилиб борилиши керак. Бундай назорат турларидан бири — молиявий назоратдир.

**Молявий назорат – бу хўжалик юритувчи субектлардаги мавжуд молиявий ресурсларнинг давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларга мос равишда ташкил этилиши, фойдаланилиши ва кўпайтирилишини текширишдир.**

Молиявий назорат давлат назорат тизими таркибига кириб қуйидагича амалга оширилади:

- ички молиявий назорат;
- ташқи молиявий назорат.

Турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг маблағлари доимий равишда ички молиявий назорат қилинади. Мулкнинг эгаси,

ундан фойдаланувчи ҳар доим ўзидаги мавжуд молиявий ресурсларни назорат қилиб боради. Чунки, ресурслардан самарали фойдаланиш мулкдорга фақат даромад (фойда) келтиради. Хўжалик юритувчи субъектларда ички молиявий назорат аксарият ҳолларда бухгалтерия ходимлари, бўлим бошлиқлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади. Корхонада содир бўлаётган барча жараёнларни тўғри ва вақтида ҳужжатлаштириш, уларни умумлаштириш, ҳисоботлар тузиш ва уларни тақдим этиш орқали мавжуд ресусларнинг ички назорати таъминланади.

Ташқи молиявий назоратни қуйидагилар амалга оширади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор бошқарув органлари. Ташқи молиявий назорат давлат даражасида ва хўжалик юритувчи қуйи субъектлар даражасида амалга оширилади.

Молиявий назоратнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат: давлат маблағларининг тўғри ташкил бўлиши ва ишлатилиши, ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятлари, молия, бюджет, солиқ ва валюта сиёсатини амалга оширувчи ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишига қаратилган қарорлар қабул қилади. Президент Фармонлари ва фармойишларининг ижросини таъминлайди, уларнинг бажарилишини назорат қилади. Ўзбекситон Республикаси Молия вазирлиги асосий иқтисодий-молиявий тизим сифатида мамлакатда молия-пул сиёсатини олиб боради ва уни бошқаради. Давлат бюджети даромаллари ва харажатларининг шаклланиши ва тўғри ишлатилишини назорат қилади, бюджет ташкилотларининг харажат-сметаларини тасдиқлайди, уларнинг тўғри бажарилишини текширади. Молия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида молия тизимига кирувчи барча ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолиятларини назорат қилади, турли мулкдаги корхоналар, фирмалар, муассасалар учун

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича услубий раҳбарлик қилади. Давлат бюджети маблағларн ҳисобидан молиялаштириладиган корхоналар, бирлашмалар фаолиятини комплекс тафтиш қилади, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ҳамда божхона қўмиталари молиявий назоратни бож тўловлари ва солиқ сиёсатини амалга ошириш орқали амалга оширадилар. Ушбу қўмиталар юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ қонунчилигига қай даражада амал қилаётганликларини, бож тўловларининг тўғри амалга оширaётганликларини, экспорт-импорт операцияларининг қонунийлигини, валюталар билан амалга оширилаётган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширадилар. Мамлакат Конституциясининг 123-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақли» [1, 42 б.]. Солиқ қонунчилигига амал қилиш, бож тўловларининг тўғрилиги жойлардаги Давлат солиқ инспекциялари ва божхона постлари ходимлари томонидан назорат қилиб борилади. Бундай назорат орқали хўжалик юритувчи субъектлардаги моддий ва молиявий ресурслар, улардан самарали фойдаланиш даражаси текширилади. Солиққа тортилувчи кўрсаткичлар, бож тўловларининг тўғрилигини назорат қилиш орқали молиявий ресурсларнинг ҳолати ўрганилади, улардан самарали фойдаланишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий ресурсларни доимий равишда назорат қилиб боради. Барча банк муассасалари кредит ресурсларидан қабул қилинган қонун талаблари асосида фойдаланиш, мижозлар билан олиб борилаётган ҳисоб-китоб интизомининг тўғри юритилиши, мамлакат валютасининг тўлов қудратини оширишга қаратилган пул-валюта сиёсатини юритиш, ташқи иқтисодий фаолият бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китобларни давлат манфаатлари ва халқаро мезонлар асосида амалга ошириш, банкларнинг молиявий ресурсларини

кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган ягона иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки бошқа турдаги барча банклар орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг молия–пул ресурсларидан қонун талаблари асосида фойдаланилишини назорат қилиб боради.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари мавжуд молиявий ресруслар, улардан самарали ва мақсадли фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболли устивор йўналишлари белгиланади. Ушбу вазифаларни амалга оширишга қаратилган молиявий манбалар аниқланади ва молиявий ресурсларнинг назоратини таъминлайди. Мазкур вазирлик орқали ҳар йили мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми аниқланади. Ушбу маҳсулотнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши бўйича статистик маълумотларни беради. Мамлакат даражасидаги ушбу маълумотлар турли мулкдаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик маълумотларидан ташкил топади. Ушбу маълумотларнинг тўғрилиги тақдим этилган ҳисоботлар орқали статистика органлари томонидан назорат қилиб борилади. Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси, унинг жойлардаги бўлинмалари республика ва минтақавий мақсадли дастурларнинг бажарилишини, уларнинг молиявий жиҳатидан таъминланишини назорат қилади.

Шундай қилиб молиявий назорат давлат назоратининг муҳим таркибий қисми бўлиб давлат бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Молиявий назорат қўйилган мақсади ва вазифаларига қараб қуйидаги шаклларга бўлинади:

– дастлабки молиявий назорат;
– жорий молиявий назорат;
– даврий молиявий назорат.

Дастлабки молиявий назорат молиявий ресурслар билан боғлиқ хўжлик операцияларнинг содир этилишига асос бўлган ҳужжатларни текшириш орқали амалга оширилади. Мисол учун, маҳаллий бюджет харажат – сметаларини тузиш билан боғлиқ

бўлган ҳужжатларни текшириш ёки бюджет ташкилотларининг келгуси давр (йил) учун штат жадвалилари тўғрисидаги маълумотларини текшириш. Дастлабки молиявий назоратнинг хусусияти шундан иборатки, ушбу назорат натижасида асоссиз сарф қилинадиган харажатларнинг олди олинади. Бундай назорат юқори молия бошқарув органларига тақдим этилган ҳужжатлар ва тасдиқланган меъёрномаларга асосан амалга оширилади.

Жорий молиявий назорат орқали молия органлари томонидан тасдиқланган харажатлар сметасининг қай даражада амал қилинаётганлиги текширилади. Мисол учун, бюджет ташкилотларининг ажратилган молиявий ресурсларнинг маъмурий-бошқарув мақсадларда тўғри ишлатилишини текшириш. Ушбу назорат орқали содир этилаётган ноқонуний операцияларнинг олди олинади. Бундай текширувни молия органларининг назорат инспекциялари ходимлари жойларга келиб ўтказади.

Даврий молиявий назорат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида барча операциялар содир этилганидан сўнг ўтказилади. Бундай назорат кўпинча ҳисобот даври (чорак, йил) тугагандан сўнг юқори назорат органлари томонидан комплекс тафтиш ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Даврий молиявий назорат орқали ташкилот ёки муассасанинг фаолият натижалари ўрганилади, йўл қўйилган камчиликлар аниқланади, уларни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар белгиланади.

Молиявий назорат шакллари ва уларнинг ўтказилишини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (1-чизма).




**1-чизма. Молиявий назорат шакллари ва ўтказилиши**

Назорат турлари ва шакллари ўзаро боғлиқ бўлиб бир-бирларини тўлдириб боради. Иқтисодий ислоҳотларнинг ривож-

ланиши туфайли мамлакатимизда назорат турлари, шакллари ва ўтказилиш тартиби ҳам такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда кўплаб идораларaро назорат органларига барҳам берилди, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш нисбатан камайтирилди, давлат назорат органлари вазифалари нодавлат назорат органлари зиммасига юклатилмоқда. Ушбу жараён будан кейин ҳам давом этади.

**Таянч иборалар:**

Молиявий назоратнинг мазмуни ва объектлари. Молиявий назорат субъектлари. Молиявий назорат шакллари. Дастлабки молиявий назорат. Жорий молиявий назорат. Даврий молиявий назорат. Назорат тизимининг такомиллаштирилиши.

## 1.3. Аудит ва аудиторлик назорати

Иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисоб ва назоратдир. Янги шароитда кўпмулкчиликка асосланган корхоналар, фирмаларнинг фаолиятларини ҳисобга олиш, экспертизадан ўтказиш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунинг сабабларини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчидан, мулк шакли, фаолият туридан қатъий назар корхоналардаги барча ресурслар самарали фойдаланилиши керак. Бунинг натижасида мулкдор кўпроқ даромад (фойда) олади. Иккинчидан, корхоналарнинг фаолиятлари эндиликда кўпроқ ташқи бозор билан боғланмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда назоратни ривожлантириш, уни халқаро талаблар даражасига кўтариш борасида бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди. Ушбу масалага қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинди, янги низомлар жорий этилди. Жумладан: Республика аудиторлар Палатаси ташкил қилинди; аудиторлар ва аудитор ташкилотлари (фирмалари) тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди; аудиторларга сертификатлар беришнинг янги тартиби жорий этилди, Республика бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси фаолият юритмоқда, олий ўқув юртлари қошида Республика бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси билан ҳамкорликда аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга

қўйилди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талаблари асосида "Аудиторлик фаолияти тўгрисида"ги Қонун янги таҳрирда қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳозирги кунда ҳудудларда кўплаб аудиторлик фирмалари (ташкилотлари) ташкил қилиниб, улар муваффақиятли фаолият юритмоқдалар.

Энди «аудит» сўзининг моҳияти, аудиторлик фаолиятининг мазмунини кўриб чиқайлик. Иқтисодий адабиётларда «аудит» сўзининг мазмуни турлича талқин қилинган. Айримлар «аудит» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб «у эшитади» маъносини билдиради десалар, бошқалар эса ушбу сўз инглиз тилидан олинган бўлиб «у ёрдам беради» («кўмаклашади») деган маънога эга деб таъкидлайдилар. Аудит бу «текшириш», «тафтиш қилиш», «тергов қилиш» деган фикрлар ҳам бор. Америка Қўшма Штатларининг нуфузли иқтисодий университетларида ўқитиладиган «Аудит» дарслигида аудитга шундай тариф берилган: «Аудит» (auditing) – даҳлсиз ходим томонидан ахборотларнинг белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш ва холисона хулоса бериш мақсадида хўжалик тизими тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш жараёнидир" [24, 7 б.]. Аудит бугунги кунда махсус касб, фаолият тури, фан сифатида шаклланиб келмоқда. Махсус адабиётларда аудит, аудторлик фаолиятига турлича таърифлар берилган. Жумладан, проф. В. Подольскининг фикрича аудиторлик фаолияти (аудит) бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини, бухғалтерия ҳисоби ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларни ташқи текширув ўтказиш бўйича тадбиркорлик иши ҳисобланади [45, 11-12 б.]. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудитнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи олим проф. Н. Санаевнинг фикрича "Иқтисодий жиҳатдан мураккаб янги шароитда корхоналар фаолиятини тижорат асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш, корхона ҳақидаги ахборотлардан фойдаланувчилар учун, уларнинг объектив мустақил бўлишини таъминлайдиган аудиторлик текширувини зарурият қилиб қўяди" [47, 8 б.]. "Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади,- деб ёзади Н. Баришников, - корхоналар бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг ишончлилиги, улар томонидан содир этилган молиявий ва бошқа операцияларни амалдаги меъёрий ҳужжатларга мослигини аниқлашдан иборатдир" [28, 8 б.]. Х. Каюмовнинг таъкидлашича "Аудитор ва аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади бухгалтерия

Бух. ТИП и ЛП
№ У/2695

ҳисобининг ишончлилиги ва содир этилган хўжалик операцияларини амалдаги норматив актларга мувофиқ келишини аниқлашдир" [ 34, 5 б.]. Аудитнинг мақсадига А. Ризоқулов, Р. Нарзиевлар шундай таъриф берганлар: "... аудитнинг мақсади бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг бухгатерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга, (бошқа) меъёрий ҳужжатларга мувофиқ юритилганлигини текширишдир" [46, 19 б.]. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики аудитни мустақил фан сифатида, билимлар мажмуаси деб қарашлар ҳам бор. Мисол учун, К. Дюсембаев аудитни мустақил фан сифатида эътироф этиб "Аудит фан сифатида махсус билимлар тизими бўлиб хўжалик юритувчи субъект молиявий ахборотларини объектив баҳолаш ва мижознинг асосли қарор қабул қилиши учун хулосалар беришга қаратилган тадқиқот тамоиллари ва усулларидир" деб хулоса қилади [31, 62 б.]. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги таниқли олима, проф. М. М. Тўлахўжаеванинг фикрича "аудит бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни, бу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир" [50, 94 б.].

Аудитни ўзига хос "бизнесни экспертиза қилиш" деб эътироф этилиши [33, 4 б.] таҳсинга лойиқдир. Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 26 майда янги таҳрирда тасдиқланган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида унга қуйидагича таъриф берилган: "Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боглиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади" [4]. Демак, аудиторлик — бу тадбиркорлик фаолияти, бозор инфратузилмасининг таркибий қисми ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, **аудит – бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг Республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва холисона хулосалар беришдир**. Аудиторлик фаолияти бундан ташқари янги корхоналарни очиш, молия-кредит, ҳисоб-китоб ишларини юритиш бўйича маслаҳатлар бериш ("консалтинг" хизматини кўрсатиш), мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини оши-

риш, аудит соҳасида ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш каби вазифаларни ҳам ўз ичига олади.

Аудит тўғрисидаги тушунчалар ва унинг вазифаларини ижодий таҳлил қилиш натижасида аудитнинг мазмунини қуйидагича белгиладик:

– аудит орқали хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига холисона хулосалар берилади;

– аудит бу – хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг қабул қилинган меъзонларга мувофиқлигини текширишдир;

– аудит-молиявий ҳисоботнинг жорий ҳисоб маълумотларига монандлигини текширишдир;

– корхона фаолиятининг қонун-қоидаларга мослиги аудит орқали аниқланади;

– аудит орқали корхона фаолияти экспертиза ва таҳлил қилинади;

– аудит орқали мижозларга консалтинг хизматлари кўрсатилади.

**Аудит (лотинчада «эшитувчи», «терговчи», инглизчада «тафтишчи», «текширувчи») – бозор муносабатларидан келиб чиққан бўлиб хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг маълум меъзонларга мослигини текшириш орқали баҳолаш ва холисона хулосалар беришдир.**

Бугунги кунда назорат ва аудит соҳасида қуйидаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда:

Аудит билан назоратнинг, аудитор билан тафтишчининг бир-биридан фарқи нимада?

Аудитнинг кенг жорий қилиниши туфайли назорат-тафтиш тизимида қандай ўзгаришлар содир бўлади?

Аудиторларнинг асосий вазифалари ва функциялари тафтишчиларникидан нимаси билан фарқ қилади?

Аудитнинг ташкилий шакллари қандай бўлиши керак?

Аудиторлик назорати билан бошқа назорат органлари қандай уйғунлашади?

Аудит билан тафтишнинг, аудитор билан тафтишчининг фарқи бор. Аудит тафтишдан кенг бўлиб у орқали нафақат хўжалик юритувчи субъект фаолияти текширилади, балким унга ҳисоб сиёсатини юритиш бўйича қимматли маслаҳатлар ҳам берилади, тафтиш орқали эса содир бўлиб ўтган жараёнларнинг қонунийлиги ёки қонуний эмаслиги аниқланади, холос.

Аудитор, биринчидан, мулк эгасига ва текширилаётган корхонага бевосита бўйсинмайди. Аудитор текширш ўтказиш учун албатта махсус рухсатномага (сертификатга), маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши керак. Аудитор аудитни хўжалик субъекти ҳисобланган юридик шахс ёки бошқа манфаатдорлар билан тузилган шартномалар асосида ўтказади. Аудит натижалари анча мукаммаллашган шаклда расмийлаштирилади ва асосан буюртмачига тақдим этилади. ✓

Аудиторлар аудиторлик ташкилотларида (фирмаларида) фаолият юритадилар. Аудиторлик фирмалари юридик шахс сифатида маълум кафолатларга эга. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонун ҳужжатларига асосан бозор инфратузилмаларидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар албатта мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилишлари шарт [4]:

– акционерлик жамиятлари;

– банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

– суғурта ташкилотлари;

– инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар, уларнинг бошқарув компаниялари;

– манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;

– маблағларнинг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;

– устав фонди давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Қонун ҳужжатларига асосан мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортган хўжалик юритувчи субъектларга катта миқдордаги жарималар белгиланган.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларига асосан корхоналар белгиланган тартибда ва муддатларда солиқларни бюджетга тўлаб турсалар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари меъёр даражасида бўлса, улар ишончли аудиторлик хулосаларига эга бўлсалар фақат икки йилда бир марта тўлиқ (комплекс) текширувдан ўтказиладилар.

Аудиторларнинг (аудиторлик ташкилотларининг) корхоналарга турли масалалар бўйича "консалтинг" хизматларини кўрсатишлари белгилаиган тартибда амалга оширилади.

**Таянч иборалар:**

Аудитнинг моҳияти. Аудитнинг келиб чиқиш сабаблари. Аудитнинг мақсади ва вазифалари. Аудиторлик фаолияти. Аудиторлик назорати.

## 1.4. Аудитнинг предмети ва объектлари

Аудитнинг ўзига хос предмети ва объектлари мавжуд. Аудит махсус фан сифатида маълум мақсадга қаратилган ва бир қанча вазифаларни бажаради. Аудитнинг предмети хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг фаолиятлари ҳисобланади. Маълумки корхоналар ўз уставларига асосан фаолият юритадилар. Ушбу фаолият жараёнида молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади. Корхонанинг активлари доимий равишда даромад, фойда олишга қаратилган бўлади. Лекин, ушбу натижаларга фақат қабул қилинган қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилиган ҳолда эришиш мумкин. Корхоналар ўз фаолиятларида меъёрий ҳужжатларга, қабул қилинган қоидаларга риоя қилишлари шарт. Ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини белгилайди ва унга асосан ҳисоб-китобларини юритади. Аудит пайтида корхона фаолиятининг қабул қилинган қонунларга монандлиги, ҳисоб маълумотларининг корхона молиявий-хўжалик кўрсаткичларига мувофиқлиги текширилади.

Аудитнинг предмети тафтишдан ўлароқ корхонанинг фақат бир фаолият тури ёки биргина кўрсатгичи бўлиши мумкин. Мисол учун, савдо фаолияти, ишлаб чиқариш фаолияти, ёки бўлмаса пул маблағлари, товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, валюта операциялари ва бошқалар. Аудитнинг предметига корхона молиявий ҳисоботининг тўғрилиги, ҳисоб сиёсатига, солиқ сиёсатига тулиқ амал қилинишликни текшириш ҳам киради. Аудитнинг аниқ

предмети ёки объекти мижоз билан тузилган шартномага бевосита боғлиқ бўлади.

Бозор шароитида корхоналарнинг фаолияти кенгайиб ҳар томонлама ривожланмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичнда аудитнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак деб ҳисоблаймиз:

- мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган операциялар;
- молиявий натижаларни шакллантирувчи кўрсатгичлар (харажатлар, даромадлар, фойда (зарарлар);
- валюта операциялари;
- ташқи иқтисодий фаолият, шу жумладан хорижий сармоялар;
- ҳисоб-китоб операциялари (дебиторлик, кредиторлик қарзлари);
- қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ жараёнлар.

Шундай қилиб аудитнинг предмети ва объектларини қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари ва мажбуриятлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг алоҳида жараёнлари (операциялари).

Аудитнинг асосий предмети бўлган корхоналарнинг фаолиятлари қуйидагиларга бўлинади:

- ишлаб чиқариш фаолияти;
- савдо фаолияти;
- хизмат кўрсатиш фаолияти.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари ўз навбатида қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- таъминот жараёни;
- ишлаб чиқариш жараёни;
- реализация жараёни.

Жараёнлар хўжалик операциялари орқали содир бўлади.

Хўжалик жараёнларнинг аудити маълум кўрсаткичларни текшириш орқали амалга оширилади. Ушбу кўрсаткичларни иккига бўлиш мумкин:

- миқдор кўрсаткичлари;
- сифат кўрсаткичлари.

**Миқдор кўрсаткичлар – ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, сотилган товарлар, бажарилган хизматлар ҳажмидан иборат.**

**Сифат кўрсаткичлар – фаолият юритиш билан боғлиқ бўлган даромадлар, харажатлар, фойда, меҳнат унумдорлигини ифодалайди.**

Корхоналарнинг алоҳида жараёнлари ва кўрсаткичлари аудитнинг объектлари ҳисобланади.

Аудитнинг предметига хўжалик юритувчи субъектларга долзарб масалаларда консалтинг хизматларини кўрсатиш ҳам киради. Аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари корхоналарга ўзаро тузилган шартномаларга асосан «Бизнес-режа» тузиш, ҳисоб сиёсатини белгилаш, солиқларни тўғри ҳисоблаш, маҳсулот таннархини аниқлаш, молиявий ҳисобот тузиш каби масалаларда яқиндан ёрдам берадилар.

Мустақил фан сифатида «Аудит» қуйидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқдир:

- фалсафа;
- иқтисодиёт назарияси;
- хуқуқшунослик;
- статистика;
- маркетинг;
- менежмент;
- макроиқтисодиёт;
- микроиқтисодиёт;
- молия;
- пул, кредит, банклар;
- давлат бюджети;
- бухгалтерия ҳисоби;
- иқтисодий таҳлил;
- солиқлар ва солиққа тортиш;
- информацион технолигиялар.

Аудитор хўжалик субъектлари фаолияти бўйича асосли ва холисона хулосалар қилиши ҳамда қимматли маслаҳатлар бериши учун юқоридаги фанларни чуқур билиши керак.

Корхона фаолиятининг кўрсаткичлари иқтисодий категориялар сифатида эришилган маълум натижаларини ифодалайди. Ушбу натижалар ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичларнинг бир-бирига таъсиридан келиб чиққан бўлади. Бухгалтерия ҳисобиниг маълумотларига асосан иқтисодий таҳлил ўтказилади. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларига қараб мижозлар хўжалик юритувчи субъектга ўз муносабатларини билдирадилар.

Корхоналарда содир бўлган жараёнлар аудит пайтида диалектик нуқтаи назардан ўрганилади. Аудитор сабаб ва оқибат, мазмун ва шакл каби фалсафий категориялардан кенг фойдаланиб иш тутади. **Иқтисодий таҳлил орқали бўлиб ўтган воқеаларнинг натижалари, яъни оқибатлари ўрганилса, аудит орқали эса кўп ҳолларда сабаб, яъни фаолият юритишга асос бўлувчи омиллар, ҳужжатларнинг қонуний тузилганлиги, кўрсаткичларнинг мезонларга мослиги текширилади.** Аудит инвентаризация орқали корхона активларининг молиявий ҳисобот маълумотларига монандлигини аниқласа, тафтиш орқали эса ҳисобот даврида корхонада содир бўлган жараёнларнинг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мослиги, ҳисобланган ва тўланган солиқларнинг молия-солиқ сиёсатига монандлиги текширилади.

Аудит жараёнида аудиторлар ноқонуний операциялар натижасида мол-мулкларни ўзлаштириш, уларни талон-тарож қилинганлигиға дуч келишилари мумкин. Бундай ҳолларда аудиторларга ҳуқуқшунослик, криминалистика соҳасидаги билимлар қўл келади. Мол-мулкларнинг ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилиш сабаблари, келтирилган зарарлар мазкур фан усуллари орқали аниқланади. Аудиторлар ўз фаолиятлари давомида суд-бухгалтерия экпертизасидан самарали фойдаланадилар, улар мутахассис-эксперт сифатида суд жараёнларида иштирок этишлари мумкин. Бундай ҳол улардан суд-бухгалтерия экспертизасини мукаммал билишларини тақозо қилади.

Аудит натижаларининг самарадорлиги унда қўлланиладиган усуллар, яъни аудит услубига бевосита боғликдир.

**Таянч иборалар:**

Аудитнинг предмети. Аудитнинг объектлари. Хўжалик операциялари. Хўжалик жараёнлари. Корхоналарнинг кўрсаткичлари. Сон (миқдор) ва сифат кўрсаткичлари. Корхона фаолиятини юритиш тартиби. Корхона фаолиятининг қонун-қоидаларга мослигини текшириш. Аудитнинг консалтинг хизмати. «Аудит» фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

## 1.5. Аудитнинг услуби

Аудитнинг ўзига хос усуллари ва услубияти мавжуд. Бу усуллар аудитнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Корхонада аудит ўтказиш мутахассис аудитордан маълум билимни ва иш тажрибасини талаб қилади. Бозор шароитида турли мулкка асосланган корхона ва фирмаларнинг фаолиятлари бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг сўнгги молиявий натижалари ҳам турли операциялар ва омиллар туфайли шаклланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қабул қилинган қонун-қоидаларга монандлигини экспертиза қилиш, баҳолаш, асосли хулосаларга келиш ва тавсиялар бериш аудитордан кўп билим ва савияни талаб қилади. Аудит натижасида ишончли хулосага келиш ушбу жараёнда қўлланиладиган усулларга бевосита боғлиқдир. Ушбу усуларнинг тури ҳам кўп.

Аудит услубининг асосида мантиқий мулоҳаза, илм-фан ютуқлари, хўжалик жараёнининг ўзгарувчанлиги ётади. Корхоналар фаолиятидаги операциялар туфайли маблағлар бир шаклдан бошқа шаклга ўзгариб туради. Ушбу жараён натижасида корхона самара (наф) олиши керак. Бу самара, ўз навбатида қабул қилинган қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда эришилган бўлади. Ноқонуний операциялар мижозларга фақат зарар келтиради, холос.

Аудит жараёнида иқтисодиётимизга хос бўлган ҳамда халқаро амалиётда кенг фойдаланиладиган усуллар қўлланилади. Аудитор аудит усулларини мустақил равишда белгилайди ва қўллайди. Ушбу усуллар таркиби аудитнинг предмети, мақсади ва вазифаларига бе-

восита боғлиқдир. Аудит назарияси ва амалиётида ушбу усулларнинг қуйидаги турлари келтирилган:

– солиштириш усули (иқтисодий ҳодисалар, кўрсатгичларни ўзаро ва бизнес-режа билан солиштириш);

– гипотеза усули (ҳодисаларнинг содир бўлиши, натижалари турли шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганилади. Бундай усул кўпинча "яширин иқтисодиёт" натижаларини аниқлашда кенг фойдаланилади);

– таҳлил ва синтез усули (аудит объекти бўлган маълум кўрсаткич омиллар асосида ўрганилади, мавжуд ички имкониятлар аниқланади);

– тафтиш усули (корхонанинг фаолиятига тўлиқ баҳо бериш учун барча операциялар тасдиқловчи назоратдан ўтказилади);

– инвентаризация усули (корхонадаги ҳақиқий активлар ва мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига монандлиги текширилади);

– калькуляция усули (бажарилган ишлар, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи, умумий овқатланиш корхоналарда эса таомларнинг сотилиш баҳоси аниқланади);

– экспертиза усули (ҳужжатларнинг реаллиги, ҳаққонийлиги, маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари лаборатория йўли билан аниқланади);

– бухгалтерия счётлари ва иккиёқлама ёзув усули (корхона активлари ва мажбуриятларининг ҳаракати ҳамда қолдиқлари бухгатерия ҳисоби счётлари орқали текширилади);

– баланс усули (корхона активлари ва мажбуриятларининг маълум муддатдаги ҳолати, уларнинг жорий ҳисоб маълумотларига мувофиқлиги аниқланади);

– ҳужжатлаштириш усули (корхонадаги ҳодисалар, жараёнларни расмийлаштириш, дастлабки маълумотларни умумлаштириш орқали назорат қилиш).

Аудитор текшириш жараёнида меъёрлаштириш, баҳолаш, гуруҳлаш усулларидан ҳам фойдаланади. Аудит усуллари ҳар бир ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг оқибатлари, хўжалик жараёнларининг

қонун-қоидаларга (меъзонларга) мувофиқлигини аниқлашга ёрдам бериши керак. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши туфайли унинг услуби, унда қўлланиладиган усуллар ҳам такомиллашиб бораверади. Кейинги пайтларда махсус алабиётларда аудитнинг қуйидаги усулларига катта эътибор берилмоқда: ходимлар (ёки учинчи шахслар) билан оғзаки сўровлар ўтказиш, текширилаётган корхона бўйича муқобил (альтернатив) баланс тузиш [49, 157-158 б.], аудит объектлари бўйича тестлар, анкеталар ўтказиш, компьютер ахборотлари технологияларидан кенг фойдаланиш каби усуллар [45, 315 б.]. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) аудит жараёнида қабул қилинган умумий (анъанавий) усуллардан фойдаланиш билан бир қаторда улар ўзларига маъқул бўлган ёки бошқалар учун "тижорат сири" ҳисобланган ноанъанавий (локал) усуллардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Аудит ўтказишда миллий ва халқаро аудит стандартларига асосланилади. Шундай қилиб аудитда қўлланиладиган усуллар унинг тури, мақсади ва вазифаларига бевосита боғлиқ бўлади.

### Таянч иборалар:

**Аудит усуллари. Ҳужжатли текширув. Инвентаризация. Калькуляция. Тафтиш. Таҳлил. Экспертиза. Баланс. Гипотеза. Бухалтерия счётлари ва иккиёқлама ёзув. Аудит услуби.**

# II БОБ. АУДИТНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

## 2.1. Аудитнинг турлари

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, уни халқаро талаблар даражасиға кўтариш аудиторлик фаолиятини тўғри ташкил қилишга бевосита боғлиқдир. Лекин, шуни ҳам қайд қилиш керакки, бугунги кунда ушбу фаолият кутилаётган натижаларни тўлиқ бермаяпти. Аудит соҳасида ўз ечимини кутаётган бир қанча муаммолар бор. Булар жумласига аудитнинг назарий, услубий ва уни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни киритиш мумкин. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда, махсус адабиётларда аудитнинг турлари ва ташкилий шакллари кенг ёритилмаган.

Аудиторлик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларни ижодий таҳлил қилиш натижасида уларнинг қуйидаги турларини аниқлаш имконини берди. Тадбиркорлик фаолиятига кирувчи аудит мақсади, вазифалари ва объектларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- ташқи аудит;
- ички аудит;
- молиявий аудит;
- қонунларга мосликнинг аудити;
- иқтисодий самарадорликнинг аудити;
- таваккалчиликнинг(рискнинг) аудити;
- операцион (ташаббускор) аудит;
- менежмендлик аудити;
- ижтимоий аудит;
- экологик аудит.

Аудитнинг турлари буюртмачилар билан тузилган шартномаларга бевосита боғлиқ бўлиб ушбу буюртмачилар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- муассислар (таъсисчилар);

- мулкдорлар;
- инвесторлар;
- банк муассасалари;
- бошқа манфаатдорлар.

Ташқи ва ички аудитнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари кейинги параграфда алохида ёритилади.

Молиявий аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий кўрсаткичларини текширишга қаратилган. Бундай аудит кўпгина холларда таъсисчилар, инвесторлар ва бошқа ташқи манфаатдорларнинг буюртмалари асосида ўтказилади. Молиявий аудитнинг асосий мақсади молиявий натижаларнинг ҳаққоний, асосли эканлиги, молиявий ҳисоботнинг тўғри тузилганлигига баҳо беришдан иборат.

Турли мулкдаги корхоналар ўз фаолиятларида қабул қилинган қоиун-қоидаларга тўлиқ риоя қилишлари керак. Мулк тўғрисида, корхоналар тўғрисида, ижара тўғрисидаги қонунларнинг талабларига, солиқ қонунчилигига амал қилиш барча хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий вазифаларига киради. Шу мақсадларда қонунларга мосликнинг аудити ўтказилади. Бундай аудит кўп холларда давлат ҳамда бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг буюртмалари бўйича ўтказилади.

Корхона самарадорлигининг аудити мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ички имкониятларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бундай аудит кўп ҳолларда хўжалик фаолиятининг таҳлили шаклида ўтказилиб унинг буюртмачилари асосан корхона маъмурияти ёки таъсисчилари ҳисобланадилар.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши хавф-хатарнинг мавжудлиги, таваккалчилик билан бевосита боғлиқдир. Корхона ўз ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаши учун келажакда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарни, таваккалчилик натижаларини олдиндан билишга манфаатдор бўлади. Шу мақсадларда таваккалчиликнинг аудити ўтказилади. Унинг натижасида содир бўлиши кутилаётган хавф-хатарнинг олдини олишга қаритилган чора-тадбирлар белгиланади.

Корхоналарнинг фаолияти маълум операциялар ва жараёнлардан иборат. Жумладан, таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни ва реализация (тақсимот) жараёни. Ушбу жараёнлар билан корхонанинг

аудиторлик ташкилотларига (фирмаларига) бўлган талаб, аудитни ўтказилнш тартиби, аудит натижаларини расмийлаштириш қоидалари ва бошқа масалалар. Махсус адабиётларда аудит стандартларининг қуйидаги гуруҳлари келтирилган [17, 16 б.]:

- аудитни ташкил қилиш билан боглиқ бўлган стандартлар;
- аудитни ўтказиш билан боглиқ бўлган стандартлар;
- аудит натижаларини умумлаштирнш ва расмийлаштириш билан боглиқ бўлган стандартлар.

Аудит назарияси ва амалиётида эса аудит стандартлари қуйидаги турларга бўлинган [45, 49.]:

- ички аудит стандартлари;
- ташқи аудит стандартлари;
- халқаро аудит стандартлари;
- миллий аудит стандартлари;
- аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) нинг аудит стандартлари.

Аудит стандартлари бўйича айрим мутахассис-олимларнинг фикрлари махсус адабиётларда қуйидагича ифодаланган. Проф. В. Подльскийнинг фикрича ички аудит стандартлари аудиторлик фирмаларининг ўзида ишлаб чиқилади. Ташқи аудит стандартлари эса халқаро ва давлат аудиторлик ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади [45, 172 б.]. Проф. В. Суйц аудит стандартини халқаро, миллий ва фирма стандартларига бўлиб ушбу стандартлар ҳам халқаро даражада, ҳам мамлакат миқёсида, ҳам алоҳида аудиторлик фирмалари томонидан ишлаб чиқилишини эътироф этган [49, 71 б.]. Аудит стандартларининг алоҳида аудиторлик фирмалари, мамлакат ичида ва халқаро даражада тайёрланиши, бизнинг фикримизча аудит жараёни ва натижаларининг сифатини оширишга олиб келади ва мавжуд илғор усуллардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Халқаро амалиётда 50 га яқин аудит стандартлари қўлланилиб келинаётганлги манбалардан маълум. Уларда аудитни ташкил қилиш тартиби, аудит ўтказувчи шахсларга қўйиладиган талаблар, аудитни ўтказиш жараёнидаги талаблар, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларининг мазмунига тегишли умумий қоидалар ифодаланган. Ўзбекистонда қўлланилаётган аудитнинг миллий стандартлари бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларига асосланган. Уларнинг сони бугунги кунда 20 га яқин бўлиб

иқтисодий ўзгаришлар эътиборга олиниб сон жиҳатидан кўпайиб сифат жиҳатдан такомиллашиб бормоқда. Аудитнинг миллий стандартлари қуйидаги масалаларни ўз ичига олади: аудитни режалаштириш қоидалари, мижознинг хўжалик фаолияти билан танишиш тартиби, аудиторлик хатарни (рискни) белгилаш, аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби, маълумотларни компьютерларда ишлов бериш шароитида аудит ўтказишнинг хусусиятлари, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасига қўйиладиган талаблар ва бошқа масалалар. Таниқли олим проф. Ю. Иткиннинг фикрича аудитнинг миллий стандартларида аудит предмети ва объектларини текширишда маълум мезонлар келтирилиши керак. Мисол учун, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботига баҳо беришда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш лозим: бухгалтерия ҳисобининг тўлиқлиги, бухгалтерия ёзувларнинг асослилиги ва тўғрилиги, балансдаги активлар қийматининг асосли акс эттирилганлиги, ҳисобот маълумотларининг жорий ҳисоб маълумотларига мослиги, маълумотларнинг назорат қилишга қулайлиги [17, 34 б.]

Миллий аудит стандартлари халқаро аудит стандартлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб доимий равишда такомиллаштирилмоқда.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган стандартлар аудиторларнинг ижодий фаолияти натижлари бўлиб ушбу ташкилотнинг интеллектуал мулки ҳисобланади. Аудит стандартлари аудитнинг мазмуни, турлари, ўтказилиш тартиби ва расмийлаштирилиши билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

**Таянч иборалар:**

Аудит стандартларининг мазмуни. Аудит стандартларининг турлари. Ташқи аудит стандартлари. Ички аудит стандартлари. Халқаро аудит стандартлари. Миллий аудит стандартлари. Аудиторлик ташкилотларининг аудит стандартлари. Аудит стандартларининг ўзаро боглиқлиги.

### 3.3. Аудиторлар, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятлари

Аудит орқали корхоналар ва фирмаларнинг фаолиятлари текширилиб уларнинг натижасига малакавий баҳо берилади. Бундай вазифа аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи мута-

хассисларга маълум талаблар ва масъулиятлар юклайди. Аудитни аудитор ўтказади. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида аудиторга қуйидагича таъриф берилган: «Аудитор — аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир.

Агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин» [4]. Аудитор махсус касб эгаси, малакали мутахассис ҳисобланади. У ўзининг фаолият йўналиши ва бажарадиган вазифасига кўра бухгалтерия ходими, тафтишчи ва солиқ инспекторидан фарқ қилади. Аудитор махсус фанлардан чуқур билимга, маълум иш тажрибасига эга бўлган, дунёқараши кенг мутахассисдир. У олий ёки ўрта махсус билимга эга бўлиши керак. Аудитор доимий равишда ўз устида ишлаши, касбий маҳоратини ошириб бориши лозим.

Иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришлар, тез-тез қабул қилинаётган янги меъёрий ҳужжатлар аудитордан узлуксиз равишда ўз билимини ошириб боришини тақозо қилади. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг халқаро амалиёт талаблари асосида ташкил этилиб борилиши, молия-пул ва солиқ сиёсатининг такомиллашуви аудитордан касбий билимини доимий равишда чуқурлаштириб боришини талаб қилади.

Аудитор – муайян ваколатга эга бўлган, олий ёки махсус маълумотли, тажрибали мутахассисдир.

Аудитор текшириш натижалари бўйича якуний ҳужжатлар тузади ва уларга имзо қўяди. Аудиторлик ташкилотларида аудиторнинг ёрдамчилари ҳам фаолият юритишлари мумкин. Аудиторнинг ёрдамчиси аудиторлик фаолиятини юритишга ҳуқуқи (сертификати) бор бўлган аудитор раҳбарлигида ва топшириғига асосан иш олиб боради. Улар аудиторлик текширув ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга эмаслар. Аудиторлик ёрдамчилари билан қонун ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар асосида меҳнат шартномаси тузилади ва ишлаган даври малака сертификатини олиш учун зарур бўлган иш стажига киради.

Аудиторнинг вазифалари, ҳуқуқлари маъсулияти ва жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белгиланган. Аудиторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат [4]:

– шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини юқори малакавий даражада текшириш;

– текшираётган корхона (хўжалик) раҳбарига бухгалтерия ҳисобини юритишда, молия-солиқ сиёсатига амал қилишда аниқланган камчиликлар ҳақида маълумот бериш;

– текшириш пайтида аниқланган ва ошкор қилиши мижозга зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни (суд талабидан ташқари) сир сақлаш;

– текшириш тугалланиб, хулоса чиқарилгунча сабабсиз ўз фаолиятини тўхтатмаслик;

– текшириш жараёнида ўз хатти-ҳаракатларида холислик бўлмаса аудиторлик фаолиятини тўхтатиш;

– аудит натижаларини белгиланган муддатларда умумлаштириш ва юқори савияда расмийлаштириш.

Аудитор ўз ваколати доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– текшириш шакли ва усулларини мустақил равишда белгилаш;

– хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига оид ҳужжатлардан кенг фойдаланиш;

– маъсул шахслар ва бошқа моддий жавобгар шахслардан тушунтиришлар олиш;

– ўз ҳуқуқини ҳимоялаш.

Аудиторлик ташкилотларининг (фирмаларининг) аудиторлари бир-бирлари билан ҳамда текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ходимлари билан ўзаро ҳурмат ва хайрихоҳликда бўлишлари керак. Аудиторлар билан текширилаётган корхона ёки фирмаларнинг ходимлари умумий мақсад ва қўйилган вазифалар бўйича иккиёқламали жавобгар ҳисобланадилар.

Аудиторнинг аудиторлик фаолияти қуйидаги ҳолларда тақиқланади [4]:

– аудитор текширилаётган корхона раҳбари билан қариндошчилик муносабатида бўлганда;

– аудиторнинг текширилаётган корхонадан моддий манфаатдорлиги бўлганда;

– аудитор таъсисчи ёки мулк эгаси бўлганда;

– аудитор текширилаётган корхонада (муассасада) ишлаётган бўлса;

– аудит жараёнида кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар иштирок этса.

Аудиторни чақириб олиш фақат уни тайинлаган юридик шахснинг қарорига асосаи амалга оширилади. Аудитор қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилмаган ҳолларда мулкий ва маъмурий жавобгарликка тортилади. Аудиторнинг бундай ҳатти-ҳаракатлари учун амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ундаги аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича берилган рухсатнома (сертификат) олиб қўйилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

**Таянч иборалар:**

Аудиторлар, уларнинг вазифалари. Аудиторларнинг ҳуқуқлари. Аудиторларнинг жавобгарликлари. Аудиторларнинг маъсулиятлари. Аудиторлик фаолиятининг тақиқланиши.

## 3.4. Аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг вазифалари

Аудиторлик фаолияти билан юридик ва жисмоний шахслар шуғулланадилар. Ўзбекситон Республикасида амал қилинаётган қонун ҳужжатларига асосан аудиторлик фаолияти билан асосан юридик шахслар, яъни аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) шуғулланадилар. Ушбу ташкилотлар аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича махсус рухсатномага эга бўлиб ўз фаолиятларини юритиш бўйича мустақил ҳисобланадилар.

Илмий-тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики чет элларда аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар турли мулк шакллари кўринишида ташкил этилган. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин [45, 44-45 б.]: корхоналар ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик фирмалари, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари, маъсулияти чекланган жамиятлар. Махсус аудиторлик фирмалари (ташкилотлари) фаолият йўналишлари ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажмига қараб турларга бўлинган. Умумий фаолиятли аудиторлик фирмалари ишлаб чиқариш, савдо, суғурта, банк соҳаларида аудит ўтказиш ҳуқуқига (сертификатларга) эга. Ихтисослашган аудиторлик фирмалари эса қисқа йўналишлар бўйича аудит ўтказиш ҳуқуқига эга ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикасида аксарият аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) умумий фаолиятларни текшириш билан шуғулланмоқдалар. Ихтисослашган аудиторлик фирмаларининг

муҳим хусусиятлари шундан иборатки, уларда фаолият кўрсатаётган аудиторлар маълум соҳа бўйича шаклланган бўлиб аудитни мукаммал биладилар ва ҳар томонлама асосли хулосалар бериш имкониятига эгадирлар.

Хорижий мамлакатлардаги аудиторлик фирмаларининг яна бир хусусияти — уларнинг чет эл сармоядорлари иштирокида ташкил этилишидир. Бундай аудиторлик фирмаларига халқаро даражада аудит ўтказиш имкониятлари очилади. Булар жумласига Россиядаги «Вне-аудит», «Фин Экспорт», «Балт-Аудит-Эксперт», «ИНЭК-Финаудитсервис», «Andersen Worldwide, Deloitte Tohmatsu International» ва бошқа фирмаларни киритиш мумкин. Мамлакатимизда ҳам келажакда чет эл муассислари иштирокида аудиторлик ташкилотларини (фирмаларини) барпо этиш ижобий натижалар берар эди.

Республикамизда юридик шахс ҳисобланган аудиторлик ташкилотлари қуйидаги мезонларга (шартларга) асосланиб ташкил этилмоқда [ 4 ]:

– аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида 51 фоизи бир ёки бир неча аудиторга тегишли бўлиши керак (чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно);

– аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги камида икки аудитордан иборат бўлиши керак;

– аудиторлик ташкилотининг раҳбари фақат аудитор бўлиши керак;

– аудиторлик ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши керак;

– аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Респуликаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Аудиторлик ташкилоти (фирмаси) – юридик шахс сифатида фаолият юритувчи субъект бўлиб мижозлар билан тузилган шартномаларга асосан аудиторлик текширувини ўтказади ва хизматлар кўрсатади.

**Аудиторлик текширувн деганда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларининг тўғрилиги, уларнинг қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида аудиторлик текширувини ўтказиш тушинилади.**

Аудиторлик ташкилотлари текширув буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ахборот фойдаланувчилари олдида қонун ҳужжатларига асосан нотўғри аудиторлик якунидан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Агар, аудиторлик ташкилоти сифатсиз ёки лозим даражада аудиторлик текширувини ўтказмаганлиги туфайли хўжалик юритувчи субъектга ёки буюртмачига зарар етказган бўлса (шу жумладан, бой берилган фойда) у ҳолда ушбу зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Аудит қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўлиқ риоя қилиш аудиторлик ташкилотининг мавқеини янада ошишига олиб келади. Республикамиздаги аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлари ҳамда бухгалтерлар фаолиятларини бошқариш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нодавлат тузилмаси, яъни «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси» ташкил этилган.

Аудит ўтказишда бухгалтерия ҳисоби, статистик ҳисоб, бизнес-режа ва бошқа маълумотлардан кенг фойдаланилади. Корхона фаолиятини тўла ва чуқур изоҳловчи муҳим ҳужжат унинг «Молиявий ҳисоботи» ҳисобланади (1- илова)[1].

**Таянч иборалар:**

Аудиторлик ташкилотлари (фирмалари). Аудиторлик ташкилотларининг вазифалари. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

## 3.5. Аудитнинг ташкил қилиниш тарихи ва ривожлантирилиши

Аудит ва аудиторлик фаолияти ўзининг маълум ривожланиш тарихига эга. Иқтисодий муносабатларнинг такомиллашиб бориши, кўпмулкчиликнинг вужудга келиши, мулклардан кўпроқ фойда олиш вазифасининг долзарблиги аудитнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Аудит бозор инфратузилмасининг тарки-

[1] Бугунги кунда ушбу ҳисобот таркиби такомиллашган.

бий қисми, тадбиркорлик фаолиятининг маълум тури сифатида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Аудиторлик касбига XIX асрда асос солинганлиги махсус адабиётлардан маълум [49, 10 б.].

Дастлабки даҳлсиз аудиторлар Европа мамлакатларининг компанияларида вужудга келган. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши акционерлик жамиятларнинг ташкил бўлиши, мулкдорлар билан корхона бошқарувчилари (маъмурияти), кредиторлар ўртасидаги функцияларнинг бўлиниши ҳам сабаб бўлган. Мулкларни тасарруф этиш, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари ўртасидаги тафовутларнинг мавжудлиги ҳам аудитнинг вужудга келишига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатган.

Мулклардан кўпроқ даромад ва фойда олиш уларни тўғри назорат қилиш орқали эришилади. Бундай вазифаларнинг даҳлсиз назоратчилар, яъни аудиторлар томонидан амалга оширилиши текширувининг ҳаққонийлиги ва асослилигини таъминлайди.

Аудит соҳасидаги махсус адабиётларда аудитнинг келиб чиқиш даври 1850 йилларга келиб тақалади [29, 27 б.] ва унинг ватани Буюк Британия эканлиги эътироф этилган. Бу даврларда дастлабки мутахассис-аудиторлар асосан корхона ва фирмаларнинг самарадорлигини аниқлаш, айрим ноқонуний операцияларнинг олдини олиш билан шуғулланганлар, холос. Кейинчалик аудит орқали бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини текширишга, молиявий ҳолатга холисона баҳо беришга эътибор кучайтирилган.

Аудиторлик фаолияти кейинчалик XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Америка, Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларида ривож топган [45, 14-15 б.]. Германияда аудиторлик фаолиятини юритишга даставвал 1870 йилларда асос солинган. Мамлакатда ташкил топган акционерлик жамиятларининг фаолиятлари даҳлсиз кузатувчи кенгаш томонидан назорат қилиб борилган. Кейинчалик, 1932 йилда Германия аудиторлар институти ташкил топган. Мазкур институт бугунги кунда ҳам ўзининг нуфузли мавқеини сақлаб келмоқда. Францияда аудиторлик фаолияти билан "Бухгалтерлар-экспертлар Палатаси", Италияда эса ҳукумат рўйхатига киритилган ва Адлия вазирлиги назоратидаги махсус сертификатли аудиторлар шуғулланадилар.

Хитойда 1983 йилдан "Аудиторлик маъмурияти" фаолият юритмоқда. Европадаги Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Руми-

ния, Болгария каби давлатларда ҳам аудиторлик назорати йўлга қўйилган. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда қуйидаги халқаро аудиторлик фирмалари муваффақият билан фаолият юритмоқдалар: «Катта тўртлик»га кирувчи фирмалар: «Куресс Энд Лайбранд», «Прайс Уотерхаус», «Артур Андерсон», «Эрнест Энд Янг». Россияда аудиторлик ташкилотларини тузишга 1889, 1912 ва 1918 йилларда асос солинган эди [45, 3 б.]. Лекин, ушбу ҳаракатлар турли сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли тўлиқ амалга ошмади. Ушбу мамлакатда дастлабки аудиторлик фирмалари атиги 1987 йиллардан ташкил топа бошлади. Ҳозирги кунда Россияда юқори нуфузга эга бўлган уч мингдан ортиқ аудиторлик ташкилотлари ва фирмалари фаолият юритмоқда. Булар қаторига «Интерэкспертиза», «Инаудит», «Вольд-Аудит», «МИНХ-Аудит», «Артур Андерсен в СНГ», «Рос аудит», «Экспресс-аудит», «Аудит-сервис», «Кант», «Руфаудит», «Росэкспертиза», «Актионаудит» ва бошқа аудиторлик фирмаларни киритиш мумкин.

Аудиторлик фаолияти собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил топган МДҲ мамлакатларда, яъни Украина, Белорус, Қозоғистон ва Ўзбекистонда ҳам ташкил қилинган ва ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш учун маълум ташкилий-услубий ишлар амалга оширилди. Жумладан: Республикада аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган, Ўзбекистон Респуликаси аудиторлар Палатаси ташкил бўлди, Республика бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси фаолият юритмоқда, “Аудиторлик фаолият юритиш учун рухсат бериш тартиби” белгиланган, аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилди, Республикамиз ҳудудларида 500 дан ортиқ аудиторлик ташкилотлари ва фирмалари муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Булар жумласига Тошкентдаги “Ўзбексавдо – аудит”, “Интер–аудит”, “Холис–аудит СО”, Сирдарёдаги “Адолат–М”, “Филокор”, Жиззахдаги “Мададкор–А”, “Маслаҳат–аудит–М”, Самарқанддаги “Ҳақиқат–А”, “Коопаудит”, “Комил–ишонч”, Андижондаги “Имкон–аудит”, “Мададкор–таҳлил”, Фарғонадаги “Аудит–имкон”, Хоразмдаги “Урганч–аудит”, Бухородаги “Аудит–таҳлил”, “Аудит–ИХМ” ва бошқа аудиторлик фирмаларни киритиш мумкин.

Бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида аудиторлик фаолияти ҳам тобора такомиллашиб бораверади.

## Таянч иборалар:

Аудитнинг келиб чиқиш сабаблари. Аудитнинг дастлабки вазифалари. Аудитнинг ватани. Дастлабки аудиторлик ташкилотлари. Европа мамлакатларидаги аудиторлик ташкилотлари. Россиядаги аудиторлик фаолият. Ўзбекистонда аудитнинг келиб чиқиш тарихи. Ўзбекистонда аудитнинг ривожланиш истиқболлари.

# IV БОБ. АУДИТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА КЕТМА-КЕТЛИГИ

## 4.1. Аудит ўтказишдаги кетма-кетлик

Аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари томонидан аудитнинг ўтказилиши аудит қонунчилиги ва андозалари (стандартлари) талаблари асосида маълум кетма-кетликда амалга оширилади. Аудитни ўтказишга асос бўлиб хўжалик юритувчи субъектнинг аудит ўтказиш тўғрисидаги ёзма буюртмаси ҳисобланади. Ушбу буюртма аудиторлик ташкилотига тақдим этилган бўлади. Аудиторлик ташкилоти буюртманинг предмети, объектлари билан яқиндан танишгандан сўнг ўзининг аудит ўтказиш бўйича розилигини "Ёзма-мажбурият" шаклида ифодалайди. Ушбу ҳужжатда аудит ўтказиш шартлари, томонларнинг мажбуриятлари, аудит ўтказиш даври ва муддати, аудиторлик хизмати қийматини аниқлаш мезонлари ва бошқа шартлар ифодаланган бўлади. Буюртмачи–корхона "Ёзма мажбурият" шартларига рози бўлгандан сўнг уни аудиторлик ташкилотига қайтаради. Шундан сўнг "Аудиторлик шартномаси" тузилади. Ушбу шартномада аудитни ўтказиш муддати, аудит предмети, объекти, аудитда иштирок этувчи аудиторлар, аудиторлик хизматининг қиймати, шартнома шартларининг бажарилиш тартиби, аудитдаги хатар (риск) даражаси кўрсатилади. Шартнома икки томонлама тасдиқлангандан сўнг аудиторлик ташкилоти "Аудитни ўтказиш режаси" ва "Аудит ўтказиш дастури"ни тузади. Аудитни ўказиш режасида аудит ўтказиш даври, текширилишга мўлжалланаётган иш ҳажми, текшириш муддати, ижрочилари кўрсатилади. Бундан ташқари ушбу ҳужжатда аудитнинг ҳаққонийлигини таъминловчи масалалар, текшириш жараёнида кўпроқ эътибор берилиши керак бўлган объектлар ифодаланган бўлади. Аудитнинг умумий режасига асосан "Аудитни ўтказиш дастури" тузилади. Ушбу дастурда аудитда қўлланиладиган аниқ усуллар, текшириш муддатлари, ау-

дит натижаларини расмийлаштириш тартиби ифодаланган бўлади. Аудитни ўтказиш режаси ва дастури аудиторлик ташкилоти ҳамда аудиторлик гуруҳи бошлиғи томонидан тузилади ва тасдиқланади. Ушбу ташкилий ишлар бажарилгандан сўнг бевосита аудиторлик текширувига киришилади. Аудитор аудит объекти ва режасига асосан корхона фаолиятини экспертизадан ўтказади. Ушбу жараёнда аудитнинг вазифаларига қараб дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар, "Молиявий ҳисобот" маълумотлари аудит қилинади. Текшириш натижалари кейинчалик аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасида ўз ифодасини топади.

Аудитор текширув жараёнида қуйидаги тамоилларга амал қилиши керак:

- бетарафлик;
- тўғрилик;
- ошкоралик (ҳаққонийлик);
- касбий маҳоратлилик;
- виждонийлик;
- хайрихоҳлилик.

Аудиторнинг аудит жараёнидаги бетарафлиги унинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан молиявий, моддий манфаатдорлигининг йўқлиги, корхона раҳбарлари ва маъсул ходимлари билан қариндошчилик алоқаларининг бўлмаслиги билан белгиланади. Аудитор иш жараёнида касбий аҳлоқ нормаларига тўлиқ амал қилган ҳолда ўзининг тўғрилиги, поклигини исботлайди. Аудитор аудит жараёнида корхонанинг барча ҳужжатларидан тўғри фойдаланиши, уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаши, текширилаётган корхонанинг тижорат сирини учинчи шахсга ошкора қилмаслиги керак. Аудитор ўз фаолияти давомида масалаларга касбий маҳорат ва масъулият билан ёндошиб содир бўлган операцияларнинг қай даражада қонуний эканлигини асосли исботлаб бериши керак. Аудиторнинг текширув жараёнидаги хатти-ҳаракатидан буюртмачи ва унинг ходимлари қониқиш олаётганликлари ва бегараз ёрдам кўрсатилаётганлигини сезишлари керак. Шундагина аудит натижаларидан кўзланган мақсадга эришилади.

Аудиторлик шартномасини тузиш маълум кетма-кетликда амалга оширилади. Даставвал режалаштирилаётган мижознинг фаолияти обдан ўрганилади, аудитнинг мақсади, вазифалари ва объектлари белгиланади. Шуни эътироф этиш керакки, аудиторлик шартномалари бошқа тубдаги хўжалик ва фуқаролик шартномаларидан тубдан фарқ қилади ҳамда маълум хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

Аудиторлик шартномасининг мазмун-моҳияти ва амалга оширилиши аудит ўтказишга ваколати бўлган юқори малакали мутахассислар, яъни аудиторларнинг ижодий фаолияти билан боғлиқ. Мазкур шартномадаги аудиторларнинг вазифалари корхоналарда штатлар бўйича белгиланган мутахассисларнинг вазифаларидан тубдан фарқ қилади. Корхоналардаги бўлим бошлиқлари, масъул шахсларнинг асосий вазифалари иш берувчи томонидан белгиланган ва корхона ички интизомига мўлжалланган қоидаларни сўзсиз бажаришга қаратилган бўлса, аудиторлар эса шартнома шартларини бажаришда масалаларга индивидуал ёндошадилар, аудит усулларини мустақил белгилайдилар. Аудит объектлари эса бир-биридан тубдан фарқ қиладиган, корхонанинг турли соҳаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан иборат бўлади. Ушбу хусусиятлар аудиторлик шартномасининг мазмунига таъсир кўрсатади. Аудиторлик шартномасининг энг муҳим фарқи ва хусусияти шундан иборатки аудит ўтказиш жараёни ва унинг натижалари олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳодисалар, хавф-хатарлардан (рисклардан) иборат бўлиб аудитордан чуқур билимни ва шижоатни талаб қилади. Шу боис аудиторлар маълум шароитларда таваккалчилик билан иш кўришни ўзларига маъқул деб биладилар.

Аудиторлик шартномаси ва аудиторлик фаолиятининг яна бир муҳим хусусияти унинг натижасидадир. Аудиторлик текшируви натижаси, албатта, биринчи навбатда мижознинг манфаатига қаратилган бўлиши керак. Лекин, аудит ўтказиш давридаги ўзгаришлар бу натижани «йўққа» чиқариши мумкин. Аудит ўтказиш пайтида ва хулосаларни тайёрлаш давомида амалдаги айрим қонун-қоидалар ўзгариши, янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин. Ушбу ҳоллар ҳам, сўзсиз аудиторлик шартномасини тузишга, ундан кутилаётган натижаларни режалаштиришга ўз таъсирини кўрсатади. Аудиторлик фаолиятининг яна бир муҳим томони шундаки, аудит ўтказиш билан боғлиқ

бўлган кўрсаткичлар ва унинг натижалари хўжалик юритувчи субъект, яъни мижознинг мулки ҳисобланади [48, 12 б.]. Аудиторлик шартномасини тузишда юқоридаги хусусиятлар эътиборга олиниши керак.

Аудиторлик шартномаси қонун талаблари асосида аудиторлик ташкилоти ва мижоз (хўжалик юритувчи субъект) билан биргаликда тузилади. Аудиторлик шартномасида қуйидагилар ўз аксини топади:

- шартноманинг мазмуни ва тури;
- шартноманинг предмети ва объектлари;
- аудит хатари;
- томонларнинг мажбуриятлари;
- томонларнинг масъулиятлари;
- келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш тартиби;
- қўшимча шартлар;
- аудиторлик хизматининг қиймати;
- шартноманинг амал қилиш муддатлари;
- томонларнинг манзили ва реквизитлари.

Аудиторлик хизматининг қиймати ва унга тўланадиган ҳақ аудитнинг тури, мақсади ва вазифаларига бевосита боғлиқ бўлади. Аудит назарияси ва амалиётида аудиторлик хизмати учун ҳақ қуйидаги тартибларда тўланиши кўзда тутилган [49, 92 б.]: акордли тўлов, вақтбай тўлов, ишбай тўлов, аралаш тўлов. Тўлов турлари аудиторлик шартномасида кўрсатилади.

Аудиторлик шартномасининг наъмунавий шакли ва мазмуни 2- иловада келтирилди.

**Таянч ибоарлар:**

Аудиторлик шартномасининг мазмуни. Аудиторлик шартномасининг турлари. Аудиторлик шартномасининг хусусиятлари. Аудиторлик хизматининг қиймати.

## 4.3. Аудитнинг режалаштирилиши

Аудитнинг самарадорлиги уни тўғри режалаштиришга бевосита боғлиқдир. Аудиторлик ташкилотлари турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятларини текширади. Ушбу фаолиятлар ўз навбатида бир-биридан фарқ қилади. Мисол учун, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарнинг

хўжалик жараёнлари кўп ҳолларда хом ашёларни сотиб олиш, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш, тайёр маҳсулотлар олиш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлса, савдо билан шуғулланувчи корхоналарнинг фаолиятлари эса товарларни сотиб олиш ва қайта сотиш билан боглиқ бўлади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъект фаолиятини аудит қилишга розилик бериш ва шартнома тузишдан олдин аудит режаси тузилади.

Аудитнинг режалаштирилиши ушбу жараённинг муҳим таркибий қисми бўлиб ўз ичига аудиторлик текширувининг умумий ҳажмини аниқлаш, аудит дастурини тузиш, аудитда қўлланиладиган усулларни белгилаш, текшириш муддатлари, кўрсатиладиган хизматларни ва аудит хатарини аниқлаш каби масалаларни ўз ичига олади. Махсус адабиётларда аудитни режалаштиришга аудитнинг стратегияси ва тактикасини аниқлаш деб ҳам эътироф этилган. Аудит стратегияси қўйилган мақсад ва вазифаларни маълум кетма-кетликда ва аниқ истиқболга асосланиб бажарилишини таъминласа, аудит тактикаси эса қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усулларини ифодалайди [29, 107-108 б.]. Аудитни режалаштиришдан асосий мақсад аудит жараёнидаги умумий иш ҳажмини аниқлаш, текшириш муддатларини белгилаш, аудитни ўтказишда қўлланилиши мумкин бўлган илгор усуллар таркибини, кўрсатиладиган аудиторлик хизмати қийматини ҳамда аудиторлик хатарини аниқлашдан иборат. Аудитни режалаштириш 3-сонли- «Аудитнинг режалаштирилиши» ва 9-сонли «Аудиторлик исботи ва хатари» аудит миллий стандартлари талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу стандартларга асосан аудитни режалаштиришда қуйидаги тамойиллар ҳисобга олиниши керак бўлади:

- режанинг тўлиқлиги;
- режанинг узлуксизлиги;
- режанинг ихчамлиги.

Аудит режасининг тўлиқлиги режалаштириш босқичларининг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириб бориши орқали таъминланади. Аудитнинг дастлабки режасини, ўтказилиш дасурини тузиш, аудит натижаларини ҳужжатлаштириш жараёнлари бирбири билан узвий боғланган бўлиши керак. Аудит режасининг узлуксизлиги деганда ушбу режада аудитнинг барча объектлари бўйича аниқ вазифаларнинг белгиланиши, хўжалик юритувчи

субъект ички назорати билан алоқадорлиги ва якуний натижага эришиш усулларининг мавжудлиги тушинилади. Корхона фаолияти аудит қилинганда унинг барча бўлинмалари (филиаллари), хўжалик жараёнлари ҳам текширилиб якуний натижалари хулосага киритилади.

Аудит режаси ихчам тузилган ва тушунарли бўлиши керак. Режада аудит ўтказиш тартиби (вариантлари) ва усуллари келтирилган бўлиши лозим. Аудиторлар (аудиторлик гуруҳи) ўзларига мос келадиган аудит усулларидан фойдаланиш имкониятларига эгадир.

Аудит стандартларига асосан унинг режалаштирилиши қуйидаги уч босқичда амалга оширилади [16, 4-9 бетлар]:

- аудитнинг дастлабки режасини тузиш;
- аудитнинг умумий режасинии тузиш;
- аудит дастурини тузиш.

Аудитнинг дастлабки режаси аудиторлик текширувини ўтказишга розилик беришдан ва аудиторлик шартномасидан олдин тузилади. Маълумки кўпмулкчиликка асосланган корхоналарнинг фаолиятлари, улардаги жараёнлар, аудит объектлари ҳар хил бўлади. Шунинг учун аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) аудитнинг дастлабки режасини тузади. Ушбу режада қуйидаги масалалар ўз ифодасини топади:

- хўжалик субъектининг тури ва фаолият йўналиши;
- корхонанинг таркибий тузилиши ва бошқарилиши;
- корхона маблагларининг турлари ва шаклланиш тартиби;
- молиявий–хўжалик кўрсаткичлар ва уларнинг бажарилиши;
- корхонада ички назоратнинг ташкил этилиши;
- хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа шахслар билан ўзаро ҳисоб-китоблари (дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати).

Юқоридаги масалаларни ўрганиш ва аудитнинг дастлабки режасини тузишда аудиторлик ташкилоти қуйидаги маълумотлардан фойдаланади: корхонанинг низоми, корхона фаолиятини қайд этишга асос бўлган ҳужжатлар, ҳисоб сиёсатини акс эттирувчи ҳужжатлар, молиявий ҳисобот, банк, молия, солиқ органларининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятига оид маълумотномалари, корхоналар ўртасида тузилган шартномалар ва уларнинг бажарилиши. Йиғилган маълумотларнинг таҳлили натижаси ва дастлабки режага асосан аудит ўтказишга розилик берилади ва шартнома тузилади.

Аудиторлик шартномасининг мақсади ва қўйилган вазифаларига қараб аудитнинг умумий режаси тузилади. Аудитнинг умумий режасида текширишга мўлжалланаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи, аудит даври, аудитга ажратилган муддат, аудиторлик гуруҳининг таркиби, режалаштирилаётган ишларнинг тури, унинг бажарувчилари кўрсатилади. Аудитнинг умумий режасида аудиторлик исботи ва аудиторлик хатарининг даражаси ҳам келтирилади. Ушбу режа адиторлик гуруҳи раҳбари (аудитор) томонидан имзоланади ва аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади (3–илова). Аудит режасига асосан аудит дастури тузилади. Ушбу дастурда режадаги вазифаларга янада аниқликлар киритилиб бажарувчилар ўртасида тақсимланади. Дастурда аудит объектлари, уларни текширишда қўлланиладиган ва аудиторлик исботини таъминлайдиган усуллар, аудиторларнинг ишчи ҳужжатлари келтирилган бўлади. Ўзининг мазмун-моҳиятига кўра аудиторлик дастури аудит ўтказиш учун услубий манба ва назорат воситаси бўлиб хизмат қилади. Агар аудит ўтказиш жараёнида айрим операцияларни чуқурроқ текшириш зарурияти келиб чиқса ундай ҳолларда аудит дастурига тегишли ўзгартиришлар киритилади ва қабул қилинган тартибларга асосан ҳужжатлаштирилади (4–илова). Аудит дастури ҳам аудиторлик гуруҳи раҳбари (аудитор) томонидан имзоланиб аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади. Аудит режаси ва дастури асосида ўтказилган текширувлар маълум тартибда умумлаштирилиб борилади ва ҳужжатлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар ўз навбатида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаларини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Таянч иборалар:**

Аудитни режалаштириш тартиби. Аудитни режалаштиришдаги кетма-кетлик. Аудитнинг дастлабки режалаштирилиши. Аудитнинг умумий режалаштирилиши. Аудит дастурини тузиш.

## 4.4. Аудиторлик исботи ва хатари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятларида содир бўлаётган жараёнлар маълум мақсад ва вазифаларга қаратилган бўлади. Ҳар бир жараён алоҳида ҳужжатларда акс эттирилиб маълум ахборотларни ташкил этади. Ушбу ахборотлар корхона-

ларни бошқариш, тўғри қарорлар қабул қилишга асос бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш жоиздирки, содир бўлаётган операцияларнинг барчаси ҳам қабул қилинган қонун-қоидаларга (мезонларга) мос келавермайди. Бунинг сабаблари турлича бўлиб, унга маълум ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади.

Аудиторнинг ижодий фаолияти текширув натижалари бўйича содир бўлган ҳодисаларнинг белгиланган мезонларга нечоғлик мослигини исботлашдан иборат. Исбот ижтимоий-детектив тушунча бўлиб бу ёки у ҳодисанинг қай даражада содир бўлганлигини аниқлашдир. Ҳодисанинг маълум мезон талаблари асосида содир бўлиши мавжуд хавф-хатар (риск) билан боғлиқ бўлади.

**Аудиторлик исботи – бу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш жараёнида аудитор томонидан йиғилган ахборотлар ва уларга асосланиб қилинган хулосадир** [48, 151 б.]. Аудит жараёнидаги маълумотлар ва уларнинг исботи аудиторлик ҳисоботи ҳамда аудиторлик хулосасини тузишга асос бўлади. Аудиторлик хулосасининг ўта муҳимлиги ва мураккаблиги аудитордан маълум маъсулиятни талаб қилади. Аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъект тўғрисида берилган асоссиз хулоса мижозга катта путур етказиши мумкин. Шунинг учун аудиторлик исботи аудит жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Корхона фаолиятида содир бўлган операцияларнинг амалдаги қонун-қоидаларга нечоғлик мос келиш-келмаслигига қараб ўзаро тузилган шартномада аудиторлик хатари белгиланади. Аудитор текширув жараёнида содир бўлган ҳодисаларнинг тўғрилигини исботлаш мақсадида бир қанча усуллардан фойдаланади. Аудиторлик исботининг даражаси аудиторнинг касбий маҳоратига, билим даражасига, иш тажрибасига бевосита боғлиқдир. Аудиторлик исботига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, аудиторлик ташкилотларининг (аудиторларнинг) ихтисослашув даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Аудиторлик исботига аудит режасини тузишдан бошлаб асос солинади.

Аудит режаси ва дастурида кўзда тутилган текширув усуллари аудиторлик исботини тўлиқ таъминлаши лозм. Аудиторлик исботи, ўз навбатида тўлиқ ва вақтида асосланган бўлиши керак. Аудиторлик исботи-

нинг сифати кўп ҳолларда аудиторлар томонидан фойдаланиладиган ахборотлар ҳамда аудит усулларига боғлиқ бўлади.

Аудиторлик исботи қуйидаги ахборот манбаларини ўрганиш эвазига эришилади: бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, «Бизнес-режа» маълумотлари, молия, банк ва солиқ соҳасига оид маълумотлар, тафтиш, инвентаризация ҳужжатлари, олдин ўтказилган аудиторлик текшируви маълумотлари ва бошқа манбалар.

Махсус адабиётларда аудиторлик исботининг бир қанча турлари келтирилган [29, 67-71 б., 49, 152 б.]. Аудиторлик исботи турларини умумий шаклда қуйидагича ифодалаш мумкин (2-чизма):




**2-чизма. Аудиторлик исботи турлари**

Ички аудиторлик исботи хўжалик юритувчи субъектнинг маълумотларига асосланади. Ушбу маълумотлар ёзма ёки оғзаки шаклда олиниши мумкин. Ёзма равишда олинган ахборотлар аудиторлик исботи учун муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги «Ҳисоб-китоб» счёти-

даги пул маблағларининг қолдиги тўғрисидағи банк муассасасининг ёзма маълумотномаси ушбу счётнинг бухгалтерия балансидаги қолдиғини тўғри исботланишига асос бўлади. Ташқи аудиторлик исботи хўжалик юритувчи корхона тўғрисидаги учинчи шахснинг маълумотларига асосланган бўлади. Аудиторлар содир этилган операциянинг тўғрилигини исботлашлари учун ҳам ички, ҳам ташқи ахборот манбаларидан, яъни аралаш манбалардан фойдаланишлари мумкин. Тўғри ёки тескари аудиторлик исботлари эса содир этилган операциялар бўйича ҳужжатларда акс этирилган маълумотлар бўйича аниқланади. Мисол учун, солиқларнинг бюджетга тўлиқ ва вақтида ўтказилганлиги Солиқ Кодекси талабларига кўра уларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва банк кўчирмаларига асосан аниқланади. Шахсий аудиторлик исботи аудиторнинг ёзма сўровлари бўйича олинган маълумотларга асосланади. Мисол учун, дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг тўғрилиги учинчи шахслар томонидан олинган маълумотларга асосланади. Моддий аудиторлик исботида мол-мулкларни инвентаризация қилиш орқали мол-мулк солиғининг тўгрилиги исботланади.

Аудиторлар аудит жараёнида ҳодисаларнинг тўғри ёки нотўғри содир этилганлигини исботлаш мақсадида қуйидаги усуллардан кенг фойдаланадилар: тафтиш, ивентаризация, таҳлил, экспертиза, оғзаки сўровлар, компьютер ахборотларидан фойдаланиш, корхонанинг муқобил балансини тузиш ва бошқа усуллар. Аудит жараёнида қўлланиладиган усуллар унинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқади. Мисол учун, мол-мулк солиғининг тўғрилигини исботлаш мақсадида ушбу бойликлар инвентаризация қилиниши мумкин. Тайёр маҳсулотларнинг сифати лабаратория таҳлилидан ўтказилади ёки экспертиза қилинади. Корхонадаги хом ашё ва материалларнинг ишлаб чиқаришга тўлиқ сарфланганлигини, бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини исботлаш мақсадида хом ашёлар ва олинган тайёр маҳсулотларнинг баланси тузилади. Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган тушумлар ҳамда молиявий натижаларга қараб фойда солиғининг тўғрилиги исботланади. Аудитор аудиторлик исботини таъминлаш мақсадида қуйидаги аналитик жараёнлар ва усуллардан кенг фойдаланади:

– молиявий ҳисобот маълумотларини жорий ҳисоб маълумотлари билан солиштирш;

– ҳақиқий маълумотларни «Бизнес-режа» маълумотлари билан таққослаш;

– бухгалтерия ҳисоби маълумотларини статистик маълумотлар билан солиштириш;

– товар ҳужжатларидаги маълумотларни банк-тўлов ҳужжатлари билан таққослаш;

– корхона кўрсаткичларини омилий таҳлил қилиш.

Текширув натижалари бўйича корхона фаолиятида мавжуд бўлган хато-камчиликлар аниқланади, уларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар белгиланади.

Аудиторлик исботининг самарадорлиги аудиторлик хатарини (рискини) тўғри баҳолаш ва уни камайтириш билан белгиланади. **Аудиторлик хатари — бу аудиторнинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш натижадаги исботидан сўнг мавжуд бўлган, лекин аниқланмаган хато-камчиликларнинг борлиги тўғрисидаги эҳтимолидир.**

Аудитор аудит жараёнида ушбу хатарни ўрганиши, тўғри баҳолаши ва маълум тартибда умумлаштириши керак. Аудиторлик хатарининг аниқланиши аудиторлик миллий стандартининг 9-сонли — «Аудиторлик исботи ва хатари» стандарти орқали амалга оширилади. Корхона фаолиятида хатарнинг мавжудлиги аудитор томонидан аудит режасини тузишга тайёрлаш жараёнида аниқланади. Маълумки, аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан даставвал танишади. Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари, ички назоратнинг ташкил этилиши, унинг самарадорлиги ўрганилади. Корхона фаолиятида қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинилишлик даражаси, ҳисоб сиёсати ва унинг татбиғи кўриб чиқилади. Корхонанинг баланси билан танишиш, маблағларнинг ташкил топиши, мажбуриятлар ҳамда бошқа қарзларнинг ҳолати, моддий бойликларнинг сақланиш даражаси билан танишиш аудиторга ушбу хўжалик юритувчи субъектда хатарнинг мавжудлиги тўғрисида маълум хулоса қилишига асос бўлади. Корхона молиявий ҳисоботи билан жорий ҳисоб ўртасидаги номуносибликнинг мавжудлиги, корхона мажбуриятларининг асоссиз ошиб бориши, ички назорат самарадорлигининг пастлиги аудиторда ушбу корхонада сезиларли хавфнинг борлигига шубҳа туғдиради.

Корхона фаолиятидаги хатарнинг мавжудли ички ва ташқи омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Корхона фаолиятининг таркиби, унинг бошқарилиш даражаси, масъул шахсларнинг билим даражаси, ўз вазифаларига муносабати, ходимлар ўртасидаги ўзаро муҳит аудиторлик хатарининг ички омилларига кирса, корхона бизнесининг ҳажми, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан олиб борилаётган ҳисоб-китобларнинг даражаси, томонлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг мавжудлиги, ноанъанавий операцияларнинг мавжудлиги, мулк тақсимотидаги номунофиқликлар эса корхона хатарининг ташқи омилларига киради. Аудитор ушбу омилларни чуқур ўрганиб мавжуд хатарни тўғри баҳолаши ва аудит режасига киритиши керак. Аудиторлик хатарлари даражасига қараб: паст даражали, ўртача даражали ва юқори даражали аудиторлик хатарларига бўлинади. Аудиторлик хатарининг даражаси қанчалик юқори бўлса, аудиторлик исботининг даражаси шунчалик паст бўлади. Меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда аудиторлик хатарининг қуйидаги турлари ифодаланган [16, 37 б., 45, 210 б., 50, 114 –116 б.]:

- ажралмас (ички хўжалик) хатари;
- назорат воситаси хатари;
- аниқланмаслик (детектив) хатари.

Ажралмас ёки ички хўжалик хатари ($И_х$) корхонада олиб борилаётган ҳисоб сиёсати, ходимларнинг малакавий маҳорати, ички назоратнинг ташкил этилиши ва самарадорлик даражаси, молиявий ҳисоботнинг қай даражада тузилганлиги билан белгиланади. Аудитор ички хўжалик хатарини аниқлашда ички ахборот манбаларига таянади. Корхона раҳбарининг менежерлик маҳорати билан танишади, ишга қабул қилиш-бўшатиш сабабларини ўрганади, қабул қилинган бошқарув қарорларининг мазмуни, асосланиши билан танишади, ходимларга бириктилган вазифалар, уларнинг бажарилишини таҳлил қилади. Ички хўжалик хатари бевосита молиявий ҳисобот, унинг таркибига таъсир кўрастади.

Назорат воситаси хатарининг ($Н_х$) мазмуни шундан иборатки корхонада ташкил этилган ҳисоб сиёсати ва ички назорат тизими орқали мавжуд хато-камчиликларни тўлиқ аниқлаш мумкин бўлмайди. Корхонада бухгалтерия ҳисоби ва назорат қанчалик тўғри ташкил этилган бўлса, қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилиниб фаолият юритилаётган бўлса, бу ерда хатарнинг келиб чиқиш эҳтимоли нисбатан паст бўлади. Шунинг учун ҳам ауди-

тор хўжалик юритувчи субъектда ички назорат тизимининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида махсус усулларни, тестларни қўллайди. Ўтказилган тадбирларнинг натижалари аудит режасида ўз ифодасини топади.

Аниқланмаслик (детектив) хатари ($Д_х$) хатарлар ичида муҳим аҳамиятга эга бўлиб аудит жараёнида аудитор томонидан қўлланилган усуллар орқали мавжуд хато-камчиликларни тўлиқ аниқлай олмаслиги тўғрисидаги эҳтимолини ифодалайди. Аниқланмаслик хатари кўп ҳолларда аудиторнинг иш тажрибасига, текширув жараёнида қўлланилаётган усуллар ҳамда тестларнинг таркибига боғлиқ бўлади. Ушбу хатарни аниқлаш қўшимча вақт ва харажатларни талаб қилади. Аудитор ўз малакаси устида қанчалик кўп ишласа, аудитнинг замонавий шакл ва усулларини кенг миқдорда қўлласа аниқланмаган хатарнинг ҳиссаси шунчалик пасайиб боради. Шундай қилиб аудиторлик фаолиятидаги мавжуд хатарлар бир қанча турларга бўлиниб, уларнинг умумий йиғиндисини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$А_х = И_х + Н_х + Д_х,$$

бу ерда, $А_х$ – аудиторлик хатари,

$И_х$ – ички хўжалик хатари,

$Н_х$ – назорат воситаси хатари,

$Д_х$ – аниқланмаслик (детектив) хатари.

Аудит режасини тузишда хатарларнинг турлари алоҳида аниқланади ва уларнинг салмоғига қараб аудит усуллари ва тестлари қўлланилади.

# ИККИНЧИ ҚИСМ. АУДИТОРЛИК ИШИ

## V БОБ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИНГ АУДИТИ

### 5.1. Узоқ муддатли активлар аудитининг вазифалари

Турли мулкчиликка асосланган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятлари мавжуд маблағлар ва улардан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Корхоналардаги маблағларнинг турлари ва таркиби ҳар хил бўлади. Узоқ вақт хизмат қиладиган ва ишлаш даврида ўзининг шаклини сақлаб қоладиган маблағлар узоқ муддатли маблағлар ёки активлар дейилади. Бундай активларга асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли капитал қўйилмалари ва бошқа активлар киради.

Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар ўзларининг натурал кўринишларини узоқ муддатда, яъни камида бир йилдан ортиқ сақлаб қолади. Узоқ муддатли активлар ўз қийматларини янги маҳсулотга аста-секинлик билан ўтказиб боради.

Асосий воситаларнинг турларига бинолар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, жиҳозлар, транспорт воситалари, ўлчов асбоблари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа воситалар киради.

Номоддий активларга табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқлари, янги товарларнинг намуналари, нуфузли фирмаларнинг рамзи, савдо белгилари, патентлар, «Ноу-хау»нинг бошқа турлари киради. Номоддий активлардан фойдаланиш корхонага фақат даромад келтиради.

Бошқа турдаги молиявий активлар узоқ муддатли молиявий қўйилмалардан иборат бўлиб корхона фаолиятига бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўйилган молиявий маблағларни ташкил қилади. Ушбу қўйилмалар пул-валюта, асосий воситалар, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа маблағлар шаклида бўлиши мумкин. Шундай қилиб узоқ муддатли активлар корхона маблағларининг кўпайишига хизмат қилади ва аудитнинг муҳим объектлари ҳисобланади.

Узоқ муддатли активлар аудитининг мақсади ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш, содир бўлаётган операцияларнинг қонун-қоидаларга мониандлигини аниқлашдан иборат. Аудитнинг вазифалари қуйидагиларга қаратилган:

- корхона маблағларининг узоқ муддатли активлар таркибига тўғри киритилганлигини текшириш;
- асосий воситаларнинг тўғри туркумланиши ва баҳоланишини назорат қилиш;
- номоддий активларнинг мақсадли сотиб олинганлиги ва фойдаланганлигини текшириш;
- узоқ муддатли молиявий қўйилмаларнинг таркибини ўрганиш;
- асосий воситалар, номоддий активлар ҳаракатини тўғри расмийлаштирилиши ва бухгалтерия ҳисобида аниқ ифодаланганлигини текшириш;
- асосий воситалар, номоддий активлар эскиришининг тўғри аниқланиши ва бухгалтерия ҳисоби счётларида ўз вақтида акс эттирилишини назорат қилиш;
- асосий воситалардан самарали фойдаланишни текшириш;
- узоқ муддатли активларнинг жорий ҳисоб регистрлари ҳамда молиявий ҳисоботда тўғри ифодаланганлигини ва уларнинг ўзаро мувофиқлигини назорат қилишдан иборат.

Узоқ муддатли активларнинг аудити маълум кетма-кетликда ўтказилади (3-чизма).

### Таянч иборалар:

Узоқ муддатли активларнинг моҳияти ва турлари. Бухгалтерия балансида узоқ муддатли активларининг акс эттирилиши ва баҳоланиши. Узоқ муддатли активлар назоратининг аҳамияти. Узоқ муддатли активлар аудитининг вазифалари. Узоқ муддатли активлар аудитининг кетма-кетлиги.

## 5. 2. Асосий воситаларнинг аудити

Асосий воситаларнинг аудити уларнинг қолдиқларини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари орқали аниқлашдан бошланади. Узоқ муддатли активлар таркибига кирувчи асосий воситалар бухгалтерия балансининг актив қисми, биринчи «Узоқ муддатли активлар» бўлимида ифодаланган (010 сатр). Аудитор балансидаги асосий воси-

таларнинг ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги қолдиқларини текшириб кўради. Ушбу маълумотларни оборот ведомостлари ва Бош китоб қолдиқлари билан ўзаро солиштиради. Корхонанинг асосий воситалари бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли — «Асосий воситалар» миллий стандартига ҳамда «Счётлар режаси»га асосан 0100 — «Асосий воситаларни ҳисобга олиб борувчи счётлар» ҳамда 0310 — «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби счётлари»да олиб борилади. Ушбу счётлар асосий воситаларнинг турлари бўйича юритилади. Қисқа муддатга ижарага олинган асосий воситалар эса 001—«Ижарага олинган асосий воситалар» номли балансдан ташқари счётда ҳисобга олиб борилади.




**3-чизма. Узоқ муддатли активлар аудитининг кетма-кетлиги**

Аудитор асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдиқларини уларнинг ҳақиқий қолдиғи билан солиштиради. Бунинг учун асосий воситалар қабул қилинган тартиб бўйича инвентаризация қилинади. Инвентаризация натижасига кўра асосий воситаларнинг ҳақиқий қолдиғи маълум бўлади. Ушбу жараён

амалга оширилгандан сўнг асосий воситаларнинг ҳаракати, яъни кўпайиши ва камайиши (ҳисобдан чиқарилиши) аудит қилинади.

Асосий воситалар кўпайишини аудит қилишда кирим ҳужжатлари бўйича асосий воситаларнинг тўғри баҳоланишига, бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилишига эътибор берилади. Янги жиҳозлар келиб тушганда унинг тўлиқлигига, техник ҳолатига эътиборни кучайтириш керак. Айрим ҳолларда корхона томонидан маънавий эскирган асосий воситалар харид қилинган бўлиши мумкин. Қурилиш орқали кирим қилинган асосий воситаларнинг сметалари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари тўлиқ текширилади. Асосий воситалар таъсисчилардан, хомийлардан ва бошқа шахслардан текинга ҳам олинган бўлиши мумкин. Аудитор ушбу операцияларни қабул қилиш ҳужжатларига, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларига ва бухгалтерия ёзувларига асосан текширади.

Аудит жараёнида ўрнатилмаган, заҳирадаги асосий воситаларга алоҳида эътибор берилиши керак. Уларни вақтида ўрнатмаслик ёки фойдаланилмаслик сабаблари аниқланади. Вақтида ўрнатилмаган заҳирадаги асосий воситалар учун корхона қўшимча миқдорда мол-мулк солиғини тўлайди.

Асосий воситаларнинг аудитида уларнинг сотилиши ва ижарага олиниши ёки берилишига (лизинг операцияларига) алоҳида эътибор берилади. Айрим ҳолларда маънавий эскирган асосий воситалар сотиб олинган бўлиши мумкин. Бундай текширув асосий воситаларни баҳолаш, сотиш-сотиб олиш, ижарага бериш шартномалари ва тўлов ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Аудитор асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва тугатилиши билан боғлиқ операцияларга эътиборини қаратиши керак. Асосий воситалар тўлиқ эскирган, ўз фойдаланиш муддатини тўлиқ ўтагандан кейингина ҳисобдан чиқарилиши лозим. Айрим ҳолларда рўзғорбоп асосий воситалар – музлаткичлар, видео, телеаппаратуралар, енгил автомашиналар фойдаланиш муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилиб юборилиши мумкин. Бундай операцияларни аудитор асосий воситаларнинг ҳолатини ва эскиришини акс эттирувчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг паспорти орқали текширади. Аудит жараёнида ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳолати ва мақсадлилигига алоҳида эътибор берилиши керак.

Асосий воситаларни аудит қилишда уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилишини текшириш муҳим ҳисобланади. Аудитор 0100 — «Асосий воситаларни ҳисобга олиб борувчи счётлар» (0310 — «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар») билан боғлиқ бўлган бухгатерия ҳисоби ёзувларини обдан текширади. Асосий воситаларнинг кўпайиши уларнинг турлари бўйича 0110 – «Ер», 0120 –«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи ускуналар», 0130 – «Машиналар ва жиҳозлар» ва бошқа счётларнинг дебет томонида аск эттирилган бўлади. Аудитор ушбу счётлардаги ёзувларни 0810, 0310, 4710, 8511,8531, 6110 ва бошқа счётларининг кредитидаги ёзувлвр билан ўзаро солиштириш йўли билан текшириб чиқади. Асосий воситаларнинг кўпайганлиги тўғрисидаги маълумотлар дастлабки ҳужжатларда (қабул қилиш далолатномалари, счёт-фактуралар, накладнойлар, ведомостларда) ўз аксини топган бўлади. Асосий воситаларнинг камайиши эса 0100 — «Асосий воситаларни ҳисобга олиб борувчи счётлар»нинг кредитида кўрсатилиб ушбу маълумотлар 9210 — «Асосий востиларнинг сотилиши ва турли чиқими»ҳамда 4110, 9310, 0200, 8531, 5110, 5200 ва бошқа счётлардаги маълумотлар билан ўзаро таққослаш йўли билан аудит қилинади. Асосий воситаларнинг эскириши 0200 – «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиб борувчи счётлар» счётидаги ёзувлар орқали текширилади. Ҳозирги пайтда корхоналар асосий воситалар амортизациясининг ажратмаси усулини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар ва «Ҳисоб сиёсати»да акс эттирадилар. Амортизация ажратмалари қуйидаги тўрт усулнинг бирида аниқланган бўлиши мумкин:

- тўғри ҳисоблаш усули орқали;
- коррекция усули орқали;
- тезлаштирилган усулда;
- бажарилган иш (ишлаб чиқарилган маҳсулот) ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда.

Аудитор ушбу усулларнинг нечоғлик асосланганлиги ва эскириш суммаларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри ифодаланганлигини текшириб чиқади. Бундай текширув 0200 — «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиб борувчи счётлар» счётдаги ёзувлар ҳамда 2010, 2310, 2710, 2510, 2210, 9419, 9450, 0310, 8531 ва бошқа счётлардаги ёзувлар орқали амалга оширилади. Корхонанинг лизинг шартномалари бўйича узоқ муддатга ижарага олган асосий воситала-

рининг аудити бухгалтерия ҳисобининг 6-сонли – «Лизинг ҳисоби» миллий стандарти талаблари асосида амалга оширилади. Лизинг шартномалари бўйича олинган асосий воситалар 0310 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олинган бўлади. Аудитор ушбу счётдаги қолдиқни ва ҳақиқий миқдорини текширади. Лизинг бўйича олинган асосий воситаларнинг ҳаракати 0310, 6810, 7630, 8511, 8513, 0110-0191, 0299, 0211-0290 ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади. Бундай текширувга асос бўлиб лизинг шартномалари, далолатномалар ҳисобланади.

Аудит жараёнида асосий воситалар турлари ва фойдаланиш (сақланиш) жойлари бўйича ҳам аудит қилинади. Бунинг учун асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби регистрлари (китоблар, журнал-ордерлар, машинограммалар), «Молиявий ҳисобот» маълумотларидан (3-шакл – «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот»дан) кенг фойдаланилади.

Аудит жараёнида аниқланган хато-камчиликлар аудитор томонидан умумлаштирилиб белгиланган тартибда расмийлаштирилиб борилади. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида текширув натижалари ўз аксини топади ҳамда буюртмачига тақдим этилади.

**Таянч иборалар:**

Асосий воситаларнинг моҳияти ва турлари. Бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг акс эттирилиши. Асосий воситалар ҳаракатининг аудити. Асосий воситалар эскиришининг аудити. Аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.

## 5.3. Номоддий активларнинг аудити

Номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операциялар доимий равишда назорат қилиб борилади. Бунинг сабаби, биринчидан, хориждан янги технологиялар, ихтиролар фақат чет эл валютасида сотиб олинган бўлади. Иккинчидан, номоддий активларни сотиб олиш жараёнида маънавий эскирган, самараси нисбатан юқори бўлмаган ихтиролар, технологияларнинг мамлакатимиз ичкарисига келиб қолиш эҳтимоллари ҳам йўқ эмас. Шу сабабли номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операциялар ҳам ташқи,

ҳам ички назорат қилиниши керак. Маълумки, хорижий мамлакатлардан келтириладиган барча моддий бойликлар, улар билан боғлиқ операциялар даставвал божхона назоратидан ўтказилади. Божхона назорати жараёнида сотиб олинган номоддий активларнинг шартномалари, товар ва банк ҳужжатлари изчил текширилади. Бунда тузилган шартномаларнинг белгилаган талабларга қай даражада мослигига, номоддий активларнинг баҳосига, бож тўловларига эътибор берилади.

Хорижий мол етказиб берувчиларга тўланадиган валюта маблағларининг тўғрилиги банк орқали ҳам назорат қилинади. Бунда номоддий активлар бўйича ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилганлиги, валюта курсидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор берилиши керак. Номоддий активларнинг самарали фойдаланилиши корхона (фирма) мутахассис-ходимлари томонидан ҳам ички назорат қилиб борилади. Сотиб олинган номоддий активларнинг дастлабки ҳужжатлари, уларни ишлаб чиқариш соҳасига жорий қилиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар текширилади. Корхонада номоддий активларнинг ҳаракати бухгалтерия ҳисоби счётларида ва регистрларида акс эттирилиб доимий равишда назорат қилиб борилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, мамлакатимизга номоддий активларнинг кўплаб кириб келиши уларнинг аудиторлик назоратини ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Номоддий активларнинг аудити таъсисчилар (муассислар), сармоядорлар, мулк эгалари ва бошқа манфаатдорларнинг буюртмаларига асосан ўтказилади. Аудит орқали номоддий активлар билан боғлиқ операцияларнинг қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўғри акс эттирилганлиги текширилади.

Номоддий активларнинг аудити буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида қуйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

– номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдиғи аниқланади;

– номоддий активларнинг ҳақиқий миқдори бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади;

– номоддий активларнинг харид қилиниши ва сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг қонуний тузилганлиги текширилади;

рининг аудити бухгалтерия ҳисобининг 6-сонли – «Лизинг ҳисоби» миллий стандарти талаблари асосида амалга оширилади. Лизинг шартномалари бўйича олинган асосий воситалар 0310 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олинган бўлади. Аудитор ушбу счётдаги қолдиқни ва ҳақиқий миқдорини текширади. Лизинг бўйича олинган асосий воситаларнинг ҳаракати 0310, 6810, 7630, 8511, 8513, 0110-0191, 0299, 0211-0290 ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади. Бундай текширувга асос бўлиб лизинг шартномалари, далолатномалар ҳисобланади.

Аудит жараёнида асосий воситалар турлари ва фойдаланиш (сақланиш) жойлари бўйича ҳам аудит қилинади. Бунинг учун асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби регистрлари (китоблар, журнал-ордерлар, машинограммалар), «Молиявий ҳисобот» маълумотларидан (3-шакл – «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот»дан) кенг фойдаланилади.

Аудит жараёнида аниқланган хато-камчиликлар аудитор томонидан умумлаштирилиб белгиланган тартибда расмийлаштирилиб борилади. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида текширув натижалари ўз аксини топади ҳамда буюртмачига тақдим этилади.

**Таянч иборалар:**

Асосий воситаларнинг моҳияти ва турлари. Бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг акс эттирилиши. Асосий воситалар ҳаракатининг аудити. Асосий воситалар эскиришининг аудити. Аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.

## 5.3. Номоддий активларнинг аудити

Номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операциялар доимий равишда назорат қилиб борилади. Бунинг сабаби, биринчидан, хориждан янги технологиялар, ихтиролар фақат чет эл валютасида сотиб олинган бўлади. Иккинчидан, номоддий активларни сотиб олиш жараёнида маънавий эскирган, самараси нисбатан юқори бўлмаган ихтиролар, технологияларнинг мамлакатимиз ичкарисига келиб қолиш эҳтимоллари ҳам йўқ эмас. Шу сабабли номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операциялар ҳам ташқи,

ҳам ички назорат қилиниши керак. Маълумки, хорижий мамлакатлардан келтириладиган барча моддий бойликлар, улар билан боглиқ операциялар даставвал божхона назоратидан ўтказилади. Божхона назорати жараёнида сотиб олинган номоддий активларнинг шартномалари, товар ва банк ҳужжатлари изчил текширилади. Бунда тузилган шартномаларнинг белгилаган талабларга қай даражада мослигига, номоддий активларнинг баҳосига, бож тўловларига эътибор берилади.

Хорижий мол етказиб берувчиларга тўланадиган валюта маблағларининг тўғрилиги банк орқали ҳам назорат қилинади. Бунда номоддий активлар бўйича ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилганлиги, валюта курсилаги ўзгаришларга алоҳида эътибор берилиши керак. Номоддий активларнинг самарали фойдаланилиши корхона (фирма) мутахассис-ходимлари томонидан ҳам ички назорат қилиб борилади. Сотиб олинган номоддий активларнинг дастлабки ҳужжатлари, уларни ишлаб чиқариш соҳасига жорий қилиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар текширилади. Корхонада номоддий активларнинг ҳаракати бухгалтерия ҳисоби счётларида ва регистрларида акс эттирилиб доимий равишда назорат қилиб борилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, мамлакатимизга номоддий активларнинг кўплаб кириб келиши уларнинг аудиторлик назоратини ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Номоддий активларнинг аудити таъсисчилар (муассислар), сармоядорлар, мулк эгалари ва бошқа манфаатдорларнинг буюртмаларига асосан ўтказилади. Аудит орқали номоддий активлар билан боглиқ операцияларнинг қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўғри акс эттирилганлиги текширилади.

Номоддий активларнинг аудити буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида қуйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

– номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдиғи аниқланади;

– номоддий активларнинг ҳақиқий миқдори бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади;

– номоддий активларнинг харид қилиниши ва сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг қонуний тузилганлиги текширилади;

– номоддий активлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри аск эттирилганлиги назорат қилинади;

– номоддий активлар бўйича эскириш суммаларининг тўғри ҳисобланганлиги, ҳисобдан тўғри чиқарилганлиги текширилади;

– номоддий активлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг вақтида ва тўлиқ амалга оширилганлиги ўрганилади;

– номоддий активларни ишлатишдан олинган фойда ва уни кўпайтириш йўллари белгиланади.

Аудитор номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобининг 0400 — «Номоддий активларни ҳисобга олиб борувчи счётлар», 0500 — «Номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олиб борувчи счётлар», 9220 — «Бошқа активларнинг сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши» счётлари орқали текширади. Аудит жараёнида ҳар бир операциянинг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги, бухгалтерия ҳисоби счётларида аниқ ифодаланганлиги кўриб чиқилади. Келиб тушган номоддий активлар 0400 — «Номоддий активларни ҳисобга олиб борувчи счётлар»нинг дебетидаги ёзувлар билан 4710, 0830, 8523, 5110, 5210 ва бошқа счётларнинг кредитидаги ёзувларни солиштириш йўли билан аудит қилинади.

Сотилган, камайган ва эскирган номоддий активлар 0400 – «Номоддий активларни ҳисобга олиб борувчи счётлар», 0500 – «Номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олиб борувчи счётлар», 9220 – «Бошқа активларнинг сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши», 9320 – «Бошқа активларнинг сотилиши ва ҳисобдан чиқарилишидан олинган фойда», 9400 – «Давр харажатларини ҳисобга олиб борувчи счётлар» ҳамда 0650, 5810 счётлардаги ёзувлар орқали текширилади. Аудит натижасида аниқланган хато-камчиликлар маълум тартибда умумлаштирилади.

Номоддий активлар қолдиғининг тўғрилиги 0400 – «Номоддий активларни ҳисобига олиб борувчи счётлар», Бош китоб, оборот ведомостлари ва бухгалтерия баланси маълумотлари орқали текширилади. Номоддий активлар бухгалтерия балансининг актив томони, биринчи бўлинмасида кўрсатилган бўлади. Балансдаги қолдиқ 0400 – «Номоддий активларни ҳисобга олиб борувчи счётлар», Бош китобдаги қолдиқларга мувофиқ келиши керак. Номоддий активларнинг умумий миқдори уларнинг турлари бўйича қолдиқларига мос келиши лозим. Аудитор номоддий

активлар бўйича тузилган шартномалар, уларнинг мақсадлилигини, ва самарадорлигини аудит қилади. Аудит натижалари ҳисобот ва аудиторлик хулосаси билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар аудитор томонидан буюртмачига берилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Шундай қилиб, номоддий активларни тўғри ҳисобга олиш ҳамда вақтида аудит қилиш орқали уларнинг самарадорлиги таъминланади.

**Таянч иборалар:**

Номоддий активлар аудитининг моҳияти ва вазифалари. Номоддий активлар аудитининг кетма-кетлиги. Номоддий активлар кўпайишининг аудити. Номоддий активлар камайишининг аудити. Номоддий активлар эскиришининг аудити. Аудит натижаларининг расмийлаштирилиши.

## 5.4. Бошқа турдаги узоқ муддатли активларнинг аудити

Корхонанинг активи ҳисобланган бошқа турдаги узоқ муддатли маблағлар ҳам маълум тартибда ва кетма-кетликда аудит қилинади. Даставвал, ушбу активларнинг қолдиқлари баланс маълумотлари орқали текширилиб чиқилади. Балансдаги маълумотлар оборот ведомости ҳамда бошқа регистрлардаги маълумотларга мувофиқ келиши керак.

Бошқа турдаги узоқ муддатли активлар узоқ муддатли капитал қўйилмалари шаклида бўлса, аудитор 0800 — «Капитал қўйилмаларини ҳисобга олиб борувчи счётлар»даги операцияларнинг қонунийлиги, тўғри ҳисобга олинганлигини текширади. Ушбу счётнинг қолдиги узоқ муддатдаги капитал маблагларини ифодалайди. Капитал қўйилмалари қурилиш жараёнида янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олинганда амалга оширилган бўлади. Аудитор ушбу счёт орқали капитал қурилишига сарф бўлган моддий ва молиявий ресурсларнинг миқдорини текширади. Капитал қўйилмаларига сарф бўлган қурилиш материаллари 1000 – «Материалларни ҳисобга олиб борувчи счётлар» орқали, ўрнатилган асбоб-ускуналар 0710 – «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ҳисоби счётлари» орқали, иш ҳақи харажатлари эса 6710 – «Меҳнат ҳақи бўйича хо-

димлар билан ҳисоб-китоблар» счёти орқали текширилади. Бошқа харажатлар 0600, 1210, 5000, 5100, 6010 ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади. Капитал қўйилмалари орқали қурилган ва кирим қилинган асосий воситалар 0100 – «Асосий воситаларни ҳисобга олиб борувчи счётлар», ва 0800 – «Капитал қўйилмаларини ҳисобга олиб борувчи счётлар» орқали ўзаро текширилади. Текшириш жараёнида ҳар бир харажатнинг мақсадлигига ва қонунийлигига алоҳида эътибор берилади. Қурилиш ташкилотларининг амалиётида тўлиқ тугатилмаган ишлар «тугатилди» деб расмийлаштирилган бўлиши ёки «қўшиб ёзиш» ҳоллари бўлиши мумкин. Аудитор бундай ноқонуний операцияларни қурилиш сметалари, калькуляциялар, хизмат таърифлари, бинони топшириш – қабул қилиш ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали текширади.

Бошқа турдаги узоқ муддатли активларга бир йилдан кўп бўлган муддатларга қилинган инвестициялар ва бошқа молиявий қўйилмалар, яъни қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ёки сотиб олиш билан боғлиқ операциялар ҳам киради. Узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар ва қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ молиявий қўйилмалар 0600 – «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиб борувчи счётлар»да акс эттирилган бўлади. Аудитор ушбу счётнинг қолдиғини, кўпайиши ва камайишини уларнинг турлари ва маълум операциялари бўйича чуқур текширади. Аудитор ушбу счётнинг кўпайганини қуйидаги счётлар орқали текширади (0600 – «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиб борувчи счётлар»нинг дебети):

– узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлар сотиб олинганда (5000–«Кассадаги пул маблағларини ҳисоби счётлари», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари»да) маблағлар камайган бўлади;

– бошқа ташкилотнинг устав капиталига айланма маблаглар қўйилганда 1010 – «Хом ашё ва материаллар», 2810 – «Омборхонадаги тайёр маҳсулотлар», 2910 – «Омборхонадаги товарлар» счётлари ҳам камайган бўлади. Аудитор ушбу счётларнинг кредитидаги суммаларни 0600 – «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиб борувчи счётлар»нинг дебетидаги суммалар билан ўзаро солиштиради.

Корхонанинг 0600 – «Узоқ муддатли инветицияларни ҳисобга олиб борувчи счётлар» узоқ муддатли қимматбаҳо қогозлар сотилганда камаяди. Бу жараён 9220 – «Бошқа активларнинг сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши счётлари» ҳамда 5010, 5110, 5210, 9320 ва бошқа счётлар орқали текширилади. Қимматбаҳо қоғозлар бўйича ҳисобланган ва тўланган дивидентлар 9890, 4710, 5010, 5110, 6710 ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади.

Аудит натижалари умумлаштирилиб аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида ўз аксини топади.

**Таянч иборалар:**

Бошқа турдаги узоқ муддатли активлар. Узоқ муддатли инвестициялар. Капитал қўйилмалари. Бошқа турдаги узоқ муддатли активларнинг аудити. Аудит натижаларининг расмийлаштирилиши.

## VI БОБ. ҚИСҚА МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИНГ АУДИТИ

### 6.1. Пул маблағлари ва валюта операцияларининг аудити

#### 6.1.1. Пул-валюта маблағлари аудитининг вазифалари ва хусусиятлари

Пул маблағлари турли мулкдаги корхоналар активларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Пул маблағлари қанчалик самарали фойдаланилса корхона фаолиятидан шунчалик кўп даромад (фойда) олинади.

Пул давлат монополияси бўлиб иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида миллий пулимизнинг қудратини ошириш, тўлов қобилиятини кўтариш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ҳажми сезиларли даражада ошиб бормоқда, давлат бюджетининг даромад қисми ҳам ошмоқда. Мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришилмоқда, пул-валюта ва тўлов интизоми мустаҳкамланиб бормоқда. Шулар билан биргаликда пул-валюта ресурсларидан самарали фойдаланишда, тўлов интизомини бозор талабларига мослаштиришда маълум камчиликлар, бу соҳада тўлиқ фойдаланилмаган ички имкониятлар бор. Шулар жумласига пул маблағлари, валюта операцияларини узлуксиз тартибда ҳисобга олиб бориш, уларнинг назоратини доимий равишда такомиллаштириш киради. Пул-валюта маблағлари аудитнинг муҳим предмети ва объектлари ҳисобланади.

Пул маблағлари ва валюта операцияларининг аудити вазифаларига қуйидагилар киради:

- пул маблаглари, пулли ҳужжатлар, валюта операцияларининг ҳисоб маълумотларига мувофиқлигини текшириш;
- касса хўжалиги, ўзаро ҳисоб-китобларнинг қабул қилинган қоида ва тартибларга мослигини текшириш;

– пул-валюта маблағларининг мақсадли сарфланиши ва унинг қонунийлигини текшириш;

– пул-валюта маблагларининг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишини текшириш;

– пул-валюта маблағлари тўғрисидаги ҳисоботнинг жорий ҳисоб маълумотларига мослигини текширишдан иборат.

Пул маблағлари ва валюта операцияларининг аудити маълум хусусиятларга эга. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– фаолият юритувчи субъектларнинг пул маблағлари турли манбалардан ташкил топади (ўз маблағлари манбалари, инвесторларнинг, таъсисчиларнинг маблағлари, банк кредитлари ва бошқа манбалар);

– корхоналарнинг пул маблағлари турли йўналишлар бўйича сарф қилинади;

– пул маблағларининг сарфи нақд пул ва нақд пулсиз амалга оширилади;

– корхоналарда пул маблағлари Ўзбекистон валютасида ва хорижий валюталарда юритилади;

– пул маблағлари нақд пуллар, пул ҳужжатлари (пул эквивалентлари) орқали муомалада бўлади;

– пул маблаглари бухгалтерия ҳисобининг турли счётларида юритилади (5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020 – «Хорижий валютадаги пул маблағлари», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 5210 – «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 – «Хориждаги валюта счётлари», 5500 – «Банкдаги махсус счётлар ҳисоби счётлари», 5610 – «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)», 5620 – «Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича)», 4420 – «Хизмат сафари учун берилган бўнаклар» ва бошқа счётларда олиб борилади);

– корхона кассасида ҳам миллий пул, ҳам чет эл валютаси бўлади;

– пул маблағлари бўйича компенсацион қолдиқ (яхлит керак бўладиган пул маблағи) белгиланган.

Аудитор ушбу хусусиятларни чуқур билиши ва текшириш жараёнида ҳисобга олиши керак.

**Таянч иборалар:**

Пул-валюта маблағларининг ташкил бўлиш манбалари. Пул-валюта маблағлари назорати. Пул-валюта маблағлари аудитининг вазифалари. Пул-валюта маблағлари аудитининг хусусиятлари.

### 6.1.2. Кассадаги пул маблағларининг аудити

Кассадаги пул маблағларининг аудити унинг мақсади ва турига бевосита боғлиқ. Пул маблағлари «Тасдиқловчи аудит», «Мақсадли аудит», «Йўналтирилган аудит», «Таваккалга асосланган аудит» турларининг бирортаси орқали текширилиши мумкин.

Пул маблағлари доимий равишда ички назорат қилиб борилади. Лекин, аудиторлик назоратини ҳам ўтказиш керак бўлади. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат. Корхоналар фаолиятида нақд пулларни ноқонуний ўзлаштириш ҳоллари мавжуд. Тадқиқот маълумотларига қараганда, савдо соҳасида ноқонуний операцияларнинг содир этилиши туфайли ўзлаштиришларнинг 80 фоизига яқини пул маблағларига тўғри келади. Бундан ташқари пул маблағлари барча ҳисоб-китобларнинг асосий манбаси ҳисобланади. Ўз навбатида мижозлар корхона активлари таркибидаги пул маблағларининг ҳажмига қизиқадилар ва унга катта эътибор берадилар.

Кассадаги пул маблағлари қуйидаги кетма-кетликда аудит қилинади:

– «Катта касса», «Кичик касса»даги пул маблағларининг ҳақиқий миқдори текширилади (инвентаризация қилинади);

– ҳақиқий пул маблағларининг миқдори бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ўзаро солиштирилади;

– касса, ҳисоб-китоб счётларидаги маълумотлар бухгалтерия балансининг актив томони, «Айланма активлар» бўлинмасидаги маълумотлар билан таққосланади;

– пул маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши молиявий ҳисоботнинг «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» маълумотлари билан ўзаро солиштирилади;

– пул маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларнинг мезонларга, яъни қонун-қоидаларга, корхонанинг «Ҳисоб сиёсати»га мослиги текширилади;

– пул маблағларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилиши экспертиза қилинади;

– аудит натижалари умумлаштирилади ва маълум тартибда расмийлаштирилади.

Аудитор пул маблағларини текшириш пайтида корхоналар амалиётда содир бўлиши мумкин бўлган қуйидаги ноқонуний операцияларга эътибор бериши керак:

– корхоналар амалиётида турли йўллар билан нақд пулларни ноқонуний равишда ўзлаштириш ҳолларининг мавжудлиги;

– нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича қонунбузарлик ҳолларининг тез-тез содир этилиши;

– корхоналарда «қўшиб ёзиш», «бажарилмаган ишларни бажарилди» деб сохталаштириш йўли билан пул маблағларини ўзлаштириш ҳолларининг мавжудлиги;

– бухгалтерия ҳужжатларини сохталаштириш йўли билан пул маблағларини ўзлаштириш;

– нақд пулларни вақтида банкка топширмаслик, солиқларни белгиланган муддатларда бюджетга тўламаслик, пул ресурсларидан бошқа мақсадларда ноқонуний фойдаланиш ҳолларининг мавжудлиги;

– пул маблағларини акс эттирувчи бухгалтерия ҳисоби счётлари ва ҳисобот маълумотларидаги номувофиқликларнинг борлиги;

– корхоналар фаолиятида «яширин иқтисодиёт» туфайли пул маблагларининг бошқа йўллар билан ўзлаштирилиш ҳоллари.

Аудитор касса, ҳисоб-китоб ва бошқа счётларидаги пул маблағларини дастлабки ҳужжатлар, банк кўчирмалари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисоботлар орқали текширади. Бунда корхонада касса хўжалигига амал қилинишнинг ҳолатига, банк орқали ўзаро ҳисоб-китоб интизомига қай даражада амал қилинаётганлигига эътибор берилиши керак.

Пул маблағларининг аудити масалаларини «Умид» фирмасининг шартли мисоллари асосида кўриб чиқамиз. Шартномага асосан мазкур фирманинг пул-валюта маблағлари 2002 йилнинг биринчи чораги бўйича аудиторлик текширувидан ўтказилган. Аудитни «Сўғаудит» аудиторлик фирмасининг аудитори Аҳмедов С. Н. (0025-сонли рухсатнома) амалга оширган. Аудит натижасида кассадаги пул маблаглари бўйича бир қанча ноқонуний операциялар аниқланган. Ушбу операциялар аудитор томонидан маълум тартибда умумлаштирилган (1-жадвал).

1-жадвал

**«Умид» фирмасининг кассасида 2002 йилнинг биринчи чораги даврида пул маблағлари аудити бўйича аниқланган ноқонуний операциялар**

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ҳужжатнинг номи, санаси, мазмуни | Ноқонуний операцияларнинг мазмуни, келтирилган зарар миқдори, сўм | Айбдор шахс (айбдорлар) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Фирма кассасига магазин мудири томонидан топширилган савдо тушуми | ККО, 2002 й. 15 январ, №150. Савдо пули топширилган | Касса ордери ва квитанцияси 4000 сўмдан 400 сўмга ўзгартирилган, зарар 3600 сўм. | Бош бухгалтер, кассир |
| 2 | Кассадан сарф қилинган пул маблағи | ЧКО, 2002 й. 6 март, №170. Фирма дилерига мукофот берилган, миқдори 5000 сўм | Мукофот беришга асос йўқ ва буйрук чиқарилмаган. Чиқим касса ордерида фирма раҳбарининг имзоси йўқ. | Бош бухгалтер кассир |
| 3 | Кассадан пул маблағи берилган | Инвентаризация далолатномаси, 2002 й. 1 март, №6, фирма ходимига тилхатга асосан 15 кунга 10000 сўм пул қарзга берилган | Тилхатда раҳбарнинг имзоси ва рухсатномаси йўқ. Камомад тўғри ҳисобга олинмаган ва муддатида ундирилмаган. Зарар 10000 сўм | Бош бухгалтер, кассир, фирма ходими |

Аудитор кассадаги пул маблағларининг тўғри кирим қилинганлиги ва сарфланганлигини текшириб натижаларини аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида қайд қилади. Аниқланган ҳар бир ноқонуний операция бўйича айбдорлар исботланади ва улар бўйича маълум хулосаларга келинади.

Аудит жараёнида савдо тушумларининг чакана савдо шохобчалари томонидан корхона кассасига ёки банк ташкилотига вақтида ва тўлиқ топширилиши текширилади. Бундай текширув қуйидагича амалга оширилади:

– савдо тушумларининг кассага топшириш муддатлари текширилади;

– бизнес-режага асосан топширилиши керак бўлган савдо тушумларининг миқдори аниқланади;

– савдо шохобчаларида касса аппаратларининг ишлаш тартиби ўрганилади;

– ҳақиқатда топширилган савдо тушумларининг миқдори текширилади;

– савдо шохобчаларида асоссиз сақланган савдо тушумлари аниқланади.

Аудитор савдо тушумчаларининг корхона кассасига вақтида топширилганлигини текшириш натижалари бўйича қуйидаги мазмундаги ҳужжатни тузиши мумкин (2- жадвал).

Жадвал маълумотларидан аниқ бўлдики фирманинг чакана савдо шохобчаларига уларнинг бизнес-режалари ва жойланишларига қараб савдо тушумини кассага топшириш муддати ва миқдори турлича белгиланган. Фирманинг 1-сонли чакана савдо шохобчаси ҳар куни ўртача 36500 сўм, етти кунда эса 219000 сўмлик савдо тушумини фирма кассасига топшириши керак эди. Ушбу магазин етти кунда ҳақиқатда 188500 сўм савдо тушумини кассага топширган, ушбу муддатда асоссиз кассага топширилмаган савдо тушуми 30500 сўмни ташкил қилган. Иккинчи магазин 7300 сўмни кассага топширмаган. Учинчи магазин эса 2500 сўмни топширмаган. Аудитор ушбу магазинларда савдо тушумларига таъсир этуви омилларни ўрганади ва ўз хулосаларини беради.

Савдо тушумлари фирма кассасидан банкдаги ҳисоб-китоб счётига муддатида ва тўлиқ топширилиб борилиши керак. Савдо тушумларининг белгиланган тартибда фирма кассасига ва банкка топширилмаслиги товарооборот режасининг вақтида бажарилишига, корхонанинг даромади, фойдаси ва тўланадиган солиқ миқдорига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун кассадаги пул маблағларининг шаклланиши, мақсадли ишлатилиши ва банкка вақтида топширилишини текшириш аудитнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

## Таянч иборалар:

Кассадаги пул маблағлариниг инвентаризацияси. Кассадаги пул маблағларининг аудити. Касса ҳисоботини текшириш тартиби. Касса бўйича ҳисоб регистарларини текшириш. Аудит натижаларини расмийлаштириш.

2-жадвал

**«Умид» савдо фирмаси чакана савдо шохобчалари бўйича 2002 йил, март ойи кунлари учун савдо тушумларини фирма кассасига муддатида ва тўлиқ топширилганлиги тўғрисида**
**маълумотлар**

| Савдо шохоб-чаларининг рақам-лари | Савдо тушумини кассага топшириш муддати | Бизнес-режага асосан 1 кунлик савдо тушуми | Кассага кунлар бўйича топширилган ҳақиқий савдо тушумлари, сўм | | | | | | | | Кассага 7 кунда топширилиши керак бўлган тушумлар, сўм | Кассага 7 кунда ҳақиқатда топширилган тушумлар, сўм | Асоссиз сақлаб қолинган савдо тушумлари, сўм |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | жами 7 кунда | | | |
| № 1 | Кунлик | 36500 | 32000 | 34000 | Д | 34500 | 29000 | 28500 | 30500 | 188500 | 219000 | 188500 | 30500 |
| № 2 | Кунаро | 24000 | 22500 | - | Д | 21000 | - - | 21200 | - | 64700 | 72000 | 64700 | 7300 |
| № 3 | Икки кунда бир | 21500 | 20600 | - | Д | 20400 | - | - | 21000 | 62000 | 64500 | 62000 | 2500 |

### 6.1.3. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг аудити

Хўжалик юритувчи барча субъектлар банкларда ўзларининг ҳисоб – китоб ва бошқа счётларига эга бўладилар. Убшу счётларнинг очилиш тартиби махсус меъёрий ҳужжатларда қайд қилинган. Банкдаги счётлар орқали корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоб – китоблар амалга оширилади. Банк счётларидаги пул маблаглари аудитининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлиги, уларнинг ҳисоб-китоб интизомига тўлиқ риоя қилишларини текширишдан иборат. Аудитор банкдаги счётлар билан боғлиқ операцияларни аудит қилишда Ўзбекситон Республикасида қабул қилинган «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун, «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низом, «Ўзбекистон Республикаси банкларида жорий ва ҳисоб-китоб счётларининг очилиши тўғрисида»ги инструкция, «Ўзбекистон Республкасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини бузганлик учун жарималар тўғрисида»ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланади.

Корхоналар фаолиятида банкдаги ҳисоб-китоб счёти ва у билан боглиқ операциялар алоҳида ўрин тутади. Чунки, корхонанинг ўзига тегишли бўлган пул маблағларининг асосий қисми айнан банкдаги «Ҳисоб-китоб» счётида сақланади ва у орқали фойдаланилади. Ҳисоб- китоб счётидаги пул маблағларини аудит қилишда қуйилагиларга эътибор берилиши керак:

- банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган ҳужжатларнинг тўғрилигига;
- ҳужжатларда банк муҳри («штампи»)нинг мавжудлигига;
- нақд топширилган пул маблағларининг банк томонидан тўлиқ қабул қилинганлигига;
- алоқа муассасалари орқали банкдан иш ҳақига ва бошқа мақсадлар учун олинган сумаларнинг тўғр ҳисобга олиб борилишига;
- банк чекларидан тўгри фойдаланганлигига;
- банк операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби ёзувларининг тўғрилигига;
- ҳисоб-китоб счёти бўйича жорий ҳисоб маълумотларининг оборот ведомости, баланс, Бош китоб ҳамда «Пул оқимлари тўгрисида ҳисобот» маълумотларига нечоғлик мослигига.

Аудитор даставвал бухгалтерия балансидан 5110 – «Ҳисоб-китоб» счётининг қолдиғини текшириб кўради. Ушбу счёт балансининг актив томони, «Айланма активлар» бўлимида ифодаланган бўлади. Балансдаги «Ҳисоб-китоб» счётиниг қолдиғи оборот ведомости, Бош китоб маълумотлари билан солиштириб кўрилади. «Ҳисоб-китоб» счётидаги маълумотлар аналитик ҳисоб маълумотлари ва банк кўчирмаларидаги маълумотлар билан таққосланади. Корхонанинг «Ҳисоб-китоб» счётидаги пул қолдиқларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун аудитор банк муассасасига ёзма равишда мурожаат қилиб ушбу счётнинг банкдаги ҳақиқий қолдиғи тўғрисида маълумотни олади. Айрим ҳолларда корхона маълумотлари билан банк маълумотлари ўртасида тафовутлар бўлиши мумкин. Бундай ҳолни «Умид» фирмасининг шартли мисолида кўриб чиқамиз. Аудитор фирманинг 5110 — «Ҳисоб-китоб» счётдаги пул қолдиғини текширганда қуйидаги натижаларга дуч келган:

1. Фирманинг 5110 — «Ҳисоб-китоб» счётидаги банк кўчирмасига асосан пул маблағларининг 2002 йил 1 апрелдаги қолдиғи (сальдоси) — 102890 сўмни ташкил қилган.

2. Фирма баланси бўйича ушбу счётнинг қолдиғи — 103890 сўмга тенг бўлган. Ўртадаги фарқ — 1000 сўмни ташкил қилган.

Ушбу фарқни аниқлаш мақсадида аудитор 2002 йилнинг январ-март ойлари бўйича банк операцияларини тўлиқ текширган. Натижада қуйидагилар келиб чиққан:

1. «Ҳисоб-китоб» счётининг 2002 йил 1 январ ҳолатидаги қолдиғи – 208480 сўм бўлган.

Ушбу счётнинг 2002 йил январ-март ойларидаги оборотлари:

Дебет обороти — 190830 сўм,

Кредит обороти — 296420 сўм бўлган.

«Ҳисоб-китоб» счётнинг қолдиғи (2002 йил 1 апрелга) — 102890 сўмни ташкил қилди.

Касса ва банк ҳужжатлари ўзаро текширилганда фирма кассири томонидан банкдаги «Ҳисоб-китоб» счётига кассадан 1000 сўм пул кўп ўтказилган деб ҳужжат сохталаштирилган. Ушбу ноқонуний операция кассир томонидан амалга оширилган бўлиб, бош бухгалтер томонидан назоратнинг пасайтирилганлиги туфайли келиб чиққан. Ушбу камчилик аудиторлик ҳисоботи ва хулосасиға киритилади.

Аудитор 5110 — «Ҳисоб-китоб» счёти билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ёзувларини ушбу счётнинг дебети ва кредити бўйича текширади. Жумладан, 5110 — «Ҳисоб-китоб» счётининг дебети билан 4710, 4010, 5010, 5510, 5520, 5620, 4310, 4210, 4810, 5830 ва бошқа счётларнинг кредитидаги ёзувлар, 5110 — «Ҳисоб-китоб» счётининг кредити билан 5010, 5210, 0610, 0810, 6010, 6410, 6310, 7310, 6520, 6910, 7510, 6810 ва бошқа счётларнинг дебетидаги ёзувлар ўзаро солиштирилиб чиқилади.

Корхонанинг «Ҳисоб-китоб» счётидаги пул маблағлари билан боғлиқ операцияларни аудит қилганда аудитор қуйидагиларга эътиборини кучайтиришн керак: мавжуд ўзгартирилган (тузатилган) бухгалтерия ёзувларига, корхона ҳисобидан тўланган даъво суммаларига, умумхўжалик мақсадлари учун фойдаланилган деб ҳисобдан чиқарилган пул маблағларига (операцияларига), тўланган кредиторлик қарзларига, коммунал хизматлари учун тўланган пул операцияларига. Корхонанинг «Ҳисоб-китоб» счётидан тўланган пул маблағлари ҳақиқатдан ҳам бажарилган ишларнинг ҳажмига, қабул қилинган товар-моддий қийматликлар миқдорига мос келиши керак. Бундан ташқари аудитор қайтадан тўланган операцияларга эътиборини кучайтириши керак.

Корхоналар амалиётида нақд пулсиз амалга оширилган операциялар учун қайтадан нақд пул билан ҳисоб-китоблар қилиш ҳоллари учраб туради. Аудитор бундай ҳолларни банк ва касса ҳужжатлари орқали текширади.

Янги хўжалик юритиш шароитида корхоналар амалиётида «Пул чегирмалари» («Денежные скидки»), яъни «Овердрафт» каби тушунчалар жорий қилинмоқда. Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳисоб-китобларда тўлов имтиёзлари (чегирмалари) қўлланилиши мумкин, яъни ҳисоб-китоблар белгиланган муддатидан олдин амалга оширилса, ёки банк мижозининг ҳисоб-китоб счётида пул маблағлари кам бўлсада мол етказиб берувчига кўп миқдорда пул ўтказиши мумкин («овердрафт» — «актив счётнинг кредит сальдоси»). Аудитор халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ушбу тартибларни билиши ва текширув жараёнида эътиборга олиши керак.

Аудитор ҳисоб-китобларда жорий қилиб борилаётган «Пластик карточкалари» орқали ҳисоб-китобларга алоҳида эътиборини қаратади. Бугунги кунда республикамиздаги маълум банк муассасалари аҳоли

та қолдиқларига мувофиқ келиши керак. Аудитор кейинчалик валюта маблағларининг кўпайиши, сарфланиши (камайиши) билан боғлиқ операцияларнинг қонунийлигини экспертиза қилади. Бунинг учун мавжуд банк кўчирмалари, касса ҳисоботлари, товар-моддий бойликлар, кўрсатилган хизматлар бўйича тузилган дастлабки ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар, молиявий ҳисобот маълумотлари ўзаро текширилади.

Валюта маблағларининг ҳаракати белгиланган ҳужжатларда қабул қилинган мезонлар бўйича расмийлаштирилган, бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилган бўлиши керак. Валюта маблагларининг кўпайиши асосан қуйидаги бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали текширилади (5200 — «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари» дебети ва бошқа счётларнинг кредитидаги ёзувлар):

4710 – «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари», 5020 – «Хорижий валютадаги пул маблағлари», 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 5520 – «Чек дафтарчалари», 6810 – «Тўланадиган лизинг», 5620 – «Йўлдаги пул маблағлари», 4210 – «Даъволар бўйича олинадиган счётлар», 8521 – «Эмиссион даромад», 9540 – «Курс фарқларидан (ижобий) олинган даромадлар» ва бошқа счётлар.

Валюта маблағлари қуйидаги ҳолларда камайган (сарфланган) бўлади:

- мол етказиб берувчиларга маблағ тўлаиганда;
- чет эл фирмаларининг кўрсатган хизматлари учун маблағ берилганда;
- хорижий хизмат сафари учун ҳисобдор шахсларга валюта берилганда;
- иш ҳақи валюта билан берилганда;
- инвесторлар, хорижий таъсисчиларга маблаг ўтказилганда ва бошқа ҳолларда.

Аудитор валюта маблағларининг камайишини (сарфланишини) қуйидаги бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали текширади (5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари»нинг кредити ва бошқа счётларнинг дебетидаги ёзувлар): 6010 – «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 5020 – «Хорижий валютадаги пул маблағлари», 5610 – «Пул эквивалентлари», 0610 – «Қимматбаҳо қоғозлар», 6610 – «Тўланадиган дивидендлар», 6810 – «Тўланадиган лизининг», 6910 – «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 – «Узоқ муддатли банк кредитлари», 0830 – «Номоддий активларни сотиб олиш» ва бошқа

счётлар. Аудитор ушбу счётлардаги ёзувларни алоҳида ҳужжатлар, шартномаларга асосан текширади. Бунда ҳар бир операция қабул қилинган ҳисоб сиёсати, солиқ кодекси талаблари ва банк қоидаларига мос келиши керак. Аудит жараёнида валюта курсининг ўзгариши 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари» ва 9540 – «Курс фарқларидан (ижобий) олинадиган даромадлар», 9620 – «Курс фарқларидан зарарлар» счётлари орқали текширилади. Валюта операцияларининг аудити натижалари умумлаштирилиб аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси тузилади. Ушбу ҳужжатлар буюртмачига тақдим этилади.

Шундай қилиб пул-валюта маблағлари аудитининг кетма-кетлиги қуйидаги кўринишга эга бўлади (4-чизма):




**4-чизма. Пул-валюта маблағлари аудитининг кетма-кетлиги**

**Таянч иборалар:**

Валюта маблағларининг моҳияти. Валюта операциялари аудитнинг хусусиятлари. Валюталарнинг кўпайиши ва камайишини аудит қилиш. Валюта курсини текшириш. Аудит натижаларини расмийлаштириш.

## 6.2. Материаллар, тайёр маҳсулотлар ва товар операцияларининг аудити

### 6.2.1. Хом ашё ва материалларнинг аудити

Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва фирмаларда материаллар, уларни тўғри баҳолаш, ҳисобга олиш ҳамда назоратини таъминлаш алоҳида ўрин тутади. Чунки, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг таннархига киритилади.

Хом ашёлардан самарали фойдаланиш туфайли янги маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улуши камаяди. Натижада харидорларнинг сотиб олиш қобилиятига мос келадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунинг учун хом ашё ва материаллар аудити муҳим аҳамиятга эга.

Аудитор тузилган шартномага асосан хом ашё ва материалларни қуйидаги тартибда ва кетма-кетликда аудит қилади:

– хом ашё ва материалларнинг қолдиғи бухғалтерия ҳисоби маълумотлари орқали аниқланади;

– хом ашё ва материалларнинг ҳақиқий қолдиги текширилади;

– хом ашё ва материаллар нархининг тўғри қўйилиши ва унга амал қилиниши текширилади;

– материаллар ҳаракатининг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ва бухгалтерия ҳисоби счётларида аниқ акс эттирилиши аудит қилинади;

– хом ашё ва материалларнинг маҳсулот таннархига тўғри олиб борилганлиги таҳлил қилинади.

Аудитор хом ашё ва материалларни текширганда қуйидагиларга эътибор бериши керак: ишлаб чиқариш жараёнининг хом ашё ва материаллар билан таъминланиш даражаси, материалларга бўлган талабнинг нечоғлик асосланганлиги, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кетадиган асосий ва қўшимча

материаллар меъёрининг тўғрилиги, корхонада ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини жорий этилиши туфайли хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжнинг ўзгариши, мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларнинг асослилиги, хом ашё, материаллар учун ортиш-тушириш ва ташиш харажатларининг тўғрилиги ва бошқа операциялар.

Хом ашё ва материаллар назоратини таъминлаш, улардаги нархларнинг (баҳоларнинг) тўғрилиги ўта муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарида хом ашё ва материалларнинг манбаи, тури ва баҳоси ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин, улар маҳсулот таннархига тўғри олиб борилиши керак. Хўжалик юритишнинг янги шароитида хом ашё ва материалларнинг таннархи, баҳолари қуйидаги усулларда аниқланади ва юритилади:

– хом ашёларнинг таннархини уларнинг алоҳида турлари бўйича юритиш;

– ўртача таннарх бўйича юритиш;

– ФИФО усулида (даставвал сотиб олинган хом ашё таннархида) юритиш;

– ЛИФО усулида (охирида сотиб олинган хом ашё таннархида) юритиш.

Аудитор материал ресурслари бўйича қўлланиладиган юқоридаги усулларга алоҳида эътибор бериши керак. Чунки, материаллар таннархининг тўғри асосланмаганлиги туфайли тайёр маҳсулотнинг қиймати асоссиз ошиб кетиши мумкин.

Хом ашё ва материалларнинг қолдиғи бухгалтерия балансининг актив томони, иккинчи бўлинмасида акс эттирилган бўлади. Ушбу қолдиқ моддий ресурсларнинг ҳақиқий микдори билан солиштирилади. Бунинг учун аудиторнинг ташаббуси билан хом ашё ва материалларнинг инвентаризацияси ўтказилади. Инвентаризация жараёнида материалларнинг сифатига (ярокли-яроқсизлигига), фойдаланиш муддатларига алоҳида эътибор берилиши керак.

Хом ашёларнинг ҳақиқий қолдиги аниқлангандан сўнг уларнинг ҳаракати, яъни келиб тушиши (сотиб олиниши) ва фойдаланиши текширилади. Бундай текширув хом ашё ва материаллар ҳаракатини ифодаловчи ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Аудитор хом ашё ва материаллар бўйича ишонч қоғозлари, счёт-фактуралар, кирим накладнойлари, чиқим накладнойлари, буюр-

тма-накладнойлар, лимитланган варақалар ҳамда ҳисоб регистрларидан кенг фойдаланади.

Аудитор хом ашё ва материаллар ҳаракатини текширганда ушбу масала бўйича «Ҳисоб сиёсати» ва унга қай даражада амал қилинаётганлигига алоҳида эътибор бериши керак. Бунинг учун хом ашё ва материалларни ҳисобга олишнинг БҲМС дан, аудит стандартларидан кенг фойдаланилади. Аудитор бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган 1000 — «Материаллар» ҳисоби счётларини қуйидаги йўналишлар бўйича текширади:

– хом ашё ва материалларнинг ҳисобга олиниш тартиби;

– хом ашё ва материалларнинг бухгалтерия ҳисобида баҳоланиш тартиби;

– материалларнинг маҳсулот таннархига тўғри олиб борилганлиги;

– хом ашё ва материаллар инвентаризациясининг вақтида ўтказилганлиги;

– материаллар ҳаракати бўйича хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги.

Аудит жараёнида қуйидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигига эътибор берилади: мол етказиб берувчилар билан олиб борилган ҳисоб-китоблар (1000, 6010, 7010, 5110, 5200, 5500, 1500 1600 ва бошқа счётлардаги ёзувлар), материаллар бўйича мол етказиб берувчиларга билдирилган даъволар ва уларнинг ўндирилиб олиниши (1000, 6010, 7010, 6860, 5110, 5200 ва бошқа счётлардаги ёзувлар) текшириб чиқилади. Аудитор хом ашё ва материаллар бўйича қўшилган қиймат солиғининг тўғрилигини 1000 — «Материаллар ҳисоб счётлари», 6410 — «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик», 4510 — «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар», 5110 — «Ҳисоб-китоб» счёти ва бошқа счётлар орқали текширади. Бундай текширув товар ва банк ҳужжатлари, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоблари, аналитик ҳисоб регистрлари орқали амалга оширилади. Хом ашё ва материалларнинг ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши 1000 — «Материаллар ҳисоби счётлари»нинг кредити билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ёзувлари орқали аудит қилинади. Ушбу счётнинг кредитидаги ёзувлар 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 — «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 – «Умумий

ишлаб чиқариш», 2800 — «Тайёр маҳсулот ҳисоби счётлари», 9720 – «Фавқулоддаги зарарлар», 4630 — «Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларниинг қарзлари», 6310 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар», , 4010 — «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 5110 — «Ҳисоб китоб» счёти, 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари» ва бошқа счётларнинг дебетидаги ёзувлар билан ўзаро солиштирилиб чиқилади. Аудит жараёнида хом ашё ва материалларнинг инвентаризацияси, унинг натижалари обдан текширилиб кўрилади.

Аудитор корхонада хом ашё ва материалларнинг турлари, сақланиш жойлари бўйича ҳисобга олиниши билан яқиндан танишади. Бу мақсадларда материалларнинг аналитик ҳисоби регистрлари (китоблар, журналлар, карточкалар, машинограммалар), моддий-жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари текширилиб чиқилади. Бухгалтерия ҳисобидаги хом ашё, материалларнинг синтетик ҳисоби маълумотлари аналитик ҳисоб маълумотларига мос келиши ва ўзаро монанд бўлиши керак. Аудиторлик текширув натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмийлаштирилади.

**Таянч иборалар:**

Хом ашё ва материалларнинг мазмуни. Материал ресурсларининг турлари ва баҳоланиши. Хом ашё ва материалларни аудит қилиш тартиби. Хом ашё, материаллар ҳисобининг аудити. Аудит натижаларининг умумлаштирилиши ва расмийлаштирилиши.

### 6.2.2 Тайёр маҳсулотларнинг аудити

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ ўтаган ва сотишга мўлжалланган маҳсулот ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги тайёр маҳсулотларнинг ҳажми ва сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Тайёр маҳсулотлар буюртмаларга асосан ишлаб чиқарилган бўлса ундан ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам сотиб олувчи манфаат кўради.

Тайёр маҳсулотнинг аудити жараёнида қуйидагилар аниқланади:

– тайёр маҳсулотлар ҳақиқий таннархининг асослилиги;
– тайёр маҳсулотларнинг тўғри кирим қилинганлиги;
– тайёр маҳсулотлар инвентаризациясининг тўғри ўтказилганлиги;
– тайёр маҳсулотлар таннархидаги фарқларнинг тўғри ҳисобланганлиги;
– тайёр маҳсулотлар реализациясининг тўғри амалга оширилганлиги;
– тайёр маҳсулотлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилиши;
– тайёр маҳсулотларнинг сақланиш жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича тўғри ҳисобга олиб борилиши;
– тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган молиявий натижалар ҳисобининг асослилиги.

Тайёр маҳсулотларни аудит қилишда қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилади: тайёр маҳсулотларни қабул қилиш далолатномаси, кирим накладнойлари, тайёр маҳсулотларни омборхоналарда ҳисобга олиш регистрлари, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ведомостлари, сотиб олувчилар билан тузилган шартномалар, счёт- фактуралар, товар-транспорт накладнойлари, банк ҳужжатлари, солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар.

Аудитор тайёр маҳсулотларни аудит қилишда қуйидагиларга эътибор бериши керак:
– корхонада тўлиқ ҳисобга олинмаган хом ашёлардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг мавжудлигига;
– моддий жавобгар шахслар томонидан ҳақиқий тайёр маҳсулотларнинг тўлиқ кирим қилинган ёки қилинмаганлигига;
– тайёр маҳсулотлар таннархи ҳамда сифатининг белгиланган меъёрларга мос келиш-келмаслигига;
– харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотларнинг сифати ва тўлиқлигига;
– сотиб олувчилар томонидан қайтарилган тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва уларнинг сабабларига;
– тайёр маҳсулотлар таркибидаги яроқсиз (брак) маҳсулотларнинг мавжудлиги ва уларнинг келиб чиқиш сабабларига;
– тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишига.

Корхоналар фаолиятида тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш жараёнида қуйидаги камчиликлар бўлиши мумкин: тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва ҳисобга олиш корхонанинг «Ҳисоб сиёсати» талабларига мос келмаслиги, маҳсулот таннархидаги

фарқлар нотўғри аниқланганлиги, жўнатилган ва сотилган тайёр маҳсулотлар ҳажмида фарқларнинг мавжудлиги, синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларидаги номувофиқликлар.

Тайёр маҳсулотлар корхона бухгалтериясида 2800 —— «Тайёр маҳсулот ҳисоби счётлари»да юритилади. Ушбу счётнинг қолдиғи бухгалтерия балансининг актив томони, иккинчи бўлинмасида кўрсатилган бўлади. Аудитор ушбу қолдиқнинг тўғрилигини оборот ведомостлари, Бош китоб маълумотлари билан ўзаро солиштириб кўриши керак.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали аудит қилинади: ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар 2800 – «Тайёр маҳсулот ҳисоби счётлари»нинг дебитида акс эттирилган бўлиб 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш», 231 – «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2110 – «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счётларининг кредитидаги ёзувлар билан таққосланади. Корхона омборига келиб тушган тайёр маҳсулотлар 2810 – «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида ўз аксини топган бўлади. Сотишга яроқсиз (брак) бўлган тайёр маҳсулотлар 2610 – «Ишлаб чиқаришдаги брак» счётдаги маълумотлар орқали аудит қилинади. Тайёр маҳсулотларнинг бошқа манбалардан келиб тушиши қуйидаги счётлар орқали текширилади: муассислардан (таъсисчилардан) устав капиталига улуш сифатида олинганда 4710 – «Устав капитали (фонди) да улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счёти, бошқа юридик шахслардан қайтарилмайдиган молиявий ёрдам сифатида олинганда 9380 – «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам» ёки 8523 – «Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк» счётлари, алоҳида балансда турган бўлинмалардан олинган бўлса 4110 – «Алоҳида балансга ажаратилган бўлинмалардан олинган счётлар» орқали текширилади.

Аудит жараёнида тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига ва сотиб олиш баҳосига (қийматига) алоҳида эътибор берилади. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари, Солиқ Кодекси, бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли «Товар-моддий захиралар» миллий стандарти асосида аудит қилинади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

– маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг тўғри шаклланганлиги;

– таннарх таркибининг тўгри аниқланганлиги (моддий харажатлар, иш ҳақи харажатларининг тўғри ҳисобга олиниганлиги);
– тайёр маҳсулотнинг тўла таннархи ва сотиш баҳосининг асослиги.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан харажатлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб корхонанинг молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Шу мақсадларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмини, таннархини ҳақиқатда қилинган харажатларнинг турлари бўйича ҳисобга олиб бориш ва аудит қилиш ижобий натижалар беради. Тайёр маҳсулотлар аудитида унинг таннархи ва қийматини ўзгарувчан, қисман ўзғарувчан ва доимий харажатлар бўйича текшириш моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларни тежашга олиб келади. Махсус адабиётларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан харажатларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидагича ифодаланган [19, 162 б.] (5 - чизма).




**5-чизма. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг харажатлар билан ўзаро боғлиқлиги**

Ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борган сари харажатларнинг умумий миқдори ҳам ошиб боради. Бу асосан ўзгарувчан ҳамда қисман ўзрувчан харажатлар ҳисобидан содир бўлади. Аудитор

ушбу ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликларни эътиборга олиб маҳсулот ҳажми ва унинг таннархини таҳлил қилиши керак.

Маҳсулот таннархини қуйидаги кетма-кетликда аудит қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (6-чизма).




**6-чизма. Маҳсулот таннархи аудитининг кетма-кетлиги**

Тайёр маҳсулотларни сотиш, уларнинг камайиши билан боғлиқ операциялар 2800 – «Тайёр маҳсулот ҳисоби счётлари» (2810 – «Омбордаги тайёр маҳсулот») нинг кредити ва бошқа счётларнинг дебетидаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Бунинг учун аудитор 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 9110 – «Сотилган тайёр маҳсулотлар», 5110 – «Ҳисоб китоб» счёти, 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», 5000 – «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари»даги ёзувларни текширади.

Фойдаланилган тайёр маҳсулотлар 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 – «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2820 – «Кўргазмадаги тайёр маҳсулот» ва бошқа счётлардаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Инвентаризация натижасида кам чиққан тайёр маҳсулотлар, уларнинг ўндирилиши 4630 – «Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари», 9433 – «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бўйича харажатлар», 5000 – «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари» орқали текширилиб кўрилади.

Тайёр маҳсулотларнинг қайта баҳоланиши билан боғлиқ операциялар ҳам бухгалтерия ҳисоби счётлари (9439, 2810 ва бошқа счётлар)даги мавжуд ёзувлар орқали аудит қилинади. Фаолият юритишнинг ҳозирги шароитида ички ва ташқи бозор харидорлари тайёр маҳсулотлар учун олдиндан маблағ ўтказишлари мумкин. Аудитор бундай операцияларни 2810 – «Омбордаги тайёр махсулот», 6310 – « Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 9010 – «Тайёр маҳсулотларни сотишгдан олинган даромадлар» ва бошқа счётлар орқали аудит қилади.

Корхонанинг тайёр маҳсулотлари шу корхонага қарашли бўлган чакана савдо, овқатланиш корхоналарига, иш ҳақи ҳисобидан эса ишчи-хизматчиларга ҳам берилиши мумкин. Бундай операцияларнинг тўғрилиги 2920 – «Чакана савдодаги товарлар», 6710 – «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ва бошқа счётлар орқали текширилади. Аудит натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмийлаштирилади.

**Таянч иборалар:**

Тайёр маҳсулотларнинг мазмуни ва турлари. Тайёр маҳсулотларнинг баҳоланиши. Тайёр маҳсулотлар аудитининг кетма-кетлиги. Маҳсулот таннархининг аудити. Тайёр маҳсулотлар ҳаракати ҳисобининг аудити. Тайёр маҳсулотлар реализацияси натижаларининг аудити. Аудит натижаларининг умумлаштирилиши ва расмийлаштирилиши.

### 6.2.3 Товар операцияларининг аудити

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва фирмаларда товар операциялари аудитнинг муҳим объектларидан ҳисобланади. Тайёр маҳсулот бозорга чиқарилганда товарга айланади. Ушбу товар талаб ва таклифга асосан сотилади. Сотилган товарнинг ҳажми товарооборотни (товар айланишини) ташкил қилади. Товарооборот муҳим кўрсатгич бўлиб у корхонанинг даромадлари, харажатлари ва сўнгги молиявий натижасига ўз таъсирини кўрсатади. Сотилган товарларнинг ҳажми қанчалик кўп бўлса корхона шунчалик кўп даромад (фойда) олади.

Савдо корхоналари товарооборот ҳажмининг оширилишидан манфаатдордир. Бундан ташқари товарларнинг кўп миқдорда сотилиши аҳоли эҳтиёжининг қондирилаётганлигини ифодалайди.

Товар операцияларининг аудити қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

– корхонада товарлар реализациясининг ташкил этилишини текшириш;

– аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжи қай даражада қондирилаётганлигини ўрганиш;

– товар захираларини кўпайтириш имкониятларини белгилаш;

– товарлар билан боғлиқ бўлган операциялар ҳисоби корхонанинг «ҳисоб сиёсати»га мос келиш-келмаслигини аниқлаш;

– аудит натижалари бўйича маълум тавсиялар ишлаб чиқиш.

Товар операцияларининг аудити қуйидаги тартибда ва кетма-кетликда амалга оширилади. Даставвал аудитор бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан товарларнинг қолдигини аниқлайди. Бундай маълумот корхона балансининг актив томони, иккинчи бўлинмасида ифодаланган бўлади. Аудитор баланс қолдиғини оборот ведомости ва Бош китоб маълумотлари билан ўзаро солиштиради. Кейинчалик товарларнинг сақланиш жойларидаги ҳақиқий қолдиқлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланади. Бунинг учун товарларнинг инвентаризацияси ўтказилади. Корхонадаги товарлар чакана савдо шохобчаларида, ошхоналарда, омборхоналарда сақланаётган бўлиши мумкин. Ушбу товарлар сақланиш жойлари бўйича тўлиқ инвентаризация қилинади. Товар қолдиқларининг ҳақиқий миқдори аниқлангандан сўнг товарларнинг ҳаракати, товарооборот ҳажми текширилади. Бундай текширув қуйидаги ҳужжатлар орқали амалга оширилади: мол етказиб берувчилар, сотиб олувчилар билан тузилган шартномалар, товар ҳужжатлари (счёт-фактуралар, товар-транспорт накладнойлари, кирим-чиқим накладнойлар, далолатномалар, пул ҳужжатлари (кирим касса ордерлари, илова ведомостлари, алоқа квитанциялари, ҳисоб-китоб пластиклари), банк ҳужжатлари (тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари, ҳисоб-китоб чеклари) ва бошқа ҳужжатлар.

Корхонанинг «Ҳисоб сиёсати» талабларига асосан товарлар чакана нархда (ҳақиқий таннархда) 2900 – «Товарлар ҳисоби счётлари»да ифодаланган бўлади. Товарлар сақланиш жойларига

қараб алоҳида счётларда ҳисобга олиб борилади. Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар 6010 – «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича) ва 7010 – «Мол етакзиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича)да ҳисобга олиб борилади. Харидорлар билан эса 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» 6310 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида ҳисобга олиб борилади. Сотилган товарларнинг таннархи 9120 – «Сотилган товарлар таннархи» счётида ҳисобга олиб борилади.

Мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар мамлакат ичидаги ва хориждаги хўжалик юритувчи субъектлар бўлиши мумкин. Шунинг учун товарлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон валютасида (сўмда) ва халқаро валютада (АҚШ долларида) ҳисобга олиб борилади.

Товарларнинг экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курсига асосан фақат халқаро валютада амалга оширилади. Товар операциялари накд пулсиз ва нақд пулли ҳисоб-китоб шаклларида олиб борилади. Аудитор юқоридаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда товар операцияларининг аудитини ўтказиши керак.

Товарларнинг кўпайиши (келтирилиши) билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги счётлари орқали аудит қилинади:

– товарлар мол етказиб берувчилардан олинганда мажбурият турларига қараб 6010 – «Мол етказиб берувичларга ва пудратчиларга тўланандиган счётлар» (жорий мажбуриятлар бўйича), 7010 – «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланандиган счётлар» (узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича) орқали;

– ишлаб чиқарилган, қайта ишлаш натижасида олинган товарлар 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счёти орқали;

– мулк эгасидан савдо корхонанинг устав капиталига улуш сифатида берилган товарлари 4710 – «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счёти орқали;

– ҳисобдор шахслар томонидан харид қилган товарлар 6870 –«Ҳисобдор шахслардан қарзлар» счёти орқали;

– юридик шахслардан қайтариб бермаслик шарти билан (бепул) олинган таворлар 8523 – «Қайтириб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк» счёти орқалар текширилади.

Товарлар, уларнинг қиймати яна қуйидаги ҳолларда кўпайиши мумкин: қайта баҳоланиш натижасида (9370 – «Товар-моддий заҳираларни қайта баҳолаш»), инвентаризация натижасида товарларнинг кўп чиқиш ҳолларида (9390 – «Бошқа операциялардан даромадлар»). Бундай операциялар далолатномалар, журнал-ордерлар ва бухгалтерия ёзувлари орқали текшириб кўрилади.

Товарларнинг тўлиқ келиб тушганлиги ва кирим қилинганлиги товарлар учун тўланган пул ҳужжатлари ва бухгалтерия ёзувлари орқали таққосланади. Ушбу мақсадларда тўлов турига қараб 5110 – «Ҳисоб-китоб»счёти, 5200 – «Валюта счётлари ҳисобнинг счётлари», 6870 – «Ҳисобдор шахслардан қарзлар», 6020 – «Берилган векселлар» (қисқа муддатли), 4310 – «Товар-моддий заҳиралар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнаклар», 6910 – «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7310 – «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар», 7020 – «Берилган векселлар» (узоқ муддатли) счётларидаги ёзувлар обдан текширилади. Савдо корхонасининг мулк шаклига қараб товарлар (аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) нақд пулга харид қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда 5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётидаги ёзувлар текширилиб чиқилади.

Товарлар улгуржи ва чакана савдо корхоналаридан истеъмолчиларга нақд пулга, нақд пулсиз шаклларда реализация қилинади. Ушбу операцияларнинг тўғрилиги қуйидаги бухгалтерия счётлари орқали аудит қилинади:

– товарлар шартномаларга асосан сотиб олувчиларга жўнатилганда: 9120 – «Сотилган товарлар таннархи» счёти орқали;

– қайта ишлашга берилган товарлар: 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счёти орқали;

– товарлар қисқа муддатли ва узоқ муддати молиявий қўйилмалар шаклида берилганда: 5810 – «Қимматбаҳо қоғозлар», 0600 – «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари» орқали;

– товарлар реализацияси бўйича топширилган савдо тушумлари: 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 5010 – «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», 5620 – «Йўлдаги пул маблағлари» ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади.

Бозор муносабатларнинг ривожланиши туфайли товарларни аҳолига кредит (пластик) карточкалари орқали сотиш жорий этилиб борилмоқда. Аудитор ушбу операцияларнинг тўғрилигини банк ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисобидаги махсус ёзувлар орқали аудит

қилади. Бунда мижоз учун банкда очилган шахсий счётнинг асослиги, пластик карточкаси орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар (2900, 5500 счётлар) обдан текширилади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларнинг тўғрилиги 9020 – «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 5210 – « Мамлакат ичидаги валюта счётлари» орқали текширилади. Товарлар ташиш, сақлаш реализация қилиш жараёнида турли сабабларга кўра камайиши мумкин. Бундай камайишлар табиий офатлар туфайли ҳам содир бўлади. Аудитор ушбу операцияларга тузилган ҳужжатлар ва бухгалтерия счётларидаги ёзувлар орқали аудит қилади. Бунда 2900 – «Товарлар ҳисоби счётлари» билан боғлиқ бўлган қуйидаги счётлар чуқур текширилиб чиқилади: 4210 – «Даъволар бўйича олинадиган счётлар», 4630–«Моддий зарараларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари», 9433- «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бўйича зарарлар», 9411 – «Сақлаш ва ташиш харажатлари», 9720 – «Фавқулотдаги зарарлар», 5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти ва бошқа счётлар.

Чакана савдо корхоналаридаги айрим товарлар ҳукумат қарори билан қайта баҳоланиб нархи тушурилиши мумкин. Ушбу операцияларнинг тўғрилиги 2920 – «Чакана савдодаги товарлар», 9439 – «Бошқа операцияларнинг харажатлари», 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади.

Товарлар аудитида импорт ва экспорт операцияларини текшириш маълум хусусиятларга эга. Товарларнинг импорти ва экспорти билан боғлиқ операцияларини аудит қилишда товарларнинг валютадаги сотиб олиш-сотиш қийматига, валюта курсига ва бож тўловларига алоҳида эътибор берилиши керак. Товарларнинг сотилиши текширилганда аудитор ҳукуматнинг бу масала бўйича қабул қилган қарорларининг қай даражада бажарилаётганлигига, савдо тушумларининг белгиланган тартибда кирим қилиниши ва вақтида банк муассасаларига топширилишига алоҳида эътибор бериши керак. Товар операцияларнинг аудитида моддий жавобгар шахсларнинг товар ва пул ҳисоботлари, бухгалтерия ҳисоби ёзувлари ҳамда молиявий ҳисобот маълумотларига асосланиб амалга оширилади.

Товарларнинг қолдиқлари, сотилиши «Молиявий ҳисобот» маълумотларига таққосланади. Реализация қилинган товарларнинг ҳажми «Молиявий ҳисобот»нинг «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»ида ўз ак-

сини топган бўлади. Ушбу ҳисоботнинг кирим қисмида харидорлардан келиб тушган пул-валюта маблағлари ифодаланган бўлади.

Товар операциялари аудити бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган тизимида маълум хусусиятларга эга. Савдо фирмасининг товарларини сотиб олиши, сотиши ва молиявий натижалари бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган тизимида қуйидагича ифодаланади (7-чизма).




**7-чизма. Товар операциялари ҳисобининг компьютерлаштирилган тизими**

Аудитор товарларни сотиб олиш, сақлаш ва сотиш билан боглиқ бўлган барча жараёнларининг аудитини машинограммаларга асосан маълум кетма-кетликда амлага оширади (8-чизма).




**8-чизма. Товар операциялари аудитининг кетма-кетлиги**

Аудитор савдо фаолияти аудитини бошқа фаолият турларининг аудити билан биргаликда амалга ошириши мумкин. Аудит натижасида маълум хулосаларга келинади ва тавсиялар ишлаб чиқилади.



**Таянч иборалар:**

Товар операциялари аудитининг хусусиятларн ва вазифалари. Келтирилган товарларнинг аудити. Сотилган товарларнинг аудити. Экспорт-импорт операциялари аудитининг хусусиятлари. Товар нобудгарчиликларининг аудити. Товар операцияларининг бухгалтерия ҳисобини компьютерлаштирилган тизимида аудит қилиниши. Аудит натижаларининг умумлаштирилиши ва расмийлаштирилиши.

# VII БОБ. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ АУДИТИ

## 7.1. Ҳисоб-китоблар ва кредит операциялари аудитининг вазифалари

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан ўзаро ҳисоб-китобларни олиб боради. Жумладан, мол етказиб берувчилар билан сотиб олинган матераллар, товарлар бўйича, харидаорлар билан жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар бўйича, транспорт ташкилотлари билан кўрсатилган хизматлар бўйича, бюджет билан солиқлар бўйича, ҳисобдор шахслар билан уларга берилган пул маблағлари бўйича, ишчи-хизматчилар билан меҳнат ҳақи бўйича. Корхоналарда булардан ташқари мулкий суғурталар бўйича ҳисоб-китоблар, таъсисчилар (муассислар) билан уларнинг улушлари бўйича ҳисоб-китоблар, ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар, коммунал хизматлари бўйича ҳисоб-китоблар, билдирилган даъволар бўйича ҳисоб-китоблар, корхонанинг ички бўлинмалари билан ўзаро ҳисоб-китоблар олиб борилади.

Ҳисоб-китоб операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаган тартибда амалга оширилиши, юридик шахслар ўзаро ҳисоб-китоб интизомига тўлиқ амал қилишлари керак. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларнинг тўғри ташкил қилиниши ва юритилиши пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, корхоналарнинг тўлов интизомини мустаҳкамлайди. Шу боис ҳисоб-китоблар доимий равишда аудит қилиб борилади.

Ҳисоб-китоб операцияларининг аудити унинг тури ва мақсадига бевосита боғлиқдир. Тузилган шартномага асосан корхона фаолиятидаги барча ҳисоб-китоб операциялари ёки уларнинг айримлари (мол етказиб берувчилар билан, бюджет билан, даъволар бўйича ҳисоб-китоблар) аудит қилиниши мумкин.

Ҳисоб-китоб операциялари аудитининг вазифалари қуйидагиларга қаратилган:

– корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг тўғри ва тўла юритилишини текшириш;

– товарлар, материаллар, кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммаларнинг қонунийлигини текшириш;

– корхоналар ўртасидаги мавжуд қарзларнинг ҳаққонийлиги ва асослилигини ўрганиш;

– ҳисоб-китоб операцияларининг бухгатерия ҳисоби счётларида тўгри акс эттрилганлигини аниқлаш;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларнинг молиявий ҳисоботда тўғри ифодаланганлигини аниқлаш;

– ҳисоб-китоб операциялари ҳисобини яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг аксарият қисми нақд пулсиз амалга оширилади. Шу мақсадларда аудитор ҳисоб-китоб операцияларини аудит қилишда банк ҳужжатлари, товар ва пул ҳужжатларидан кенг фойдаланади. Ҳисоб-китоб операцияларининг аудити маълум тартибда ва кетма-кетликда амалга оширилади. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин (9- чизма):




**9-чизма. Ҳисоб-китоб операциялари аудитининг кетма-кетлиги**

Ҳисоб-китоб операциялари ҳолатининг аудити қоидага асосан уларни инвентаризация қилиш орқали амалга оширилади. Аудитор инвентаризация орқали ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқларнинг ҳаққонийлигини аниқлайди. Дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганади ва ушбу масалаларга ўз муносабатини билдиради.

**Таянч иборалар:**

Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг турлари. Ҳисоб-китоб операциялари аудитининг вазифалари. Кредит операциялари аудити вазифалари.

## 7.2. Товар операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити

Ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари мол етказиб берувчилар билан сотиб олинган хом ашё, материаллар, товарлар бўйича ҳисоб-китобларни юритади. Сотиб олувчилар ва буюртмачилар билан эса тайёр маҳсулотларни ва товарларни жўнатиш (сотиш) бўйича ҳисоб-китобларни олиб боради.

Товар операциялари бўйича ҳисоб-китоблар аудитнинг асосий мақсади – мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан олиб борилаётган операцияларнинг қонунийлиги, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мос келиши, томонларнинг тўлов интизомига тўлиқ риоя қилишларини аниқлашдан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарга хом ашё, материаллар ва товарлар турли манбалардан, шу жумладан хориждаги мол етказиб берувчилардан келиб тушиши мумкин.

Ўз навбатида корхоналарнинг тайёр маҳсулотлари ҳамда товарлари ҳам ички бозорга, ҳам хорижий истеъмолчиларга сотилиши мумкин. Шунинг учун ҳам аудиторлар экспорт-импорт операцияларининг хусусиятларини, ушбу операцияларнинг халқаро андозалар бўйича ҳужжатлаштирилиши, ҳисоб-китобларининг олиб борилишини мукаммал билишлари керак

Мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан ҳисоб-китобларнинг аудити қуйидаги тартибда амалга оширилади: мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан тузилган шартномаларнинг қонунга мослиги аниқланади, сотиб олинган ва сотилган материаллар, товарларнинг тўгри ҳужжатлаштирилганлиги,

бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри юритилиши текширилади, товар оперциялари бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳаққонийлиги аниқланади.

Корхоналар фаолиятида мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларда маълум камчиликлар бўлиши мумкин. Жумладан, хом ашё, материаллар, товарларнинг сифатсизлиги, товарлар таркибининг буюртма талабларига мос келмаслиги, тўловлар бўйича асоссиз даъволарнинг билдирилиши ва ҳ.к. Аудитор ушбу жараёнларни товар ва банк ҳужжатларига асосан чуқур текшириб кўриши керак. Корхоналар фаолиятида мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар ўртасида асоссиз дебиторлик ва кредиторлик қарзлари келиб чиқади. Ушбу қарзларнинг ҳаққонийлигини аудитор қуйидаги тартибда текшириши керак: дебиторлик ёки кредиторлик қарзларининг келиб чиқиш муддатлари ва сабабларини аниқлаш, томонларнинг ўзаро тузган шартномаларга қай даражада амал қилганликларини текшириш, ҳисоб-китоблар бўйича билдирилган даъволарнинг асослилигини исботлаш.

Мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг самардорлиги бир қанча омилларга боғлиқдир. Биринчи навбатда ушбу ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобида тўгри акс эттирилиб борилишига боғлиқ. Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни алоҳида счётларда акс эттириб борадилар. Корхонанинг "Ҳисоб-сиёсати"га асосан улар учун алоҳида синтетик ва аналитик счётлар очилади. Ҳисоб регистрларида ўзаро ҳисоб-китоблар умумлаштирилиб борилади. Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар вақт-вақти билан текширилиб борилиши керак.

Аудитор ушбу масалаларни аудит қилишда қуйидагиларга эътибор бериши керак: товарларни сотиб олиш ёки сотиш бўйича корхонада шартномаларнинг мавжудлигига, мол етказиб берувчилар ёки сотиб олувчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг текширилиб (солиштирилиб) борилши ҳолатига, материаллар, товарлар ҳаракатининг тўғри расмийлаштирилишига (товар-моддий бойликларни қабул қилиш учун ишонч қоғозларини берилиш тартиби, қайд қилиниши), мол етказиб берувчилар, сотиб олувчиларга бериладиган ҳужжатлар (счёт-фактуралар, товар-транспорт накладнойлари) нинг алоҳида журналда қайд қилинишига, мол етказиб берувчиларга муддатида билдирилган даъволарга, товарлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс

эттирилганлигига. Аудитор ушбу ҳолатларни текшириш натижалари бўйича маълум хулосаларга келади ва ўзининг тавсияларини беради.

Аудитор мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчилар билан ҳисоб-китобларни аудит қилиш жараёнида қуйидаги масалаларга ойдинлик киритади:

– товар- моддий бойликларни сотиб олиш ёки сотиш бўйича асосли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг қонуний равишда тузилганлиги;

– корхона фаолиятида ҳужжатлаштирилмасдан олинган ёки сотилган товар-моддий бойликларнинг мавжудлиги;

– мол етказиб берувчилар ва сотиб олувчиларга ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича даъволарнинг вақтида билдирилганлиги;

– мол етказиб берувчилар, сотиб олувчилар бўйича синтетик счётлардаги маълумотларнинг аналитик счётлардаги маълумотларга мос келиш-келмаслиги;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳаққонийлиги;

– товар операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги;

– валюталар орқали амалга оширилган товар операциялари ҳисоб-китобларининг тўғри юритилиши (валюта курсининг ҳисобга олиниши);

– товарлар қолдиқларининг, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилганлиги.

Аудитор текшириш жараёнида махсус қайдномалар, далолатномалар, маълумотномалар тузади. Товар операциялари бўйича дебиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги тартибда расмийлаштириш мумкин (3-жадвал).

Аудитор товар операциялари бўйича мол етказиб берувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини қуйидаги счётлар орқали текширади: 6010 – «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (жорий мажбуриятлар бўйича), 7010 – «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича). Ушбу счётларнинг кредит қолдиқлари корхонанинг мол етказиб берувчилар олдидаги товарлар бўйича қарзини билдиради. Аудитор ушбу счётлардаги ёзувларни 2900 – «Товарлар ҳисоби счётлари», 5110 – «Ҳисоб китоб» счёти, 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», 6910 – «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 – «Узоқ муддатли банк кредитлари» ва бошқа счётлар (9400, 5510, 4310, 4010, 9540, 6910,7510) орқали текширади.

3-жадвал

**«Умид» фирмасининг 2002 йил 1 апрел ҳолатидаги товар операциялари бўйича дебиторлик қарзлари тўғрисида маълумот**

| № | Операциянинг мазмуни | Баланс бўйича сумма, минг сўм | | | Шулардан, муддати ўтган қарздорлик |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | шу жумладан | | |
| | | | Дебитор томонидан тан олинган қарздорлик | Дебитор томонидан тан олинмаган қарздорлик | |
| 1 | «Боғизағон» савдо акционерлик жамиятига жўнатилган, лекин муддатида тўланмаган тайёр махсулотлар | 1560,0 | 1360,0 | 200,0 | – |
| 2 | «Давлатобод» акционерлик жамиятига билдирилган даъво<br>ва ҳ.к. | 540,0 | 400,0 | 140,0 | 100,0 |
| | Жами | 2100,0 | 1760,0 | 340,0 | 100,0 |

Сотиб олувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аудити қуйидаги счётлар орқали амалга оширилади: 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 6310 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар», 2900 – «Товарлар ҳисоби счётлари», 9110 – «Сотилган товарларнинг таннархи», 5000 – «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари», 5110 – «Ҳисоб китоб» счёти, 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари» ва бошқа счётлар. Аудитор товар операцилари бўйича ҳисоб-китобларнинг аудитида банк ҳужжатлари, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари ва ҳисоб регистирларидан кенг фойдаланади.

**Таянч иборалар:**

Товар операциялари бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг вазифалари. Мол етказиб берувчиларга товарлар учун тўланган суммаларнинг аудити. Сотиб олувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аудити. Аудит натижаларининг умумлаштирилиши ва расмийлаштирилиши.

## 7.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити

Турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектларга бошқа корхона ва ташкилотлар маълум хизматларни кўрсатади. Жумладан, почта, телефон, телеграф, факс бўйича хизматлар, электроэнер-

гия, газ, иссиқлик бериш бўйича хизматлар, савдо тушумларини инкасса қилиш бўйича хизматлар, транспорт бўйича хизматлар ва бошқа турдаги хизматлар. Корхона пул маблағининг маълум қисми кўрсатилган ушбу хизматлар учун сарф бўлади. Амалиёт маълумотлари билан яқиндан танишиш шуни кўрсатдики, ушбу хизматларни ҳисобга олиш ва назоратини таъминлашда маълум камчиликлар мавжуд. Жумладан, бажарилган хизматларнинг ҳажмини асоссиз ошириб кўрсатиш, хизмат таърифларини ўзгартириш ҳоллари учраб туради. Натижада, корхоналар ўртасида мавжуд келишмовчиликлар ва даъволар келиб чиқади. Бу ўз навбатида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кўпайишига, корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб интизомининг бузилишига олиб келади. Шу мақсадларда кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити ўтказилади. Ушбу аудит қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

– кўрсатилган маиший хизматлар бўйича тўланган маблағларнинг қонунийлигини текшириш;

– кўрсатилган хизматлар ҳажмининг тўғрилиги, таърифларнинг асосли қўлланганлигини аниқлаш;

– хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва маҳсулот таннархига, корхонанинг давр ҳаражатларига асосли олиб борганлигини текшириш;

– ҳисоб-китоб операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини экспертиза қилишдан иборат.

Хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни аудит қилишга қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади: томонлар ўртасида тузилган шартномалар, харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисидаги низом, банк кўчирмалари, бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисидаги маълумотномалар, корхонанинг ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа меъёрномалар. Аудитор кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудитини қуйидаги тартибда ўтказади: даставвал хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича қолдиқлари ўрганилади, кейинчалик ҳисоб-китоб операцияларининг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ва бухгалтерия ҳисоби счётларида қабул қилинган тартибда акс эттирилганлиги текширилади. Текширув жараёнида аниқланган камчиликлар умумлаштирилади ва холисона хулосалар берилади.

Корхоналарга кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар асосан 6800 – «Турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби счётлари» (6890 – «Бошқа мажбуриятлар») счёти орқали аудит қилинади. Ушбу счётнинг кредит қолдиғи корхонанинг кўрсатилган хизматлар бўйича бошқа юридик шахслар олдидаги қарзини ифодалайди. Кўрсатилган хизматларининг қийматига ушбу

счёт кредитланади, пули тўланганда эса дебетланади. Корхона учун кўрсатилган хизматларнинг қиймати харажат бўлиб, ушбу харажатлар 9400 – «Давр харажатлари ҳисоби счётлари» (9420 – «Маъмурий харажатлар», 9439 – «Бошқа операцион харажатлар») счётига олиб борилган бўлади. Аудитор кўрсатилган хизматлар бўйича харажатларни юқоридаги счётлар орқали текширади. Кўрсатилган хизматлар учун 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 5200 – «Валюта счётлари ҳисобининг счётлари», айрим ҳолларда эса 5000 – «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари» орқали пул тўланади. Аудитор банк кўрсатмалари орқали ушбу операцияларнинг қонуний амалга оширилганлигини текширади.

Хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги жорий ҳисоб маълумотлари, «Молиявий ҳисобот» маълумотлари орқали текширилиб кўрилади. Корхонанинг хизматлар бўйича қарзлари бухгалтерия балансининг пассив томони, II - «Мажбуриятлар» бўлимида кўрсатилган бўлади. Ушбу қолдиқ хизмат турлари бўйича очилган аналитик ҳисоб регистрлари билан солиштирилади. Текшириш натижалари аудиторлик ҳисоботи ва хулосасига киритилади.

**Таянч иборалар:**

Хизматлар бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва турлари. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар аудитнинг вазифалари. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг кетма-кетлиги. Аудит натижаларининг умумийлаштирилиши ва расмийлаштирилиши.

## 7.4 . Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг аудити

Турли мулкдаги корхоналар бюджет билан ўзаро ҳисоб-китобларни олиб боради. Бундай ҳисоб-китоблар икки йўналишда амалга оширилади:

– бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар;

– бюджетдан олинадиган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар.

Корхонанинг бюджетдан олган маблағлари товар-моддий бойликларни қайта баҳолашда (ҳукумат қарорлари билан моддий бойликларнинг нархлари туширилганда), ишчи-хизматчиларга бюджет ҳисобидан маблағлар ажратилганда содир бўлади. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан оладиган маблағлари доимий равишда камайиб бормоқда. Шу боис бюджет билан ҳисоб-китобларнинг асосий қисми бюджетга тўланадиган солиқлар ва бошқа тўловлар орқали амалга ошмоқда. Корхонанинг бюджет

олдидаги мажбуриятлари (тўловлари) аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади. Чунки корхорналар бюджетга қанчалик тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширсалар мамлакатнинг устивор бўлган иқтисодий-ижтимоий вазифаларини амалга ошириш шунчалик тез амалга ошади. Солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши асосан солиқ органлари орқали назорат қилинади. Лекин, солиқ турларининг кўплиги, солиқ базаларининг ҳамда ставкаларининг доимий равишда ўзгариб бориши, солиқ сиёсатига оид меъёрномаларнинг кўплиги ушбу жараёнда аудиторлик хизматидан фойдаланишни тақозо қилади. Шунинг учун шартномага асосан аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини аудит қилишлари мумкин.

Корхонанинг бюджет олдидаги мажбуриятлари молиявий ҳисоботнинг биринчи шакли, яъни «Бухгалтерия баланси» (пассив томони, иккинчи – «Мажбуриятлар» бўлими, «Бюджет бўйича қарзлар» сатри) ҳамда иккинчи шакли, яъни «Молиявий натижалар тўгрисида ҳисобот»да келтирилган («Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот» номли иловада ифодаланган бўлади). Бюджет билан корхонанинг ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисобининг 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётида олиб борилади. Ушбу счётнинг кредит томонидаги қолдиғи корхонанинг бюджет олдидаги солиқлар бўйича қарзини ифодалайди. Аудитор даставвал ушбу счётнинг қолдиғини бухгалтерия балансидан аниқлайди (460-сатр). Мазкур счётнинг қолдиғи Бош китоб, оборот ведомостлари билан ўзаро солиштирилади. Солиқларнинг турлари молиявий ҳисоботдаги «Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот»да келтирилган бўлади.

Турли мулкдаги корхоналар бюджетга 20 дан зиёд солиқлар ва тўловларни тўлайди. Солиқ турлари корхонанинг мулк шакли, фаолият йўналишига бевосита боғлиқ ва «Солиқ Кодекси» билан мувофиқлаштирилиб борилади.

Аудитор корхонанинг бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини текширганда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

– солиқ базаларининг тўғри аниқланганлигига;
– солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланилишига;
– солиқ ставкалари ва солиқ суммаларининг тўғрилигига;
– солиқларнинг муддатида ва тўлиқ бюджетга ўтказилганлигига;
– бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишига;
– тўловлар бўйича аналитик ҳисобнинг тўғри юритилишига;
– бюджетга тўловлар бўйича ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ва асослилигига.

Аудитор корхонанинг солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қараздорлик» ва у билан ўзаро боғланадиган счётлардаги ёзувлар орқали текширади. Текшириш жараёнида фарқлар чиқса уларнинг сабабларини аниқлайди. Қуйида «Умид» фирмасининг шартли маълумотлари асосида мол-мулк солиғининг аудити натижаларини кўриб чиқамиз (4-жадвал):

**4-жадвал**

**«Умид» ишлаб чиқариш фирмаси бўйича ҳисобот йилидаги мол-мулк солиғининг аудити натижалари**

| Т.р. | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Фирма маълумотлари бўйича | Аудиторнинг маълумоти бўйича | Фарқи (+, -) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Фирманинг умумий мол-мулки | минг сўм | 18560,0 | 18560.0 | - |
| 2 | Солиққа тортилмайдиган мол-мулк | минг сўм | 2850,0 | 2550,0 | -300.0 |
| 3 | Солиққа тортилувчи мол-мулк | минг сўм | 15710,0 | 16010.0 | +300.0 |
| 4 | Солиқ ставкаси | % | 2,0 | 2.0 | - |
| 5 | Солиқ суммаси | минг сўм | 314,2 | 320,2 | +6,0 |

Аудит жараёнида маълум бўлдики, «Умид» фирмаси ҳисобот йилида мол-мулк солиғини 6,0 минг сўмга кам ҳисоблаган. Ушбу фарқ солиққа тортилмайдиган мол-мулк миқдорининг асоссиз 300.0 минг сўмга кўпайтирилиши туфайли келиб чиққан. Аудитор ушбу фарқни чуқур текшириб, натижасини аудиторлик ҳисоботида ва хулосасида акс эттиради.

Ҳисобланган солиқларнинг тўғрилиги 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётининг кредитидаги ёзувлар 9439 – «Бошқа операцион харажатлар», 9810 – «Даромад (фойда) солигини тўлаш» счётларидаги ёзувлар билан солиштирилиб кўрилади. Бюджетга тўланган солиқларнинг тўғрилиги эса 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётидаги дебет сумма билан 5110 – «Ҳисоб-китоб» счётидаги кредит сумма ўзаро солиштирилиб кўрилади. Тайёр маҳсулотлар реализацияси бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғининг ҳисобланиши 4010 –«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»даги дебет сумма билан 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счётининг кредитидаги сумма ўзаро солиштирилиб текширилади. Бошқа солиқ турлари ҳам маълум счётлардаги ёзувлар

орқали аудит қилинади. Солиқлар аудитининг кетма-кетлиги 10- чизмада келтирилди.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар турлари бўйича алоҳида аналитик ҳисоб регистрларида акс эттириб борилади. Текшириш натижалари аудиторлик ҳисоботи ва хулосасига киритилади.




**10-чизма. Солиқлар аудитининг кетма-кетлиги**

### Таянч иборалар:

Корхонанинг бюджет билан ҳисоб-китоблари. Бюджетга тўловлар. Солиқлар ва уларнинг ҳисобланиши. Солиқларнинг назорати. Солиқларнинг аудити. Аудит натижаларининг умумлаштирилиши ва расмийлаштирилиши.

## 7.5. Бошқа ҳисоб-китоб операцияларининг аудити

Корхона фаолиятида бошқа турдаги ҳисоб-китоб операциялари мавжуд бўлиб улар қуйидагилардан иборат: меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар, ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар, даъволар бўйича ҳисоб-китоблар, кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар, моддий зарарларни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар, муассислар (таъсисчилар) билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар. Хўжалик юритувчи субъектлар яна қуйидаги ҳисоб-китобларни олиб боради: алоҳида балансга ажратилган бўлинмалар билан ҳисоб-китоблар, ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар, мулкий суғурта бўйича ҳисоб-

китоблар, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳисоб-китобларнинг турлари.

Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларнинг аудити Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меҳнат қонунчилигининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қай даражада амал қилинаётганлигини текширишга қаратилган бўлиб у қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

– меҳнат ҳақи бўйича қонуний ҳужжатларнинг корхона фаолиятида амал қилинишини текшириш;

– ишчи-ходимларнинг ишга қабул қилиниши ва бўшатилишининг тўғрилигини аниқлаш;

– бажариладиган ишларнинг ҳажми ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;

– меҳнат ҳақи бўйича таърифлар, ставкаларнинг тўғри қўйилганлиги ва иш ҳақи ҳажмининг тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш;

– меҳнат ҳақидан ушланган солиқларнинг тўғрилигини текшириш;

– иш ҳақи харажатларининг ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таркибига тўғри олиб борилганлигини текшириш;

– ишчи-хизматчиларга ҳисобланган ва берилган нафақаларнинг тўғрилигини аниқлаш;

– меҳнат ҳақи ва нафақаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Аудитор меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни текширганда қуйидаги ҳужжатларга асосланади: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, меҳнат ҳақи бўйича махсус низомлар, корхона низоми, штат жадвали, ишчи-ходимларни ишга қабул қилиш-бўшатиш тўғрисида буйруқлар, меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда ведомостлар, ишчи-хизматчиларнинг шахсий карточкалари, журнал-ордерлар, молиявий ҳисобот, нафақаларни белгилаш, тўлашга оид меъёрий ҳужжатлар. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити 6700 – «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби счётлари» (6710 – «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар», 6720 – «Депонентлик меҳнат ҳақи») счёти ва ушбу счёт билан алоқадор бўлган бошқа счётлар орқали амалга оширилади. Ушбу счётларнинг кредит қолдиги меҳнат ҳақи

бўйича корхонанинг ишчи-хизматчилар олдидаги қарзини билдиради. Меҳнат ҳақи ҳисобланганда 6710 – «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счёти кредитланиб тўланганда эса дебетланган бўлади. Аудитор ушбу счёт билан корреспонденцияда бўлган счётлардаги операцияларнинг тўғрилигини текширади. Жумладан, иш ҳақининг тўғри ҳисобланганлиги (6710 – счётнинг кредити билан бошқа счётларнинг дебети орқали) 2010, 2310, 2510, 0800, 9400, 9210, 9720, 8710 ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади. Меҳнат ҳақидан ушланган суммалар ва берилган иш ҳақининг тўғрилиги (6710 – счётнинг дебети ва бошқа счётларнинг кредити) 6410, 4420, 4710, 6110, 4630, 5020 ва бошқа счётлар орқали текширилади. Аудитор меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини алоҳида ходимлар бўйича жорий ҳисоб маълумотлари орқали текширади (ходимларнинг шахсий карточкалари, ишга чиққанлик тўғрисидаги табель маълумотлари, аналитик ҳисоб маълумотлари). Ушбу маълумотлар статистик маълумотлар ва «Молиявий ҳисобот» маълумотлари билан таққосланади.

Ишчи-хизматчилар меҳнат қобилиятларини йўқотганларида уларга нафақалар тўланади. Ушбу операцияларнинг тўғрилиги 6710, 6520, 5010, 2010, 9400 ва бошқа счётлардаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар текширилганда қуйидаги камчиликлар аниқланган бўлиши мумкин: ишчи-хизматчилар бўйича табелнинг тўғри юритилмаганлиги, маълум иш ҳақи турларини асоссиз равишда маҳсулот таннархига киритилиши, ишдан бўшаганларга қўшимча равишда иш ҳақининг ёзилиши, бажарилмаган ишларни «бажарилди» деб соҳта ҳужжатлар тузиш, иш ҳажмини сунъий равишда кўп қилиб кўрсатиш орқали иш ҳақини асоссиз ошириш, иш ҳақидаги даромад солиғини нотўғри ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоби счётларида сунний ёзувлар қилиш. Аниқланган бу каби камчиликлар аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида ўз аксини топади.

Корхонанинг ишчи-хизматчилари хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълум қўшимча операцияларни амалга оширади. Шу мақсадларда улар хизмат сафарларида бўладилар. Ҳисобдор шахслар корхона маблағларидан хўжалик эҳтиёжлари учун турли хил буюмлар, инвентарлар сотиб

олишлари мумкин. Ушбу жараёнлар маълум мазмундаги ҳисоб-китоблар билан боглиқ. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг аудити қуйидаги счётлар орқали амалга оширилади: 6870 – «Ҳисобдор шахслардан қарзлар», 4420 – «Хизмат сафари учун берилган бўнаклар». Аудитор ушбу счётлар билан боғлиқ бўлган операцияларни текширганида қуйидаги масалаларга ўз эътиборини қаратади: хизмат сафари учун хўжалик мақсадлари учун ходимларга берилган пул маблағларининг нечоғлик асослилиги (бунинг учун махсус буйруқнинг борйўқлиги), бўнак суммалар ҳисобидан бажарилган ишлар, сотиб олинган моддий бойликларнинг тўғрилиги, ҳисобдор шахслар томонидан ҳисоботларнинг муддатида топширилганлиги, ҳисобдор шахслар билан олиб борилган ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги ва бошқа масалалар. Аудитор ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни қуйидаги счётлар орқали текширади: 6870, 4420, 2010, 2310, 2510, 9436, 2910-2990, 9419, 9720, 7710, 5010, 5020, 5110, 5210, 5610, 4630, 0810, 0710 ва бошқа счётлар.

Ҳисобдор шахслар амалга оширган ишлар, уларга қилинган харажатлар маҳсулот таннархининг ва давр харажатларининг ошишига олиб келади. Шунинг учун аудитор ушбу операцияларнинг қонунийлигига алоҳида эътибор бериши керак. Ҳисобдор шахслар билан олиб борилган ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ҳар бир ҳисобдор шахс бўйича уларнинг ҳисоботлари ва ҳисоб регистрлари орқали текширилиб чиқилади.

Корхоналар фаолиятида ўзаро тузилган шартномаларни бажариш жараёнида маълум низолар келиб чиқиши мумкин. Ушбу низолар даъво билдириш орқали ҳал қилиниди. Даъволар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги 6860 – «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар», 4210 – «Даъволар бўйича олинган счётлар» орқали аудит қилинади. Бунда аудитор билдирилган даъволарнинг нечоғлик асослилиги, тўғри расмийлаштирилганлиги ва бухгалтерия ҳисоби счётларида асосли акс эттирилганлигини текширади. Аудитор тан олинган ва тан олинмаган даъволар, уларнинг ҳисобга тўгри олинганлигига алоҳида эътибор бериши керак. Даъволар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги қуйидаги счётлар орқали аудит қилинади: билдирилган даъволар бўйича (6820- счётнинг кредит ва бошқа счётларнинг дебети); 0710,

1010-1090, 4210, 0810-0890, 1510, 2610, 2310, 9430, 2910-2990, 9433, 9339, 9439 ва бошқа счётлар. Даъволарнинг тўланганлиги 5110, 5210, 5220 – счётлар орқали текширилади.

Савдо фаолияти билан шуғулланадиган фирмалар аҳолига товарларни кредитга сотиши мумкин. Кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар 4610 – «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти орқали аудит қилинади. Кредитга берилган товарларнинг қиймати ушбу счётнинг дебетида, кредитнинг тўланиши эса унинг кредит томонида акс эттирилиб борилган бўлади. Аудитор товарларни кредитга сотиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни (топшириқнома-мажбуриятнома, моддий – жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари, касса ва банк ҳужжатлари) чуқур текшириб чиқади. Ушбу операциялар бўйича ҳисоб-китоблар 2920 – «Чакана савдодаги товарлар», 5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020 – «Хорижий валютадаги пул маблағлари», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 6710 – «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» 9419 – «Бошқа сотиш харажатлари» счётлари орқали аудит қилинади. Корхона ходимларининг кредитга олган товарлари бўйича қарзлари қисман банк кредитлари ҳисобидан қопланган бўлса, у ҳолда 6910 – «Қисқа муддатли банк кредитлари» ёки 7510 – «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларидаги ёзувлар текширилади. Кредитга сотилган товарлар ходимлар бўйича алоҳида ҳисобга олинган бўлади. Аудитор ходимларнинг кредитга сотиб олган товарлари бўйича қарзларини белгиланган муддатларда тўланишини ва тўлиқ тўланмаслик сабабларини ўрганади. Аудит натижалари бўйича маълум хулосалар қилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузади. Ушбу шартномаларга асосан мол-мулкларнинг сақланиши (даҳлсизлиги) таъминланади. Лекин, корхоналар фаолиятида турли хил сабабларга кўра пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг камомадлари келиб чиқади. Меъёрдан ортиқ бўлган камомадлар айбдор шахслардан ундирилиб олиниши керак. Камомадлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити 4630 – «Моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти орқали амалга оширилади. Аудитор моддий зарарларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади, уларнинг қонуний равишда ундирилишини текширади. Ушбу операцияларнинг аудити 4630 – «Моддий

зарараларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» счёти билан корреспонденцияда бўлган счётлар орқали аудит қилинади. Жумладан, кассада пул маблағлари кам чиққан бўлса 5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари» (ёки 5020 – «Хорижий валютадаги пул маблаглари») счёти орқали, товарлар кам чиққан ёки сифати бузилган бўлса, 2900 – «Товарлар ҳисоби счётлари» орқали, хом ашёлар кам чиққан бўлса, 1010 – «Хом-ашё ва материаллар» счётлари орқали текширилади. Камомадлар, келтирилган зарарларнинг ундирилиши, уларнинг келиб чиқиш сабабларига қараб 9433 – «Моддий бойликларнинг камомадлари ва бузилиши бўйича харажатлар» (корхона ҳисобидан қопланадиган камомадлар, товар-моддий бойликларнинг бузилиши қийматлари), 5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5020 – «Хорижий валютадаги пул маблағлари», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счётлари (камомадлар ва зарарлар бевосита айбдор шахслар томонидан тўланганда) орқали аудит қилинади. Аудит натижалари аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида қайд қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсисчилар, (муассислар) билан ўзаро ҳисоб-китоблари қуйидаги счётлар орқали аудит қилинади: муассисларнинг устав капиталига улуш сифатида қарзлари 4710 – «Устав капитали (фонди)га улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» счёти орқали, таъсисчиларга тўланадиган дивидентлар 6710 – «Тўланадиган дивидентлар» счёти орқали, таъсисчилар чиқиб кетганда уларнинг оладиган улушлари эса 6620 – «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» счёти орқали аудит қилинади. Аудитор ушбу счётлар билан корреспонденцияда бўладиган (Таъсис ҳужжатлардаги шартларга асосан) 5200, 1000, 2800, 2900, 5000, 5110, 5200, 0400, 0610, 5810, 8710, 8620 ва бошқа счётлардаги ёзувларни текширади.

Корхоналар ўзларининг мустақил балансга эга бўлган бўлинмаларига моддий, молиявий ёрдам беради. Ушбу бўлинмалар ўз новбатида олинган фойдаларидан корхонага ажратмалар қилади. Натижада булар ўртасида маълум ҳисоб-китоб муомаласи келиб чиқади. Корхонанинг мустақил балансга эга бўлган бўлинмалари билан олиб борадиган ҳисоб-китоблари 6110 – «Алоҳида балансга ажратиладиган бўлинмаларга тўланадиган счётлар» орқали аудит қилинади. Ушбу счёт қуйидаги счётлар

билан корреспонденцияланган бўлади: 5110, 5200, 0710, 2800, 2900, 0100, 1200 ва бошқа счётлар. Аудитор корхона билан унинг мустақил бўлинмаси орқали ҳисоб-китобларини алоҳида турлари бўйича текширади ва маълум хулосаларга келади.

Турли мулкдаги корхоналар мулкий ва ижтимоий суғурта ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни юритади. Аудитор ушбу ҳисоб-китобларни тўғрилигини қуйидаги счётлар бўйича текширади: 6510 – «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» счёти, 6520 – «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счёти, 6530 – «Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар счёти». Аудитор мулкий ва ижтимоий суғурталар бўйича ҳисоб-китобларни текширганда суғурта қилинган мол-мулкларнинг миқдорига, ижтимоий суғурта бўйича тузилган ҳисоб-китобларнинг (расчётларнинг) тўғри тузилганлигига эътибор бериши керак. Ижтимоий суғурта суммаси давлат ижтимоий суғурта фонди, нафақа фонди ва аҳоли бандлилигини таъминлашга қаратилган фондга бўлинади. Шунинг учун ушбу фондларга ажратмалар қонун талаблари асосида амалга оширилган бўлиши керак. Аудитор ушбу операцияларнинг тўғрилигини қуйидаги счётларнинг маълумотлари орқали текширади: 6510, 6520, 6530, 2010, 2310, 9420, 9429, 5110, 5210, 1000, 6710, 5010 ва бошқа счётлар. Текшириш натижаларида аниқланган камчиликлар аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида ўз аксини топади.

### Таянч иборалар:

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа турдаги ҳисоб-китоблари. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг аудити. Даъволар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити. Моддий зарарларни қоплаш бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити. Мулкий ва ижтимоий суғурталар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити. Бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг аудити.

## 7.6. Кредит операцияларининг аудити

Корхоналар фаолиятида банк кредитлари муҳим аҳамиятга эга. Кредитлар ҳисобидан корхонанинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Шу мақсадларда хўжалик юритув-

чи субъектлар турли мақсадларга қаратилган банк кредитларидан фойдаланадилар. Банкларнинг кредитларидан фойдаланиш корхоналар томонидан мустақил равишда белгиланади. Банклардан кредит олиш, ундан фойдаланиш тартиби банк фаолияти тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Банк кредитлари, улар учун тўланадиган фоизлар, кредитларнинг белгиланган мақсадлар бўйича фойдаланилиши корхонанинг молиявий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу мақсадларда банк кредитлари билан боғлиқ операциялар аудитнинг муҳим объектларига киради.

Банк кредитлари аудити жараёнида қуйидагилар аниқланади:

– корхона томонидан олинган кредит турлари ва муддатлари;

– кредитни олиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги;

– кредит ресурсларининг мақсадли фойдаланганлиги;

– кредит фоизларининг тўғри белгиланганлиги ва вақтида тўланиши;

– кредитларнинг муддатида қайтарилиши;

– кредитлар билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилиши;

– корхонада ҳисоб-китоб ва кредит интизомига тўлиқ амал қилиниши.

Аудитор тузилган шартномага асосан кредит операцияларини қуйидаги ҳужжатларга асосан текширади: корхонанинг Низоми ва «Ҳисоб сиёсати», кредит шартномаси, банк кўчирмалари, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисобининг махсус регистрлари, кредитни олишга асос бўлган бошқа ҳужжатлар. Банк кредитларини аудит қилишда кредит шартномаси муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу ҳужжатда кредитнинг тури, мақсади, объекти, кредит беришга кафолат, кредитни тўлаш тартиби, кредит берувчи ва кредит олувчининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари ифодаланган бўлади. Аудитор томонларнинг ушбу талабларга тўлиқ амал қилишларини текшириб кўради.

Хўжалик юритувчи субъектлар кредитларни Ўзбекистон валютасида ва халқаро валюталарда олиши мумкин. Халқаро валюталарда бериладиган кредитлар халқаро талаблар асосида амалга оширилади.

Корхоналарнинг банкдан оладиган кредитлари қисқа муддатли (бир йилгача) ва узоқ муддатли (бир йилдан кўп муддатга) кредитларга бўлинади.

Узоқ муддатли кредитлар асосан ишлаб чиқаришни кенгайтириш (қурилиш), янги жиҳозлар сотиб олиш учун, қисқа муддатли кредитлар эса товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун берилади. Барча кредитлар мақсадли фойдаланилиши керак.

Аудитор банк кредитининг тўғрилигини махсус дастурга асосан қуйидаги кетма-кетликда текширади:

– кредитнинг олинишига асос бўлувчи шартноманинг мавжудлиги ва тўгри расмийлаштирилганлигини текшириш;

– кредитнинг тўлалиги ва мақсадлилигини текшириш;

– кредит фоизининг тўғри белгиланганлиги ва вақтида тўланишини текшириш;

– кредит операцияларининг синтетик ва аналитик счётларда тўғри акс эттирилишини текшириш;

– кредитларнинг синтетик счётларда ҳамда Бош китоб, бухгалтерия балансида тўғри акс эттирилишини текшириш;

– текшириш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.

Корхоналарнинг банкдан олган кредитлари турларига қараб 6910 – «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510 – «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларида ҳисобга олиб борилади. Ушбу счётлар пассив бўлиб уларнинг кредит қолдиқлари корхонанинг банк олдидаги кредитлар бўйича қарзини билдиради. Аудитор ушбу счётларнинг қолдиқларини баланснинг пассив томони, II-«Мажбуриятлар» бўлими орқали аниқлайди. Ушбу қолдиқлар оборот ведомостлари ва Бош китобдаги қолдиқларга мос келиши керак.

Банк кредитларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун аудитор кредит олинган банк муассасасига ёзма равишда хат юбориши мумкин. Банк ўз навбатида мижозининг олган кредити, фоизлари, кредит қолдиғи тўғрисида тегишли маълумотларни беради.

Аудитор кредит қолдиқларини аниқлагандан сўнг кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текширади. Бунинг учун банк ҳужжатлари, бухгалтерия ёзувлари, уларнинг қонуний амалга оширилганлиги ўрганилиб чиқилади. Корхонанинг банкдан олган қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлари 6910 – «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 – «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларининг кредит

томонида акс эттирилган бўлади. Кредитларнинг қайтарилиши (тўланиши) эса ушбу счётларнинг дебетида ифодаланган бўлади.

Аудитор корхона томонидан олинган ва фойдаланилган банк кредитларини қуйидаги счётлар орқали текширади:

– кредитлар пул-валюта шаклида олинганда: 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 – «Мамлакат ичидаги валюта счётлари»нинг дебет томонидаги ёзувлар текширилади.

– кредитлар ҳисобига хом ашё, материаллар ҳамда товарлар олинганда: 1010 – «Хом ашё ва материаллар», 2910 – «Омбордаги товарлар», 2920 – «Чакана савдодаги товарлар» счётларидаги ёзувлар текширилади;

– кредитлар ҳисобидан мол етказиб берувчиларга пул (валюта) тўланганда: 6010 – «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (7010 – «Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»-узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича) даги ёзувлар 6910 – «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 – «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларидаги ёзувлар билан ўзаро таққослаб кўрилади.

Кредитлар бўйича фоизларнинг тўғрилиги 9610 – «Фоиз кўринишидаги харажатлар», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счётидаги ёзувлар орқали текширилади. Узоқ муддатли кредитлар ҳисобига асосий воситалар сотиб олинган бўлиши мумкин, капитал қўйилмалари амалга оширилган бўлиши мумкин.

Кредит операциялари кредит шартномалари, счёт-фактуралар, далолатномалар, тўлов топшириқномалари, банк кўчирмалари ҳамда бухгалтерия ҳисоби счётлари орқали текширилади. Аудтор бунинг учун 0820 –«Асосий воситаларни сотиб олиш», 7010 – «Мол етказиб берувчиларга ва пудрачиларга тўланадиган счётлар», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти ва бошқа счётларни текшириб кўради.

Корхонанинг банкдан олган қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлари тўланганда пул маблагларини ҳисобга олиб борувчи счётлар камаяди (кредитланади). Аудитор банк кўчирмаларига асосан 6910 – «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7510 – «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларининг дебетидаги ёзувларни 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 5210 – «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5530 – «Бошқа махсус счётлар»нинг кредитидаги ёзувлар билан ўзаро тақосслаб кўради.

Банк кредитларининг аналитик ҳисоби кредитларнинг турлари бўйича алоҳида регистрларда ҳисобга олиб борилади (кредит турлари, мақсадли йўналишлари ва тўланиш муддатлари бўйича). Аудитор кредитларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ҳамда бухгалтерия балансида тўғри акс эттирилганлигини текширади. Текшириш натижалари умумлаштирилиб аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида қайд қилинади.

Корхоналар амалиётида кредит операцияларини ҳисобга олиш, кредит ресурсларидан фойдаланишда қуйидаги ноқонуний ёки чекланишларга йўл қўйилган бўлиши мумкин: кредит операциялари бўйича ҳужжатларнинг тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги, кредит фоизларини маҳсулот таннархига асоссиз қўшиш ҳоллари, кредит ҳисобига сотиб олинган мол-мулкларнинг харид қийматини асоссиз ошириб юбориш, бухгалтерия ҳисоби счётларида кредитлар билан боглиқ операцияларнинг нотўғри акс эттирилиши, кредитлардан мақсадсиз фойдаланиш ва бошқалар. Аудитор ушбу камчиликларни чуқур текшириб далилларга асосан хулосалар қилиши керак. Банк кредитларидан самарали фойдаланиш, уларни тўғри ҳисобга олиш ва доимий равишда назорат қилиб бориш хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигини таъминлайди.

**Таянч иборалар:**

Кредитларнинг мазмуни ва турлари. Қисқа муддатли кредитлар. Узоқ муддатли кредитлар. Банк кредитлари аудитнинг хусусиятлари. Кредитлар аудитнинг кетма-кетлиги. Кредитларнинг олинишини текшириш. Кредитлардан мақсадли фойдаланишни текшириш. Кредит фоизларининг аудити. Кредит операциялари ҳисобининг тўғрилигини текшириш.

# VIII БОБ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ АУДИТИ

## 8.1. Хусусий капитал ва молиявий натижалар аудитининг вазифалари

Турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятлари асосий ва айланма маблағларга бевосита боғлиқдир. Ушбу маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар ташкил қилингандан эътиборан фойдаланилади ва кўпайтирилиб борилади. Хўжалик маблағларининг муҳим манбаси хусусий капитал ҳисобланади. Капитал ўз навбатида ўзлик капитали, қўшилган капитал ва захира (резерв) капиталидан ташкил топади. Ушбу манбалар асосан корхона фаолиятидан олинган сўнгги молиявий натижа, яъни фойда ҳисобидан кўпайтирилиб борилади. Шунинг учун ҳам корхона хусусий капитали аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади.

Турли мулкдаги корхоналарнинг молиявий натижалари даромадларга ва харажатларга бевосита боғлиқдир. Корхоналардаги мавжуд ресурслар самарали фойдаланилиши керак. Акс ҳолда корхона фаолиятида юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун даромадлар, харажатлар уларнинг турлари ва келиб чиқиш манбалари доимий равишда назорат қилиб борилади. Шундай назорат турларидан бири аудиторлик назоратидир.

Хусусий капитал ва молиявий натижаларнинг аудити маълум хусусиятларга эга бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

– хусусий капитал ва молиявий натижаларнинг шаклланиши бир қанча кўрсаткичларга боғлиқ;

– молиявий натижа ҳисобот давридаги корхона фаолиятининг якуни ҳисобланади;

– корхонанинг фойда билан ишлаши ёки ҳисобот даврини зарар билан якунлаши молиявий натижаларни шакллантирувчи кўрсаткичларга бевосита боғлиқ бўлади;

– молиявий натижаларга олдиндан аниқ бўлмаган хавф-хатарлар, тасодифий ҳодисалар ўз таъсирни кўрсатади.

Аудитор юқоридаги хусусиятларга эътибор берган ҳолда хусусий капитал ва молиявий натижаларни экспертизадан ўтказиши керак.

Аудитнинг асосий вазифалари қуйидагиларга қаратилган:

– хусусий капиталнинг қонуний равишда ташкил қилинганлигини текшириш;

– хусусий капиталнинг кўпайиши ёки камайиши билан боғлиқ операцияларнинг тўғрилигини текшириш;

– молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тўғри ҳисобланганлигини текшириш;

– фойданинг тўғри ишлатилишини текшириш;

– хусусий капитал ва молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш;

– хусусий капитал ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг асослилиги ва тўғри тузилганлигини текшириш.

**Таянч иборалар**:

Хусусий капиталнинг моҳияти. Хусусий капиталнинг шаклланиши. Хусусий капитал аудитининг вазифалари. Молиявий натижаларнинг мазмуни. Молиявий натижалар аудитининг вазифалари.

## 8.2. Хусусий капиталнинг аудити

Аудитнинг муҳим объекти корхонанинг хусусий капитали, яъни ўз маблағлари ва уларнинг манбалари ҳисобланади. Аудитор тузилган шартномага асосан хусусий капиталнинг тўғри ташкил қилинганлигини, уни кўпайтирилишини текширади. Хусусий капитал қуйидаги тартибда ва кетма-кетликда аудит қилинади:

– хусусий капитални ифодаловчи бухгалтерия ҳисоби счётларидаги қолдиқларнинг тўғрилигини текшириш;

– устав капитали, қўшилган капитал ва резерв капиталининг қонуний ташкил бўлганлигини текшириш;

– корхона томонидан ажратилган давлат субсидиялари ва грантларининг тўғри фойдаланишини текшириш;

– махсус жамғармалар (фондлар)нинг тўғри ташкил этилишини текшириш;

– бухгалтерия ҳисоби счётларида хусусий капиталнинг тўғри ҳисобга олиб борилганлигини аудит қилиш;

– хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг асослилигини текшириш;

– хусусий капитал аудити натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришдан иборат.

Аудитор хусусий капитални текширишда корхона устави, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, бизнес-режадан кенг фойдаланади. Аудитор хусусий капиталнинг қолдиқларини текширганидан сўнг унинг таркибини, кўпайишини, фойдаланилишини аудит қилади.

Корхонанинг хусусий капитали бухгалтерия балансининг пассив қисми, биринчи бўлинмасида жойлашган бўлади. Хусусий капитал таркибига қуйидагилар киради: устав капитали, қўшилган капитал, захира (резерв) капитали, тақсимланмаган фойда, грантлар ва субсидиялар ва бошқа турдаги захиралар. Аудит жараёнида хусусий капиталнинг таркиби, унинг тўғри ташкил қилинганлиги ва бухгалтерия ҳисобида қонун талаблари асосида юритилиши текширилади.

Корхонанинг хусусий капитали қуйидаги счётларда акс эттирилган бўлади: 8510 – «Устав капитали (фонди) ҳисоби счётлари», 8520 – «Қўшилган капитал (фонди) ҳисоби счётлари», 8530 – «Захира (резерв) капитали ҳисоби счётлари», 8610 – «Сотиб олинган хусусий акциялар», 8710 – «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)», 8810 – «Грантлар ва субсидиялар (капитал)».

Аудитор даставвал мазкур счётларнинг қолдиқларини текширади. Хусусий капитал турларининг қолдиқлари ушбу счётларнинг кредитида (баланснинг пассив томонида) ифодаланган бўлиб корхонанинг ўз маблаглари манбаларини ифодалайди. Хусусий капиталнинг ҳаракати турлари бўйича «Молиявий ҳисобот»нинг 5-шакли «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»да ўз ифодасини топган бўлади. Аудитор ушбу маълумотларни жорий ҳисоб маълумотлари, яъни журнал-ордерлар (мемориал ордерлар), Бош китоб, оборот ведомостлари билан ўзаро солиштиради. Ушбу ҳужжатлардаги маълумотлар бир-бирига монанд бўлиши керак.

Аудитор 8510 – «Устав капитали (фонди) ҳисоби счётлари»ни қуйидаги счётлар орқали аудит қилади (мазкур счётнинг дебети ва кредити бўйича): 4710 – «Устав капитали (фонди)га улушлар

бўйича муассисларнинг қарзлари» (таъсисчиларнинг қўшган улушларини текширганда), 8710 – «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)» (фойданинг бир қисми устав капиталига ўтказилганда), 0100 – «Асосий воситалар ҳисоби счётлари» (асосий воситалар қайтириб олинмаслик шарти билан корхонага берилганда), 6620 – «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» (таъсисчиларга уларнинг улушлари қайтарилганда) ва бошқа счётлар.

Қўшилган капитал (8520 – счёт)нинг ҳаракати билан боғлиқ операциялар қуйидаги счётлар орқали аудит қилинади:

– 0610, 5810 – қайтириб бермаслик шарти билан (бепул) қимматбаҳо қоғозлар олинганда;

– 0110, 0192 – қайтариб бермаслик шарти билан асосий воситалар олинганда;

– 4710, 4890 – таъсисчиларнинг улуши тўланишидан олдин мулкларнинг ижобий курси фарқига;

– 8610, 8620 – қўшимча капитал маблағларининг қимматбаҳо қоғозлар қийматидаги фарқни қоплашга йўналтирилганда.

Корхоналар таъсис ҳужжатларига асосан маблағларнинг бир қисмини заҳира жамғармасини ташкил қилиш учун фойдаланишлари мумкин. Мазкур заҳира (8530 – счёт) корхона активларини кўпайтириш, фаолиятини кенгайтириш ва бозор муносбатларидан келиб чиқадиган хавф-хатарнинг олдини олишга мўлжалланган бўлади. Аудитор ушбу заҳиранинг тўғри ташкил этилиши ва мақсадли фойдаланишини 8530 – «Заҳира капитали ҳисоби счётлари» орқали текширади. Мазкур заҳиранинг ташкил этилиши ушбу счётнинг кредитида, ишлатилиши эса дебет томонида акс эттирилган бўлади. Шу мақсадларда 8530 – счётнинг кредити (0110, 0199, 0710, 0720, 0810, 0820 счётларнинг дебети) ва дебети (0110, 0199, 0610, 0690, 9560, 6610 счётларнинг кредити) чуқур текширилиб чиқилади.

Корхоналарнинг иқтисодий-ижтимоий мавқеи ва аҳамияти эътиборга олиниб давлат томонидан молиявий ёрдам (субсидия) берилиши мумкин. Ушбу маблағлар хўжалик юритувчи субъектларни молиявий томондан қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг 10-стандарти, яъни – «Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдами мазмуни» стандартида субсиядларнинг ҳисобга олиниш тартиби

келтирилган. Аудитор ушбу стандарт талаблари бўйича грантлар ва субсидияларнинг аудитини ўтказади. Давлат грантлари ва субсидиялари бухгалтерия ҳисобининг 8810 – «Грантлар ва субсидиялар (капитал)» счётида турлари бўйича ҳисобга олиб борилган бўлади. Грантлар ҳамда субсидияларнинг ташкил этилиши (олиниши) ва фойдаланиши қуйидаги счётлар орқали текширилади:

– грантлар ва субсидияларнинг ажратилиши – 4890 «Бошқа шахслар қарзлари» счёти орқали;

– грантлар, субсидияларнинг маблағ шаклида олинганлиги 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 5210 – «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 – «Хориждаги валюта счётлари» орқали текширилади.

Грантлар ва субсидиялар орқали олинган маблағлар корхона устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилганда 8511, 8512, 8513, 8523, 8530 счётлар кредитланган (кўпайган) бўлади. Шу мақсадларда аудитор ушбу счётларнинг кредитидаги ёзувларни обдан текшириб чиқади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаси хусусий капитални кўпайтиришга йўналтирилади. Заҳира капитали(фонди)ни кўпайтиришга ажратма қилинганда 8710 – «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти дебетланиб (камайиб) 8532 – «Заҳира капитали» счёти кредитланган (кўпайган) бўлади. Аудитор заҳира капиталининг фойда ҳисобидан тўғри ташкил этилганлиги ва мақсадли ишлатилганлигини 6610, 6620 ва бошқа счётлар орқали текширади. Текшириш натижалари умумлаштирилиб аудиторлик ҳисоботи ва хулосасига киритилади.

Корхонанинг устав капитали корхона зарар билан ишлаганда ёки банкротга учраганда камаяди. Капиталнинг камайиши 8510 – «Устав капитали» счётининг дебет томонида ифодаланган бўлади. Мисол учун, корхона ҳисобот йилини зарар билан якунлади. Ушбу зарар корхонага бевосита боглиқ бўлмаган сабаблар туфайли содир бўлган деб баҳоланди. Бундай ҳолда корхона Низоми, жамоа аъзоларининг (таъсисчилар, мулк эгаларининг) қарори асосида зарар хусусий капитал ҳисобидан қопланиши мумкин. Ушбу операцияларни аудитор қабул қилинган қарорлар, бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар, яъни 8510 – «Устав капитали» счётининг дебети ва 8700 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисоби счётлари»нинг кредитидаги ёзувлар орқали чуқур текширади. Аудит натижалари бўйича маълум хулосалар қилинади.

**Таянч иборалар:**

Хусусий капиталнинг шаклланиши. Хусусий капитал таркиби. Хусусий капитал кўпайишининг аудити. Хусусий капитал камайишининг аудити. Хусусий капитал тўғрисида ҳисоботнинг аудити.

## 8.3. Даромадларнинг аудити

Турли мулкдаги корхоналарнинг муҳим кўрсаттичи фойда ҳисобланади. Фойда иқтисодий категория сифатида барча даромадлар билан барча харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат. Фойданинг миқдори даромадларга бевосиста боғлиқдир. Аудитор даромадларни қуйидаги турлари бўйича текширади:

- маҳсулот (товар) реализациясидан олинган даромадлар;
- асосий фаолиятнинг бошқа операцияларидан олинган даромадлар;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулодда келиб чиққан даромадлар.

Даромадларнинг аудити қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом», бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг 2-стандарти: – «Асосий хўжалик фаолиятининг даромадлари», 3-стандарти: – «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», 4-стандарти: – «Товар-моддий захиралар» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Даромадлар аудити уларнинг турлари ва шаклланишига қараб ўтказилади. Аудитор даромадларнинг шаклланишини қуйидаги бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали текширади: 9000 – «Асосий (операциялар) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари», 9200 – «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счётлар», 9500 – «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари», 9700 – «Фавқулодда фойда (зарар)лар ҳисоби счётлари» 9800 – «Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиш ҳисоби счётлари», 9900 – «Якуний молиявий натижа» ва бошқа счётлар.

Асосий фаолиятдан даромадлар тайёр маҳсулотларни, товарларни сотишдан олинган даромадлар, сотилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлардан иборат. Ушбу даромадлар 9010 – «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 – «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 – «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счётларининг кредитида ва 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 5110 – «Ҳисоб-китоб» счётининг дебетида акс эттирилган бўлади. Нақд пулга сотилган товарлар, тайёр маҳсулотлардан олинган тушумлар эса бевосита 5010, 5020 счётларида ифодаланган бўлади. Реализациядан олинган даромадлар ой охирида якуний молиявий натижалар счётига ўтказилган бўлади. Шу мақсадларда аудитор 9010 – «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» (9020, 9030 счётлар бўйича ҳам) счётининг дебетидаги ёзувлар билан 9900 – «Якуний молиявий натижа» счётининиг кредитдаги ёзувларни ўзаро солиштириб кўради. Ушбу маълумотлар Бош китоб, оборот ведомостлари ва «Молиявий ҳисобот»даги 2-шакл: «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» кўрсаткичлари билан таққосланади. Даромадларнинг аудити жараёнида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, яъни асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар (9310 – счёт), бошқа активларни сотишдан олинган даромадлар (9320 – счёт), ўндирилган жарималар (9330- счёт), бошқа асосий фаолиятнинг даромадлари (9340, 9320 – счётлар бўйича) текширилиб чиқилади. Ўндирилган жарималар пул маблағларини ҳисобга олиб борувчи счётларда (5110, 5210, 5220) ифодаланган бўлади. Ой охирида ушбу даромадлар ҳам 9900 – «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилган бўлади. Аудитор ушбу операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигига эътиборини кучайтириши керак.

Корхоналар молиявий фаолиятдан ҳам даромад олади. Ушбу даромадларга корхона капиталини бошқа хўжалик юритувчи субъект фаолиятига жалб қилиш туфайли олинган даромадлар, фоизлар кўринишидаги даромадлар, лизинг операцияларидан олинган даромадлар, қимматбаҳо қоғозларга жалб қилинган маблағларнинг қайта баҳоланишидан олинган даромадлар, валюта счётидаги маблағларнинг ижобий курсидан олинган даромадлар ва бошқа молиявий фаолиятнинг даромадлари киради. Аудит жа-

раёнида ушбу даромадларнинг қонунийлиги 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560, 9590 счётлар орқали текширилиб чиқилади. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳам ой охирида 9900 – «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилган бўлади. Аудитор ушбу операцияларнинг тўғрилигини маълум ҳужжатларга асосан текширади.

Шундай қилиб турли мулкдаги корхоналарнинг даромадлари маълум кетма-кетликда аудит қилинади ва унинг натижалари аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулосасида ўз аксини топади (11-чизма).




**11-чизма. Даромадлар аудитининг кетма-кетлиги**

**Таянч иборалар:**

Даромадларнинг мазмуни. Даромадларнинг турлари. Даромадларнинг назорати. Даромадларнинг аудити. Аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.

## 8.4. Харажатларнинг аудити

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти бевосита харажатлар билан боғлиқ. **Харажат — бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодаланишидир.** Харжат-

ларнинг турлари ва моддалари корхоналарнинг фаолиятидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатлари асосан хом ашё, материаллар, ёқилғи, меҳнат ресурсларидан иборат бўлса, савдо фирмаларнинг аксарият харжатлари эса товарларни сотиб олиш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборат. Қурилиш ташкилотларининг харажатлари ўз навбатида янги объектларни қуриш, фаолият кўрсатаётган биноларни таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборат.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи бевосита харажатлар, ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Корхонадаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланилса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ва қиймати шунчалик паст бўлади. Бу ўз навбатида корхонанинг молиявий барқарорлигиға ижобий таъсир қилади. Шу боис харажатлар доимий равишда назорат қилиб борилиши керак. Харажатларнинг аудити натижасида ички имкониятлар, ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари аниқланади. Аудитор харажатларнинг иқтисодий мазмуни, таркиби ва уларнинг турларини чуқур билиши керак. Харажатларнинг турларини қуйидагича ифодалаш мумкин (12-чизма).




**12- чизма. Харажатларнинг турлари**

Иқтисодий ислоҳотлар туфайли харажатларнинг турлари ва таркиби ҳам такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Низомга асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи барча корхоналарнинг харажатлари қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

– маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;

– давр харажатлари;

– молиявий фаолият бўйича харажатлар;

– фавқулодда харажатлар (зарарлар).

Харажатларнинг турлари маълум моддалардан иборат бўлиб алоҳида ҳисобга олинади ва назорат қилиб борилади. Харажатлар аудит объекти сифатида ўрганилади, уларни пасайтириш йўллари белгиланади. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, корхоналар фаолиятида харажатларнинг асоссиз камайтирилиши кутилаётган натижаларни беравермаслиги мумкин. **Тадбиркорликни ривожлантириш, кўпроқ даромад (фойда) олишга қаратилган харажатлар ошиши керак.** Бу эса харажатлар аудити орқали аниқланади. Харажатлар аудитида маҳсулот таннархини аниқлаш алоҳида ўрин тутади.

Маҳсулот таннархини аудит қилишда қуйидагиларга эътибор берилади:

– маҳсулот таннархига киритилган хом ашё ва материалларнинг тўғри баҳоланиши ва ҳисобга олиниши;

– маҳсулот таннархи ва қийматининг корхона ҳисоб сиёсати ва солиқ қонунчилигига мос келиш-келмаслиги;

– маҳсулот таннархининг тўғри ҳисобга олиниши;

– ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилиши;

– тайёр маҳсулотларнинг тўлиқ кирим қилиниши ва сотишга тайёрлаш.

Маҳсулот таннархи тўғри ва ўзгарувчан харажатларга бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик ошиб бораверса маҳсулот таннархидаги ўзгарувчан харажатларнинг ҳиссаси ҳам шунчалик ошиб бораверади [19, 163б.] (13-чизма). Шунинг учун маҳсулот таннархи аудит қилинганда корхонанинг «Бизнес-режа»сига, «Ишлаб чиқариш дастури»га, «Харажатлар сметаси»га, «Режали (ҳақиқий) калькуляция»га алоҳида эътибор берилади. Маҳсулот таннархи сарф қилинаётган хом ашё ва матерал-

лар, улар бўйича белгиланган нархларга бевосита боғлиқдир. Аудитор хом ашёлар бўйича белгиланган баҳоларнинг «ЛИФО», «ФИФО» ва «Ўртача нарх» усулларига алоҳида эътибор бериши керак.

**Ўзгарувчан харажатлар — бу маҳсулот ҳажмига нисбатан пропорционал ўзгарадиган харажатлардир.**

Мисол: Саноат ишлаб чиқаришдаги хом ашёнинг харажати




**13-чизма. Ўзгарувчан харажатларнинг маҳсулот ҳажмига боғлиқлиги**

Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ҳажмига бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳам мавжуд. Мисол учун, ишлаб чиқаришни хом ашё, матераллар билан таъминлаш билан боглиқ харажатлар, ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг ишлаш ҳолатини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар, асосий воситаларни ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг техника хафсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Ушбу харажатларнинг ҳажми маълум даврда маҳсулот ҳажми ўзгарганда ҳам ўзгармайди. Ушбу харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажми билан ўзаро боғлиқлигини қуйидаги чизмада кўриш мумкин [19, 164 б.] (14-чизма):

**Доимий харажатлар – бу маълум давр ичида маҳсулот ҳажми ўзгарганда ҳам ўзгармайдиган харажатлардир.**

Мисол: Ижара ҳақи маҳсулот ҳажми ўзгарганда ҳам ўзгармай қолади.




**14-чизма. Доимий харажатларнинг маҳсулот ҳажми билан ўзаро боғлиқлиги**

Аудитор маҳсулот таннархи билан боғлиқ бўлган харажатларни асосан қуйидаги бухгалтерия ҳисоби счётлари орқали текширади:

2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» (Ушбу счётнинг дебетида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар акс эттирилган бўлади);

2310 – «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;

2510 – «Умумишлаб чиқараш харажатлари»;

2610 – «Ишлаб чиқаришдаги брак»;

1000 – «Матераллар ҳисоби счётлари»;

2810 – «Омбордаги тайёр маҳсулот»;

9110 – «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» ва бошқа счётлар.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш танннархини шакллантирувчи харажатлар 0200, 1210, 1310, 1610, 5110, 5010, 5210, 6010, 6710, 6870, 6890 ва бошқа счётлардаги ёзувлар орқали аудит қилинади. Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар 2810 – «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётнинг дебетидаги ва 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг кредитидаги ёзувларни ўзаро солиш-

тириб кўриш орқали аудит қилинади. Аудитор ишлаб чиқариш харажатларини алоҳида моддалари бўйича таҳлил қилиб уларга таъсир этувчи омилларии аниқлайди, маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган тавсиялар беради.

**Корхона фаолиятини бошқариш, маҳсулотларни сотишга тайёрлаш ҳамда сотиш билан боғлиқ харажатлар давр харажатларини ташкил қилади.** Давр харажатлари таркиби қабул қилинган Низомга асосан қуйидаги харажатларни ўз ичига олади (15- чизма):




**15-чизма. Давр харажатларининг гуруҳланиши**

Давр харажатлари аудити Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисидаги Низоми ҳамда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг 4 – «Товар-моддий заҳиралар» стандарти асосида амалга оширилади.

Давр харажатлари турларига қараб 9400 – «Давр харажатлари ҳисоби счётлари»да (9410–9450- счётлар) акс эттирилиб борилади. Аудитор давр харажатларининг шаклланиши ва «Якуний молиявий натижа» счётига тўғри олиб борилганлигини қуйидаги счётлар орқали текширади:

9410 – «Сотиш харажатлари»;

9420 – « Маъмурий харажатлар»;

9430 – «Бошқа операцияларнинг харажатлари»;

9440 – «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегариладиган ҳисобот даври харажатлари»;

9450 – «Ёрдамчи хўжаликлар» ва бошқа счётлар.

Ушбу счётларнинг дебетидаги ёзувлар давр харажатларининг шаклланишини билдиради. Аудитор давр харажатларининг шаклланишини 5110,

6010, 4210, 6710, 5010, 6520, 0200, 1310, 6890, 9210, 6410 ва бошқа счётлардаги ёзувлар (ушбу счётларнинг кредитидаги ёзувлар) орқали текширади. Ой тугагандан сўнг барча давр харажатлари 9900 – «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилган бўлади (давр харажатларини ҳисобга олиб борувчи счётларда қолдиқ қолмайди). Аудит жараёнида давр харажатлари алоҳида моддалари бўйича текширилиб маълум хулосаларга келинади.

**Корхонанинг молиявий фаолиятидан келиб чиқадиган харажатлари фоиз кўринишидаги харажатлар, курс фарқларидаги зарарлар ҳамда бошқа турдаги молиявий фаолият харажатларидан иборат.** Аудитор ушбу харажатларнинг тўғрилигини 9600–«Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счётлари» орқали текширади. Мазкур счёт 6820, 7510, 6920, 5210, 0610, 4620 ва бошқа счётлар билан корреспонденцияда бўлиб ой охирида 9900 – «Якуний молиявий натижа» счёти билан ёпилади. Аудитор ушбу счётлардаги ёзувларнинг қонун талабларига мос келиш-келмаслигини текширади. Харажатлар аудитининг кетма-кетлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (16- чизма):

Харажатлар аудити натижалари аудиторлик ҳисоботи ва хулосасига киритилади.




**16-чизма. Харажатлар аудитининг кетма-кетлиги**

**Таянч иборалар:**

Харажатларнинг мазмуни. Харажатларнинг турлари. Маҳсулот таннархининг аудити. Давр харажатларининг аудити. Молиявий фаолият харажатларининг аудити. Бошқа турдаги харажатларнинг аудити.

## 8.5. Фойда (зарар)нинг аудити

Фойда ҳар бир корхонанинг муҳим сифат кўрсатгичи ҳисобланади. Фойдадан солиқ тўланади, устав капиталига ажратмалар қилинади. Фойда иқтисодий категория сифатида хўжалик юритувчи субъектга қарашли маблағнинг ошишини ифодалайди. Фойда корхонанинг сифат кўрсатгичи ҳисобланади. Фойда барча даромадлар билан барча харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат:

Фойда = Пул тушуми (даромад) − Харажатлар

Фойда миқдори нархга нисбатан тўғри муносибликда, харажатларга нисбатан эса тескари муносибликда бўлади. Қабул қилинган «Харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисидаги Низом»га асосан корхоналарнинг фойдаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

- мҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда;
- аосий фаолиятнинг фойдаси;
- хўжалик фаолиятидан олинган фойда;
- слиқ тўлангунгача олинган фойда;
- йилнинг соф фойдаси.

Фойданинг асосий манбаси – бу корхонанинг асосий фаолияти натижасидир. Фойдани кўпайтириш барча корхоналарнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Фойда туфайли корхона фаолияти кенгаяди, ўзаро ҳисоб-китоблар вақтида амалга оширилади, ишчи-хизматчилар қўшимча моддий рағбатлантирилади. Фойда

кўрсаткичи таъсисчилар, мулк эгалари, давлат бюджети ва банк томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади. Фойда аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади. Аудитор тузилган шартномага асосан фойданинг тўғри ҳисобланганлигини, йил давомида қонун талаблари асосида ишлатилганлигини текширади. Бундай текширув 8710 – «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)», 9900 – «Якуний молиявий натижа» ва бошқа счётлар орқали амалга оширилади.

Аудитор фойда кўрсаткичининг тўғри ҳисобланганлигини қуйидаги операциялар орқали текширади:

- даромад турлари бўйича операциялар;
- харажат турлари бўйича операциялар;
- йил давомида ишлатилган фойда бўйича операциялар.

Фойданинг аудити 9900 – «Якуний молиявий натижа» счётидаги бухгалтерия ёзувларини текшириш орқали амалга оширилади. Бундай текширув тартибини «Умид» ишлаб чиқариш фирмаси мисолида кўриб чиқамиз. Ҳисобот даври бўйича фирманинг 9900 – «Якуний молиявий натижа» счётида қуйидаги ёзувлар бўлган:

ДТ 9900 – «Якуний молиявий натижа» КТ

| | |
|---|---|
| Қолдиқ -<br>2) 850000-00<br>4) 450000-00<br>5) 150000-00<br>7) 50000-00 | Қолдиқ -<br>1) 1500000-00<br>3) 750000-00<br>6) 100000-00<br>8) 50000-00 |
| Об. 1500000-00 | Об. 2400000-00<br>Қол. 900000-00 |

Корхонанинг ҳисобот давридаги барча даромадлари 2400.0 минг сўм, барча харажатлари 1500.0 минг сўм, фойдаси эса 900.0 минг сўм бўлган. Ушбу кўрсаткичдан солиқ тўланиши керак. Солиқ суммаси йил давомида 9810, 6410,5110 счётларда акс эттирилиб борилган. Аудитор йил бўйича ҳисобланган фойда солиғини қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали текшириб чиқади. Йил давомида ҳисобланган ва тўланган фойда солиғи:

| Дт | Кт | Сумма |
|---|---|---|
| 9810 | 6410 | 500000-00 |
| 6410 | 5110 | 500000-00 |

Йил якуни бўйича қўшимча ҳисобланган фойда солиғи қуйидаги ёзувлар орқали текширилади:

| Дт | Кт | Сумма |
|---|---|---|
| 9900 | 6410 | 52000-00 |
| 6410 | 5110 | 52000-00 |

Ушбу операцияларнинг солиқ қонунчилигига мослиги аудитор томонидан чуқур ўрганилади. Бунинг учун «Молиявий ҳисобот» даги махсус жадвал – «Молиявий натижалар тўғрисида»ги маълумотлардан кенг фойдаланилади. Корхона фойдасидан тўланган солиқнинг тўгрилигини текшириш учун аудитор махсус жадвал тузади. Буни «Умид» фирмаси мисолида ҳисобот даври учун кўриб чиқамиз (5-жадвал):

5- жадвал

**«Умид» ишлаб чиқариш фирмасинннг ҳисобот давридаги фойдаси ва солиғи аудити натижалари**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Корхона маълумотлари бўйича | Аудитор маълумотлари бўйича | Фарқи (+;-) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Корхонанинг умумий фойдаси | минг сўм | 2800,0 | 2800,0 | - |
| 2 | Солиққа тортилмайдиган фойда | минг сўм | 500,0 | 200,0 | +300,0 |
| 3 | Солиққа тортиладиган фойда | минг сўм | 2300,0 | 2600,0 | -300,0 |
| 4 | Фойда солиғи ставкаси | % | 24 | 24 | - |
| 5 | Солиқ суммаси | минг сўм | 552,0 | 624,0 | +72,0 |
| 6 | Бўнак шаклида тўланган солиқ | минг сўм | 500,0 | 500,0 | - |
| 7 | Тўланиши керак бўлган фойда солиғи | минг сўм | 52,0 | 124,0 | +72,0 |
| 8 | Тўланган дивидендлар | минг сўм | 30,0 | 30,0 | - |
| 9 | Йилнинг соф фойдаси | минг сўм | 2318,0 | 2146,0 | -172,0 |

Фойда кўрсаткичининг аудити натижасида қуйидагилар аниқланган: фирма маълумотлари бўйича солиққа тортилмайдиган фойда 300,0 минг сўмга кўп қилиб кўрсатилган. Натижада солиққа тортиладиган фойда 300,0 минг сўмга кам бўлган. Фирма қўшимча 72,0 минг сўм фойда солиғини ва солиқ қонунчилигида белгиланган жарималарни бюджетга тўлаши керак бўлади.

Аудит жараёнида молиявий натижалар бўйича кўрсаткичлар (даромадлар, харажатлар, фойда) «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл), «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4-шакл), «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (5-шакл) маълумотлари билан ўзаро таққослаш йўли билан текширилиб кўрилади.

Корхонага келиб тушган ва сарфланган пул маблағлари «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»да ифодаланса, даромадлар, харажатлар, фойда кўрсаткичлари эса «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботда ўз аксини топган бўлади. Бюджетга тўланиши керак бўлган ва тўланган солиқлар 2-шаклга илова қилинган махсус маълумотномада келтирилади.

Аудитор ушбу ҳужжатлардаги маълумотларни бухгалтерия ҳисобининг жорий (аналитик) маълумотлари билан ўзаро таққослаб текширади. Аудитор ҳисобот йилидаги соф фойданинг тақсимланишини (зарарнинг ёпилишини) қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали текширади:

| Дт | Кт | Сумма |
|---|---|---|
| 8710 | 8532 | 1474000-00 |
| 8532 | 8710 | (зарар суммаси) |

Хусусий капитал ва молиявий натижаларни аудит қилиш жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинади ва тегишли тавсиялар берилади. Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонанинг мулкий ҳолати;
- корхона балансининг ликвидлиги;
- корхонанинг тўлов қобилияти;
- корхонанинг молиявий барқарорлиги;
- корхонанинг молиявий натижалари;
- корхонанинг рентабеллик даражаси.

Молиявий натижа – ҳисоб давридаги фойда ёки зарардир. Рентабеллик – самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Аудитор молиявий натижани (фойда ёки зарарни) текшириш жараёнида харажатлар таркибининг фойда (зарар) кўрсаткичига таъсирини аниқлаши керак. Маълумки, доимий ва ўзгарувчан харажатлар

ишлаб чиқариш фирмаларида турлича бўлиб улар фойда кўрсаткичига ўз таъсирини кўрсатади. Аудит жараёнида ушбу кўрсаткичларни хўжалик юритувчи субъектлар бўйича таққослаб таҳлил қилиш ижобий натижаларни беради. «Умид» ва «Феруз» фирмаларининг шартли мисоллари асосида харажат турларининг фойда кўрсаткичига таъсирини аниқлаш маълум натижаларни берди (6-8 жадваллар).

**6-жадвал**

**Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг корхона (фирма) фойдасига таъсири (1)**

| Кўрсаткичлар | «Умид» фирмаси | «Феруз» фирмаси |
|---|---|---|
| Оборот (тушум) | 1000,0 | 1000,0 |
| Ўзгарувчан харажатлар | 300,0 | 100,0 |
| Доимий харажатлар | 100,0 400,0 | 300,0 400,0 |
| Фойда | 600,0 | 600,0 |

**7-жадвал**

**Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг корхона (фирма) фойдасига таъсири (2)**

| Кўрсаткичлар | «Умид» фирмаси | «Феруз» фирмаси |
|---|---|---|
| Оборот (тушум) | 2000,0 | 2000,0 |
| Ўзгарувчан харажатлар | 600,0 | 200,0 |
| Доимий харажатлар | 100,0 700,0 | 300,0 500,0 |
| Фойда | 1300,0 | 1500,0 |

**8-жадвал**

**Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг корхона (фирма) фойдасига таъсири (3)**

| Кўрсаткичлар | «Умид» фирмаси | «Феруз» фирмаси |
|---|---|---|
| Оборот (тушум) | 500,0 | 500,0 |
| Ўзгарувчан харажатлар | 150,0 | 50,0 |
| Доимий харажатлар | 100,0 250,0 | 300,0 350,0 |
| Фойда | 250,0 | 150,0 |

Харажатлар аудити шуни кўрсатдики ўзгарувчан ва доимий харажатлар фирмаларнинг якуний молиявий натижаларига турлича таъсир кўрсатган. Аудитор текширув жараёнида ушбу омилларни аниқлаб маълум тавсиялар бериши керак. Шундай қилиб фойда (зарар)нинг аудити барча сифат кўрсаткичларни ўз ичига олиб маълум кетма-кетликда амалга оширилади (17-чизма).




**17-чизма. Молиявий натижалар аудитининг кетма-кетлиги**

Корхона фойдаси муҳим сифат кўрсаткичлардан бўлиб ресурслардан самарали фойдаланганликни ифодалайди. Олинган фойда миқдорига қараб активларнинг рентабеллигини билиш мумкин. Активларнинг рентабеллик даражалари қуйидаги тартибда аниқланади (18-чизма). Аудит жараёнида активларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси таҳлил қилинса фойдани янада оширишга қаратилган асосли тавсиялар ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши корхоналар фаолиятини халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган кўрсаткичлар орқали баҳолашни тақозо қилади. Шундай

кўрсаткичлардан бири корхонанинг маржинал фойдасидир. Молиявий натижалар аудити жараёнида мазкур кўрсаткични аниқлаш ва унга баҳо бериш муҳим ҳисобланади.

| | | |
|---|---|---|
| Активларнинг рентабеллиги (АР) | = | Соф фойда (СФ) / Активларнинг ўртача йиллик қиймати (А) |
| Реализациянинг рентабеллиги (РР) | = | Соф фойда (СФ) / Реализациядан олинган тушум (РОТ) |
| Бир акциянинг фойдалилиги (АФ) | = | Соф фойда (СФ) / Муомаладаги акциялар (МА) |
| Асосий воситаларнинг рентабеллиги (АВР) | = | Соф фойда (СФ) / Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати |
| Капиталнинг рентабеллиги (КР) | = | Соф фойда (СФ) / Капиталнинг ўртача йиллик қиймати (КЎҚ) |

**18-чизма. Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари**

Корхонанинг маржинал фойдасини аниқлаш учун ялпи даромаддан ўзгарувчан харажатлар олиб ташланади. Чиққан натижа эса маржинал фойдани беради. Ушбу кўрсаткичдан доимий харажатлар олиб ташлангандан сўнг эса корхона ихтиёридаги фойда қолади. Маржинал фойда тамойилининг мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин (19-чизма).

Ушбу тамойил асосида халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган харажатлар ҳисобининг «Директ-костинг» усули ётади. Мазкур усулнинг афзаллиги шундан иборатки аудитор харажатлар ва молиявий натижаларни текширганда маҳсулот реализациясидан тушган тушумларда ўзгарувчан харажатларнинг салмоғини, уларни пасайтириш ҳамда маржинал фойдани

кўпайтиришга қаратилган асосли тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Фойда кўрсаткичнинг аудити натижалари аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида ўз аксини топади.




**19-чизма. Маржинал фойдани аниқлаш тартиби**

## Таянч иборалар:

Молиявий натижанинг моҳияти. Фойданинг шаклланишини аудит қилиш. Фойданинг ишлатилишини аудит қилиш. Маржинал фойда ва унинг аудити. Аудит натижаларини расмийлаштириш.

# IX БОБ. ҲИСОБ СИЁСАТИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ АУДИТИ

## 9.1. Ҳисоб сиёсатининг аудити

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисоби маълум тартибда ташкил этилади ва юритилади. Ҳисобнинг самарадорлиги хўжалик юритувчи субъектнинг «Ҳисоб сиёсати»га бевосита боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби корхоналар фаолиятини фақатгина назорат қилиш усули бўлибгина қолмасдан, балки иқтисодий муносабатларни ва тадбиркорликни ривожлантириш воситаси ҳамдир. Шу боис ҳар бир корхонада бозор иқтисодиёти талабларига мос ва хос «ҳисоб сиёсати» ишлаб чиқилади. Ушбу «сиёсат» ҳам мулкдорнинг, ҳам мулкдан фойдаланувчининг, ҳам давлат манфаатларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

**Ҳисоб сиёсати – бу қабул қилинган ҳуқуқий нормалар асосида қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усулларини акс эттирувчи ҳамда назоратини таъминловчи ҳужжатлар мажмуаси ва уларга амал қилишдир.** Ҳисоб сиёсати аудитнинг муҳим объектларидан ҳисобланади. Тузилган шартномага асосан корхонанинг ҳисоб сиёсатини аудит қилиш орқали аудитор қуйидаги масалаларга аниқлик киритади:

– ҳисоб сиёсатининг асослилиги, унинг қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мослиги;

– ҳисоб сиёсатининг молия-кредит ва солиқ сиёсатига мослиги;

– ҳисоб сиёсатининг мулкдорлар, мулкдан фойдаланувчилар ва давлат манфаатларига мослиги;

– ҳисоб сиёсатининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятини, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилганлиги;

– корхона фаолиятида ҳисоб сиёсати тамоилларига қай даражада амал қилинганлигини ўрганиш.

Ҳисоб сиёсатини аудит қилишда қонун ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, аудит стандартлари, корхона низоми ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараёнда аудитор Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоб тўғрисида»ги Қонунидан, Солиқ Кодексидан, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларндан, яъни «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» стандартидан, корхона буйруги билан тасдиқланган «Ҳисоб сиёсати» ҳужжатидан кенг фойдаланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати қуйидаги кетма-кетликда аудит қилинади (20-чизма):




**20-чизма. Ҳисоб сиёсати аудитининг кетма-кетлиги**

Корхоналарнинг ҳисоб сиёсати қабул қилинган қонун ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилиб махсус буйруқ билан тасдиқланган бўлади. Аудитор ушбу буйруқнинг мавжудлиги, ҳисоб сиёсатининг нечоғлик аосланганлигини текширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли бухгалтерия ҳисобининг биринчи стандарти талабларига кўра турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби қуйидаги шаклларнинг бирида ташкил этилган бўлади:

– бош бухгалтер раҳбарлигида махсус бухгалтерия хизмати (бўлими) ташкил этилади (катта корхоналарда);

– корхонадаги бухгалтерия ишини юқори ташкилотнинг бухгалтерияси олиб бориши мумкин;

– бухгалтерия ишини шартнома асосида четдан жалб қилинган бухгалтерия хизматини кўрсатувчи шахслар олиб боришлари мумкин ( кичик корхоналарда);

– корхонада бухгалтерия ишини раҳбарнинг ўзи юритиши мумкин (асосан, хусусий корхоналарда).

Аудитор ҳисоб сиёсатининг мазмуни ва таркиби билан танишганда қуйидагиларга эътибор бериши керак: корхонанинг мулкий даҳлсизлиги, хўжалик маблағлари ва мажбуриятларининг тўғри баҳоланганлиги, ҳисоб сиёсатининг ахборот истеъмолчилари талабларига нечоғлик мослиги, ҳисобнинг қабул қилинган қоидаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда юритилиши.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби қуйидаги қоидаларга амал қилган ҳолда олиб борилиши лозим: ҳар бир операция албатта ҳужжатлаштирилган бўлиши ва бухгалтерия ҳисоби счётларида иккиёқлама ёзув усулида ифодаланган бўлиши шарт. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари узлуксиз ва доимий равишда тўғри ва аниқ акс эттирилган бўлиши, мазмуннинг шаклдан устунлиги таъминланиши, корхона фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар қиёслашга мос бўлиши, даромадлар ва харажатлар, албатта шу даврга тааллуқли бўлиши керак. Корхонада вақт-вақти билан моддий бойликлар, мажбуриятлар инвентаризация қилиниб турилиши керак. Бухгалтерия ҳисоби орқали бозор иқтисодиёти туфайли келиб чиқиш эҳтимоли мавжуд бўлган хавф-хатарлар (риск) олдиндан сезилиши ва эҳтиёткорлик билан иш юритилиши керак.

Аудитор корхонада товар-моддий бойликлар, пул-валюта маблағлари, мажбуриятларнинг ҳужжатлаштирилиши, ички назоратнинг ҳолати билан яқиндан танишади. Ҳужжатларга имзолар бунга ҳуқуқи бор бўлган шахслар томонидан қўйилан бўлади. Ҳисоб регистрларидаги мавжуд хатолар қабул қилинган қоидаларга асосан тузатилган бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисобида қўлланилалиган счётлар тизимн, журналлар, қайдномалар, китоблар, машинограммаларнинг шакллари олдиндан тасдиқланган бўлиши лозим. Ушбу ҳужжатларнинг шакл ва мазмуни бухгалтерия ҳисоби миллий

стандартларига мос келиши керак. Корхонанинг даромадлари, харажатлари ва сўнгги молиявий натижалари, тўланган вақти ва келиб тушиш санасидан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, шу ҳисобот даврида акс эттирилган бўлиши лозим.

Корхонада содир бўлган барча операциялар маълум тартибда умумлаштирилиб борилган бўлади ва манфаатдорларга ҳисобот шаклида тақдим этилади. Молиявий ва солиқ ҳисоботлари белгиланган шаклларда ва муддатларда тузилади. Аудитор ушбу ҳисоботларнинг мазмунини, тўлиқ ва асосли тузилганлигини текширади. Йиллик молиявий ҳисоботларнинг маълумотлари жорий ҳисоб маълумотларига мос келиши, синтетик ва аналитик ҳисоб кўрсаткичлари бир-бирига монанд бўлиши керак.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларнинг молиявий ҳисоботлари соддалаштирилган шаклда тузилган бўлади. Ҳисоботларда банк кредитлари ва солиқлар бўйича мажбуриятлар алоҳида ифодаланади. Аудитор ушбу кўрсаткичларнинг ҳаққонийлиги ва асослилигига алоҳида эътибор бериши керак. Молиявий ҳисоботлар манфаатдорларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этилган бўлади. Аудит жараёнида молиявий ҳисоботнинг тўғри тузилганлиги ва тақдим этилганлиги текширилади.

Аудитор хўжалик юритувчи субъектларнинг «Ҳисоб сиёсати»ни текширганда бухгалтерия ҳисобининг корхона молиявий-хўжалик фаолиятига мослигини аниқлайди.

**Таянч иборалар:**

Турли мулкдаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши. Корхонанинг ҳисоб сиёсати. Бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асослари. Ҳисоб сиёсатининг текширилиш тартиби.

## 9.2. Молиявий ҳисобот аудитининг хусусиятлари ва вазифалари

Бозор муносабатлари шароитида турли мулкка асосланган корхоналарнинг сони тобора ошиб боради. Бунинг асосий сабаби олдинги давлат мулкининг хусусийлаштирилиши ва тадбиркорликнинг ривожлантирилишидир. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида давлат корхоналари билан бир қаторда акционерлик жа-

миятлари, ширкатлар, ижара, кичик корхоналар ҳамда қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Юридик ҳуқуққа эга бўлган ушбу хўжалик юритувчи субъектлар мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб рақамларига эга. Улар бошқа корхона ва фирмалар билан шартномалар тузиб мустақил равишда ўзаро ҳисоб-китобларни юритмоқдалар.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларга асосан ҳар бир корхона молиявий ҳисобот тузиши ва тақдим этиши кўзда тутилган. Молиявий ҳисобот турли мулкка асосланган корхоналар фаолиятларини ҳисобга олишнинг якунловчи босқичи бўлиб, ҳисобот давридаги мулкий ва молиявий ҳолатнинг, хўжалик юритиш натижаларининг йиғиндиси ҳисобланади. Ҳисобот маълумотларига асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари ва мажбуриятларига баҳо берилади, корхонанинг молиявий барқарорлиги аниқланади. Ушбу маълумотлар «молиявий ресурслар, уларни жойлаштиришнинг оқилоналиги, улардан фойдаланиш самарадорлиги, ўз айланма ва асосий воситаларни сақлаш ҳамда кўпайтиришни, эришилган натижаларни баҳолашда жуда муҳимдир» [25, 6 б.].

Иқтисодиётимиздаги мулкий ўзгаришлар, халқаро андозаларнинг жорий этилиши бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг турлари ҳамда мазмунига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Эндиликда ҳисоботлар мулк шаклларига қараб бирмунча ихчамлаштирилди, корхоналарнинг кўрсаткичлари эса соддалаштирилган. Республикамизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожлантирилиши, чет эл инвестицияларининг мамлакатимиз иқтисодиётига тезкорлик билан кириб келиши молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва аниқлигига бўлган талабларни янада оширмоқда. Бу ўз навбатида молиявий аудитнинг мавқеини кўтарди ва янада долзарб қилиб қўйди.

Молиявий ҳисоботнинг аудити маълум хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

– аудит жараёнида молиявий ҳисобот алоҳида тарзда ёки корхонанинг бошқа операциялари (кўрсаткичлари) билан бир вақтнинг ўзида текширилиши мумкин;

– молиявий ҳисобот корхона ҳисоб сиёсатининг якунловчи қисми ҳисобланади, шунинг учун молиявий ҳисобот аудитининг

самарадорлиги бошқа кўрсаткичлар аудити натижаларига бевосита боғлиқ бўлади;

– молиявий ҳисобот аудити аниқ ва маълум даврни ўз ичига олади, ушбу давр ҳисобот турига (жорий, йиллик ҳисоботларга) бевосита боғлиқдир;

– молиявий ҳисоботларнинг таркиби мулк шакллари, корхоналарнинг турларига қараб мазмунан фарқ қилади;

– молиявий ҳисоботнинг аудити молиявий натижалар аудити билан бевосита олиб борилади ва бир-бирини тўлдириб боради.

Аудитор аудит жараёнида ушбу хусусиятларни эътиборга олиши керак.

Молиявий ҳисобот аудитининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– молиявий ҳисоботнинг корхона ҳисоб сиёсатига мослигини текшириш;

– молиявий ҳисобот тури ва таркибининг бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларига (стандартларига) мослигини аниқлаш;

– молиявий ҳисоботнинг жорий ҳисоб маълумотларига монандлигини текшириш;

– ҳисобот маълумотларининг «Бизнес-режа» кўрсаткичларига тўғри келишини аниқлаш;

– молиявий ҳисоботларнинг белгиланган муддатларда тузилиши ва тақдим этилишини текшириш;

– ҳисобот маълумотларидан ички ва ташқи ахборот истеъмолчилари томонидан самарали фойдаланишини таҳлил қилишдан иборат.

Ушбу вазифалар молиявий ҳисобот таркибини кетма-кет аудит қилиш орқали амалга оширилади.

**Таянч иборалар:**

Молиявий ҳисоботнинг моҳияти ва аҳамияти. Молиявий ҳисоботнинг турлари ва таркиби. Молиявий ҳисобот аудитининг хусусиятлари. Молиявий ҳисобот аудитининг асосий вазифалари.

## 9.3. Бухгалтерия балансининг аудити

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи ва унинг таркиби аудитнинг муҳим объектларидандир. Шуни ҳам эътироф этиш жойиздирким, меъёрий ҳужжатларда, махсус адабиётларда молиявий ҳисоботнинг аудити масалалари умумий тарзда ёритилган, холос. Ҳисобот кўрсаткичларини назорат қилишда аудиторлик хизматидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий ҳисоботнинг шакли ва таркиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган бўлиб 1997 йил 15 январда тасдиқланган «Корхоналарнинг чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот шаклларини тўлғазиш бўйича кўрсатмаси»га асосланади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунинг 16, 17, 18, 19, 20 ва 21 моддаларида молиявий ҳисоботнинг таркиби, тузилиши ва тақдим этилиши кенг ифодаланган [5]. Амал қилинаётган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидаги (андозаларидаги) биринчи андозаси ҳам «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» деб номланган [15]. Мазкур андозага мувофиқ ҳар бир корхона ўзининг «Ҳисоб сиёсати»ни ишлаб чиқиши ва унга ҳуқуқий мақом бериш мақсадида уни тасдиқлаши керак. Ушбу сиёсат иқтисодиётимизнинг бозорга ўтиш тамойилларига, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро андозалари ҳамда солиқ сиёсати талабларига мос келиши керак. Молиявий ҳисоботнинг муҳим таркибий қисми бухгалтерия баланси ҳисобланади. Бухгалтерия балансида корхонанинг мол-мулклари, молиявий ресурслари ҳамда мажбуриятлари пулда ифодаланган бўлади.

Аудитор бухгалтерия балансини қуйидаги тартибда ва кетма-кетликда аудит қилади:

- баланс таркиби ва моддалари билан танишиш;
- баланс суммаларининг тўғрилигини текшириш;
- баланс тузишга асос бўлган ҳисоб регистрларини текшириш;
- баланс қолдиқлари билан жорий ҳисоб маълумотларини таққослаш;
- баланс маълумотлари билан молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларидаги маълумотларни текшириш;
- аудит натижалари бўйича хулосалар қилиш.

Аудитор шунга иқрор бўлиши керакки, йиллик бухгалтерия баланси тузилишидан олдин барча хўжалик операциялари тўғри ҳужжатлаштирилган, жараёнлар бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ акс эттирилган, мол-мулкларнинг ҳақиқий қолдиқлари инвентаризация қилинган, дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг миқдори ва таркиби ўрганилган, умидсиз қарзлар бўйича маълум хулосалар қилинган бўлиши керак. Ушбу масалаларга аниқлик киритилгандан сўнг аудитор бухгалтерия балансининг таркибини текширишга киришади. Балансининг аудити даставвал унинг актив ва пассив томонларидаги суммаларининг тўғрилигини текширишдан бошланади. Баланснинг актив қисмида хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ ва қисқа муддатли активлари, пассив қисмида эса ўз маблағларининг манбалари ва мажбуриятлари ифодаланган бўлади. Йиллик бухгалтерия балансида ушбу кўрсаткичлар йил бошида ва охирида кўрсатилади. Баланснинг актив ва пассив томонларидаги суммалар бир-бирига мос келиши, яъни «баланс» бўлиши керак. Агар текшириш пайтида фарқ чиқса аудитор унинг сабабларини аниқлайди.

Аудитор балансдаги активлар, уларнинг манбалари ва мажбуриятларининг тўғри баҳоланганлигига алоҳида эътибор бериши керак. Меъёрий ҳужжатларга асосан корхонанинг асосий воситалари, номоддий активлари бошланғич баҳода, товар-моддий заҳиралар ҳақиқий таннархида, мажбуриятлар эса ҳисоб баҳосида акс эттирилган бўлиши керак. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва фирмалардаги товарлар чакана нархиларда кўрсатилади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари томонларнинг ўзаро келишилган (тан олинган) қийматларида ифодаланади. Аудитор бундай текширувларни ўтказганидан сўнг бухгалтерия балансининг таркибини экспертизадан ўтказади. Жумладан, баланснинг актив қисмидаги «Узоқ муддатли активлар», «Айланма активлар», пассив қисмидаги «Ўз маблағларининг манбалари», «Мажбуриятлар» бўлимларининг суммалари текширилади. Ушбу бўлимлар, уларнинг моддаларидаги суммалар ҳамда баланс суммаси ўзаро тенг ва бир-бирига монанд бўлиши керак. Қуйида бухгалтерия баланси аудитини «Умид» ишлаб чиқариш фирмасининг шартли йиллик маълумотлари асосида кўриб чиқамиз (9-жадвал):

9-жадвал

**«Умид» ишлаб чикариш фирмасининг йиллик бухгалтерия баланси аудити натижалари**

(минг сўм)

| Актив | Йил бошида | Йил охирида | Пассив | Йил боши-да | Йил охирида |
|---|---|---|---|---|---|
| I. Узоқ муддатли активлар | | | I. Ўз маблағларининг манбаалари | | |
| 1.1.Асосий воситалар | 150,0 | 180,0 | 1.1Устав капитали | 180,0 | 200,0 |
| 1.2.Номоддий активлар | 50,0 | 20,0 | 1.2.Қўшилган капитал | 60,0 | 50,0 |
| 1.3.Узоқ муддатли сармоялар | | | 1.3.Резерв капитали | 50,0 | 60,0 |
| 1.4.Капитал қуйилмалар | 120,0 | 150,0 | 1.4.Тақсимланмаган | | |
| | 130,0 | 150,0 | фойда | 120,0 | 160,0 |
| | | | 1.5.Махсус фондлар | 90,0 | 110,0 |
| | | | Жами | 500,0 | 580.0 |
| Жами | 450,0 | 500,0 | | | |
| II.Айланма активлар | | | II.Мажбуриятлар | | |
| 2.1.Товар-моддий бойликлар | 140,0 | 180,0 | 2.1.Мол етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятлар | 120,0 | 140,0 |
| 2..2.Пул маблағлари | 60,0 | 80,0 | 2.2 Бюджет олдидаги қарзлар | 50,0 | 80,0 |
| 2.3.Қисқа муддатли сармоялар | | | 2.3.Иш ҳақи бўйича | | |
| 2.4.Дебиторлик қарзлари | 150,0 | 130,0 | қарзлар | 160.0 | 170,0 |
| 2.5 Бошқа жорий активлар | 60,0 | 70,0 | 2.4.Банк олдидаги | | |
| | 90,0 | 60.0 | қарзлар | 70,0 | 40,0 |
| | | | 2.5 Бошқа кредиторлик қарзлари | 50,0 | 10,0 |
| Жами | 500,0 | 520,0 | Жами | 450.0 | 440.0 |
| Баланс | 950,0 | 1020,0 | Баланс | 950,0 | 1020,0 |

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, «Умид» фирмасининг узоқ муддатли активлари йил охирида 50,0 минг сўмга, айнланма активлари эса 20,0 минг сўмга кўпайган. Ушбу даврда фирманинг ўз маблағлари манбайи йил охирида 80,0 минг сўмга кўпайган бўлса, мажбуриятлари эса 10,0 мингтага камайган. Бу ижобий натижа ҳисобланади. Чунки, фирма маблағлари таркибида ўз маблағларининг манбаси кўпайган, натижада мажбуриятлар нисбатан камайган. Умуман, фирманинг баланси йил охирида 70,0 минг сўмга кўпайган.

Аудиторнинг кейинги қиладиган иши баланс қолдиқларини молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари (жадваллари)даги маълумотлар билан солиштиришдан иборат бўлади.

Аудитор баланс таркибини текшириб бўлгандан сўнг ушбу кўрсаткичларни баланс тузишга асос бўлган ҳисоб регистрлари маълумотлари билан таққослайди. Бунинг учун баланс активи ва

пассивидаги маълумотлар оборот ведомостлари ва Бош китобдаги қолдиқлар билан ўзаро солиштирилади. Оборот ведомостидаги актив счётларнинг йил бошидаги ва охиридаги қолдиқлари бухгалтерия балансининг актив қисмидаги моддаларга, пассив счётларнинг йил боши ва охиридаги қолдиқлари эса бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги моддаларга мос келиши керак. Агар текшириш жараёнида фарқ чиқса, аудитор уларнинг сабабларини аниқлайди.

**Таянч иборалар:**

Молиявий ҳисоботнинг таркиби. Бухгалтерия баланси. Баланснинг актив қисми. Баланснинг пассив қисми. Бухгалтерия балансини аудит қилиш тартиби. Молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари.

## 9.4. Молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларини текшириш

Корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботи баланс (1-шакл)дан ташқари яна қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл), «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (3-шакл), «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4-жадвал), «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (5-шакл). Молиявий ҳисоботда булардан ташқари «Бюджетга тўловлар тўгрисида маълумот», «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари хусусида маълумотнома» келтирилган бўлади. Аудитор шартномага кўра молиявий ҳисоботнинг юқоридаги шаклларини экспертизадан ўтказади.

Йиллик молиявий ҳисоботнинг «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи» жорий ҳисоб регистрларига асосан даромадлар, харажатлар ва фойда (зарар) кўрсаткичлари бўйича тузилади. Ушбу маълумотлар ҳисоботда ўтган йил ва ҳисобот йил учун алоҳида келтирилган бўлади. Аудитор даромадлар ва харажатларни гуруҳлари ва моддалари бўйича текшириб чиқиши керак. Бунда даромаддар, маҳсулот реализациясидан олинган даромад, (9010, 9030) бошқа асосий фаолиятдан олинган даромадлар (9300 счёт), молиявий фаолиятдан (9500 счёт) ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар (9710 счёт) бўйича аудит қилинади. Харажатлар ўз навбатида маҳсулот таннархига киритиладиган моддий харажатлар

(9100 счёт), давр харажатлари (9400 счёт), молиявий ва бошқа операцияларининг харажатлари бўйича (9600, 9720 счётлар) текширилади. Бундай текширувга даромадлар ҳамда харажатларни ҳисобга олиб борувчи бухгалтерия ҳисоби счётлари, регистрлар (китоблар, журналлар, машинограммалар) асос бўлади. Аудитор текширув жараёнида сўнгги молиявий натижа, яъни фойда ёки зарарнинг нечоглик асослилигини чуқур таҳлил қилади. Аудитор йиллик молиявий натижаларни жорий ҳисоб маълумотлари билан ўзаро таққослайди. Агар текшириш жараёнида фарқлар чиқса, уларнинг сабаблари обдан ўрганилади. Қуйида «Умид» фирмасининг шартли мисоллари асосида йиллик молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг аудити натижалари келтирилди (10-жадвал):

10-жадвал

**«Умид» ишлаб чиқариш фирмасининг йиллик молиявий ҳисоботи кўрсаткичлари аудити натижалари**[1]

| Т/р № | Кўрсаткичлар | Сатр | Бухгалтерия ҳисобининг аналитик регистрларидаги маълумотлар | «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» маълумотлари | Фарқи (+; -) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Асосий фаолиятнинг ялпи молиявий натижаси | 070 | 3793,8 | 3793,8 | - |
| 2 | Давр харажатлари: | | | | |
| | - сотиш харажатлари; | 080 | 2000,0 | 2060,0 | + 60,0 |
| | - маъмурий харажатлар. | 090 | 900,0 | 940,0 | + 40,0 |
| 3 | Бошка фаолиятнинг молиявий натижалари: | | | | |
| | - зарарлар; | 100 | 43,6 | 43,6 | - |
| | - фойда. | 110 | - | - | - |
| 4 | Солиққача бўлган молиявий натижа (фойда) | 120 | 850,2 | 750,2 | - 100,0 |
| 5 | Фойда солиғи | 130 | 292,0 | 262,0 | - 30,1 |
| 6 | Бўнак шаклида тўланган фойда солиғи | 140 | 190,0 | 190,0 | - |
| 7 | Тўланиши керак бўлган фойда солиғи қолдиғи | 150 | 102,0 | 72,5 | + 30,1 |
| 8 | Тўланган дивидендлар | 160 | 157,6 | 157,6 | - |
| 9 | Йилнинг соф фойдаси | 170 | 400,0 | 330,1 | 69,9 |

[1] Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари такомиллаштирилиб борилмоқда

Аудиторлик текширув натижалари шуни кўрсатдики, фирманинг давр харажатлари аналитик ҳисоб регистрларида ва «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да турлича ифодаланган, яъни ҳисоботда сотиш ва маъмурий харажатлар 100,0 сўмга кўп қилиб кўрсатилган. Натижада солиққа тортиладиган фойда кўрсаткичи 100,0 сўмга камайган. Ушбу ноаниқлик туфайли фойда солиғи 30,1 минг сўмга кам ҳисобланган ва бюджетга ҳам кам ўтказилган. Аудитор текшириш натижаларини аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида акс эттиради.

Молиявий ҳисоботнинг бошқа жадвалларидаги кўрсаткичлар ҳам маълум тартибда аудит қилинади. Жумладан, «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот» маълумотлари 0100 – «Асосий воситалар ҳисоби счётлари», 0300 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби счётлари» ва бошқа бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувларга асосан текширилади. Бунда аудитор асосий воситаларнинг йил давомида кўпайганлиги ва камайганлиги билан боғлиқ бўлган операцияларга алоҳида эътибор бериши керак. Ушбу ҳисоботга асосан асосий воситаларнинг ҳаракати уларнинг алоҳида гуруҳлари ва турлари бўйича таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига эътибор берилади. Асосий воситаларнинг қиймати ва фойдаланиши мол-мулк солиғига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун аудитор асосий воситаларининг баҳоланиши ва ҳисобга олиб борилишига алоҳида эътибор бериши керак.

Молиявий ҳисоботнинг «Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи» маълумотларига асосан корхонанинг пул-валюта ресурслари, уларнинг ҳаракати аудит қилинади. Аудитор пул-валюта маблағларининг келиб тушишини уларнинг манбалари бўйича текшириб кўради. Пул маблағлари корхонанинг жорий фаолияти, инвестициялар, молиявий фаолиятини яхшилаш учун ажратилади. Ушбу ресурслар мол етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчилар ҳамда бюджетга солиқ шаклида сарф қилинади. Пул маблағларининг маълум қисми корхона ишчи-хизматчиларига иш ҳақи сифатида берилади. Аудитор ушбу операцияларнинг қонунийлигини 5010, 5110, 5510, 5200, 6010, 6710, 4010, 4710 ва бошқа счётлар орқали обдан текширади. Аудитор «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» маълумотларини текширганда валюта маблағлари ва улар билан боғлиқ бўлган операцияларга алоҳида эътибор бериши керак.

«Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»да хўжалик юритувчи субъектнинг йил давомидаги хусусий (устав) капитали ифодаланган бўлади. Аудитор ушбу капиталнинг дастлаб тўғри ташкил қилинганлигини, йил давомида кўпайиши ёки камайишининг қонун-қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилади. Бундай текширув 8510 – «Устав капитали (фонди) ҳисоби счётлари» ва у билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар, ҳисоб регистрларидаги маълумотлар орқали амалга оширилади.

Аудитор молиявий ҳисоботнинг ахборот истеъмолчиларига ўз вақтида топширилиши ва тасдиқланишини ўрганади. Ҳисоботлар вақтида тақдим этилмаса корхона амалдаги тартибга асосан жарима тўлайди. Бу эса ўз навбатида унинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб корхона ва фирмаларнинг молиявий ҳисоботлари қонунда белгиланган тартибда аудиторлик текширувидан ўтказилгандан сўнг ошкора ҳисобланади ва матбуотда эълон қилинади.

**Таянч иборалар:**

Молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари. «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» ва унинг аудити. «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» ва унинг аудити. «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» ва унинг аудити. «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» ва унинг аудити. Аудит натижаларининг умумлаштирилиши.

# X БОБ. АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛИШИ ВА РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ

## 10.1. Аудит натижаларининг умумлаштирилиши

Аудиторлик текширувнинг самарадорлиги нафақат унинг сифатли ўтказилишига, балким аниқланган натижаларни ўз вақтида умумлаштирилиши ва расмийлаштирилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Аудит натижалари ижобий ёки ижобий бўлмаслиги мумкин. Лекин, бундай хулоса аудитор томонидан асосли далиллар билан исботланган бўлиши керак. Аудитор шартномага асосан қўйилган мақсад ва вазифаларни тўлиқ бажариши учун текширув ўтказишнинг турли усуллари ва шаклларидан кенг фойдаланади. Унинг асосий эътибори текширилаётган объектнинг қонун-қоидаларга мос келиши ёки келмаслигини исботлашга қаратилган бўлади. Шу мақсадларда аудитор текширув жараёнини умумлаштирувчи ва аниқланган камчиликларни акс эттирувчи маълум ҳужжатларни тузади. Ушбу ҳужжатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: далолатномалар, маълумотномалар, тушунтириш хатлари, қайдномалар, билдиришномалар ва далолатномалар билан бошқа ҳужжатлар.

Далолатномалар аудит жараёнида аниқланган камчиликлар бўйича тузилади. Мисол учун, ишлаб чиқариш корхонасидаги хом ашёларнинг сифати текширилганда уларнинг бир қисми фойдаланишга яроқсиз деб топилган бўлса (фойдаланиш муддати ўтган ёки уларнинг сифати стандарт талабларига мос келмаган ҳолларда). Бундай операциялар аудиторнинг бевосита иштирокида ёки махсус комиссия таркибида кўриб чиқилади ва далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Маълумотномалар текшириш жараёнида қонун-қоидаларнинг бузилмаганлиги, фаолият юритиш қабул қилинган мезонларга мос келганда тузилиши мумкин. Мисол учун, аудитор савдо фирмасига қарашли бир нечта чакана савдо шохобчаларида то-

варларнинг нархини ёки савдо қоидаларига риоя қилинишини текширганда тафовут чиқмаган бўлса бундай натижа махсус маълумотнома билан расмийлаштирилиши мумкин.

Аудит жараёнида текширилаётган объект бўйича қонун-қоидаларнинг бузилиш сабаблари корхона раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсларга тааллуқли бўлиши мумкин. Мисол учун, аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини текшириш жараёнида ҳисоб сиёсати талаблари бузилганлигини аниқлади. Бунга сабаб корхона раҳбарининг нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилганлиги исботланди. Бундай ҳолда аудитор мансабдор шахсдан ёзма тушинтириш олишга ҳақлидир. Ноқонуний операцияларни тасдиқловчи ҳужжатлар самарасиз соҳаларга молиявий сармоялар жалб қилинганда, истиқболсиз мол етказиб берувчилар билан шартномалар тузилганда, кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тарифларга нисбатан кўп миқдорда пул тўланганда ҳам расмийлаштирилади. Мансабдор шахслар томонидан қонунбузарлик ҳоллари билиб туриб ёки билмасдан содир этилган бўлиши мумкин. Корхона раҳбарининг билиб туриб қонунбузарликка йўл қўйиши маълум мақсадлар ва манфаатларга қаратилган бўлади. Билмасдан қонун-қоиданинг бузилиши раҳбар ёки мансабдор шахснинг тажрибасизлигидан, малакасининг етишмаслигидан келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолларда аудитор ёзма тушунтириш олади ва ноқонуний операциянинг келиб чиқиш сабаблари, етказилган зарарларнинг миқдорини аниқлайди.

Пул маблағлари, ҳисоб-китоб операцияларини текшириш жараёнида бир-биридан фарқ қилувчи ноқонуний операциялар аниқланган бўлиши мумкин. Мисол учун, режадан ортиқча ҳажмида ишлаб чиқарилмаган тайёр маҳсулотлар учун қўшимча иш ҳақи ҳисобланганда ёки дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўлган корхоналар билан ҳисоб-китоблар олиб борилганда махсус қайдномалар тузилади.

Аудитор аудит бошлашдан олдин ёки аудит жараёнида текширилаётган юридик шахс билан алоқадор бўлган корхона ва фирмаларга, банк муассасасига маълум мазмундаги ёзма билдиришномаларни юборади. Мисол учун, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳаққонийлигини, банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг тўғрилигини билиш мақсадида ёзма сўровнома юборилади. Шундай

қилиб, аудит жараёни ва натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмийлаштирилиб борилади. Ушбу ҳужжатлар, бир томондан аудиторнинг исботини таъминласа, иккинчи томондан эса аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузишга асос бўлади.

**Таянч иборалар:**

Аудит натижаларининг умумлаштирилиш тартиби. Далолатномалар. Маълумотномалар. Ёзма тушинтириш хатларини тузиш. Аудит натижаларини расмийлаштиришга тайёрлаш.

## 10.2. Аудиторлик ҳисоботи

Аудит натижалари белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Аудитнинг расмийлаштирилиши аудит тўғрисидаги қонун ва аудит стандартларида ўз ифодасини топган. **«Аудиторлик ҳисоботи-аудиторлик текширувнинг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибдан четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотлардан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, қатнашчилари (акциядорлар)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат»дир** [4]. Мазкур ҳужжат уч қисм, яъни кириш, асосий қисм ва хулосалардан иборат бўлиб унда аудиторлик ташкилот, аудит ўтказилган юридик шахс, аудит объектлари, текшириш натижалари, тавсиялар ва хулосалар акс эттирилган бўлади.

Ҳисоботнинг асосий қисмида шартнома бўйича аудит объекти, текшириш муддатлари ва текширув натижалари ифодаланади. Текшириш объектлари ҳисоботда маълум кетма-кетликда акс эттирилади. Аудит жараёнида аниқланган ноқонуний операциялар, уларнинг исботи аудит натижаларини умумлаштиришга асос бўлган ҳужжатлар бўйича ифодаланади. Ҳисоботда қонундан чекланишлар ва қонунбузарликдан келиб чиққан зарарлар, суиистеъмол ҳоллари қуйидаги тартибда акс эттирилади: «мансабдор ёки моддий жавобгар шахс қандай ҳужжатни бузган» (қонунни,

Фармонни, Низомни, буйруқни ва ҳ.к.); «ким қонун-қоидани бузган ёки унга итоат этмаган» (раҳбар, бош бухгалтер, бўлим бошлиғи, моддий жавобгар шахс); «қонун-қоида қачон бузилган» (қонун бузилган давр, сана); «қонун-қоида қандай ҳолда бузилган» (қонунбузарлик шакли: якка ҳолда ёки кўпчилик билан); «ноқонуний операциялар қандай аниқланди» (текширув жараёнида қўлланилган аудит усуллари); «қонунбузарлик сабаблари нималардан иборат эди» (қонунбузарликнинг келиб чиқишига таъсир этган омиллар); «қонунбузарлик ёки қонунчиликка амал қилмасликнинг натижалари, оқибатлари» (келтирилган зарарлар миқдори, қонунбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги).

Аудиторлик ҳисоботининг тавсиялар ва хулосалар қисмида текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, ҳисоб ва ҳисоботни яхшилашга, хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилади. Аудитор ҳисоботни тузишда ҳуқуқий мазмунга эга бўлган тушунчалар, яъни «ўзлаштириш», «суистеъмол», «талон-тарож» каби сўзларни ишлатилмаслиги керак. Текширув натижаларига бундай мазмунда баҳо бериш аудиторнинг ваколатига кирмайди (бундай хулосаларни суд органлари чиқариши мумкин, холос).

Аудиторлик ҳисоботи аудитор (аудиторлик гуруҳи раҳбари) томонидан тузилади ва аудиторлик ташкилоти (фирмаси) раҳбари томонидан тасдиқланади. Ушбу ҳужжат аудиторлик текширув ўтказиш бўйича тузилган шартномани тасдиқлаган буюртмачига тақдим этилади. Агар аудиторлик текшируви ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (суд, прокуратура) топшириғига биноан ўтказилган бўлса у ҳолда аудиторлик ҳисоботи уларга ҳам тақдим этилади.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар маҳвий бўлиб учинчи шахсга ошкора қилинмайди. Ҳисоботнинг ҳар бир бети текширув ўтказган аудитор томонидан имзоланган бўлиши керак. Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни аудит объекти, қўйилган мақсад ва вазифаларга бевосита боғлиқ бўлади. Ҳисоботдаги маълумотлар аудиторлик хулосасини тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилади.

**Таянч иборалар:**

Аудит натижаларининг умумлаштирилиши. Аудиторлик ҳисоботининг мазмуни. Аудиторлик ҳисоботининг таркиби. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши. Аудиторлик ҳисоботининг тақдим этилиши.

## 10.3. Аудиторлик хулосаси

Аудитор текширув натижалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини аудиторлик хулосасида акс эттиради. **Аудиторлик хулосаси аудит объектларининг қабул қилинган қонун-қоидаларга мониидлиги бўйича аудиторнинг ёзма шаклда ифодаланган муносабатидир.** Ушбу ҳужжат аудиторлик ҳисоботига асосан тузилади. Аудиторлик хулосасининг ҳисоботдан фарқи шундан иборатки, ушбу ҳужжатда аудит натижалари бўйича фақат хулоса берилади, холос. Унда қисқа мазмунда аудит объекти, аудитни ўтказувчи шахс (шахслар), аудитнинг асосий мақсади ва натижалари ифодаланади. Аудиторлик хулосасида текширув жараёнидаги ноқонуний операциялар туфайли келиб чиққан ёки келтирилган зарарларнинг сабаблари, шароитлари батафсил кўрсатилмайди (улар аудиторлик ҳисобтида кенг ифодаланган бўлади).

Аудиторлик ҳисоботининг тури ва мазмуни аудит объекти, текширув натижаларига бевосита боғликдир. Махсус адабиётларда ва аудит амалиётида аудиторлик хулосасининг қуйидаги турлари ифодаланган [29. 100 б.].

- шартсиз ижобий хулоса;
- шартли ижобий хулоса;
- салбий хулоса;
- ўз фикрини билдирмасдан хулоса бериш.

Аудит натижаси бўйича сўзсиз ижобий хулоса корхона фаолиятида қабул қилинган қонун-қоидаларга, ҳисоб сиёсатига ҳамда солиқ кодекси талабларига тўлиқ риоя қилинганда берилади. Шартли ижобий аудиторлик хулосаси корхона фаолиятида айрим қонун-қоидалардан чекланиш ҳоллари аниқланганда, лекин улар хўжалик юритувчи субъектнинг умумий ҳисоб сиёсати-

га ҳамда молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаганда берилади.

Аудит натижасида салбий мазмундаги хулоса корхона фаолиятида қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилинмаслик туфайли тузилган молиявий ҳисобот, унинг жорий ҳисоб маълумотларига монанд эмаслиги натижасида берилади.

Аудитор (ёки аудиторлик ташкилоти) аудит натижаларидан тўлиқ қониқиш олмаган ҳолларда ўз фикрини билдирмасдан хулоса беради. Бундай мазмундаги хулосани беришга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин: аудит жараёнида аудиторга турли йўллар билан тазийқ ўтказилган бўлса ёки аудиторга керакли маълумотлар тўлиғича тақдим этилмаган бўлса, аудиторда корхона ҳисоб сиёсати бўйича айрим шубҳалар туғилган тақдирда.

Мамлакатимизда амал қилинаётган қонун-қоидадларга асосан аудиторлик хулосаси икки турга бўлинади: ижобий аудиторлик хулосаси ёки салбий аудиторлик хулосаси.

Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандартларининг 70-сонли – «Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси» стандартида қуйидаги ҳолда ижобий хулоса берилиши қайд қилинган [16, 72 б.]. Текширилган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи асосли тузилган бўлса ва корхонанинг молиявий ҳолатини тўғри акс эттирса, хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келса.

Аудит жараёнида хўжалик юритувчи субъект фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланганда, молиявий ҳисобот тўғри тузилмаганда ёки амалдаги қонунчиликка мос келмаганда салбий аудиторлик хулосаси берилади.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади ва унинг иккитаси буюртмачига тақдим этилади. Юқоридагиларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки халқаро ва мамлкатимиз амалиётида аудиторлик хулосаларининг бир қанча турлари қўлланилади.

**Халқаро амалиётда:**

- изоҳсиз (шартсиз) тузилган ижобий аудиторлик хулосаси;
- изоҳли (шартли) тузилган ижобий аудиторлик хулосаси;

- салбий (ижобий бўлмаган) аудиторлик хулосаси;
- ўз фикрини билдирмасдан бериладиган аудиторлик хулосаси.

### Ўзбекистон амалиётида:

- ижобий аудиторлик хулосаси;
- салбий аудиторлик хулосаси.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилоти (аудитор) томонидан тузилиб ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Хулосада текшириш натижалари бўйича аудиторнинг муносабати билдирилган бўлади.

Аудиторлик хулосаси маълум тартибда расмийлаштирилади ва тасдиқланади. Ушбу хулоса шартномадаги муддатларга ҳамда аудитнинг якунланишига қараб имзоланади. Хулоса имзоланган кундан бошлаб унга ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас.

Аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ ҳужжат ҳисобланади ва матбуотда эълон қилинади. Аудиторлик хулосасининг наъмунавий шакли 5-иловада келтирилди.

### Таянч иборалар:

Аудиторлик хулосасининг моҳияти. Аудиторлик хулосасининг таркиби. Аудиторлик хулосасининг турлари. Аудиторлик хулосасини тузиш тартиби. Аудиторлик хулосасининг тақдим этилиши.

## АУДИТДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**АУДИТ** — муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг Республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва холисона хулосалар беришдир.

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ** — хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг қабул қилинган мезонларга мувофиқлигини текшириш. Аудиторлик фаолияти орқали янги корхоналарни очиш, молия-кредит, ҳисоб-китоб ишларини юритиш бўйича маслаҳатлар бериш ("консалтинг" хизматини кўрсатиш), мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, аудит соҳасида ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**АУДИТОР** — махсус малакавий сертификатга, маълум иш тажрибасига эга бўлган ва бевосита аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи мутахассис (жисмоний шахс).

**АУДИТОРНИНГ ЁРДАМЧИСИ** — малакавий сертификатга эга бўлмаган, лекин аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик фаолиятида иштирок этувчи жисмоний шахс.

**АУДИТОРЛИК ГУРУҲИ** — аудиторлик ташкилотларида йўналишлар бўйича фаолият юритувчи аудиторларнинг бирлашган таркиби. Аудиторлик гуруҳлари ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш фаолиятларини текшириш бўйича ташкил этилади. Ушбу гуруҳни гуруҳ раҳбари бошқаради.

**АУДИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ** — аудит ўтказишга асос бўлувчи ҳуқуқий нормаларнинг мажмуаси. Буларга қонун ҳужжатлари, қарорлар, Низомлар, шартномалар, стандартлар, буюртмалар киради.

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН** — аудиторлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжат – «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 2000 йил 26 майда қабул қилинган. Мазкур қонунда аудиторлик фаолиятининг

моҳияти, турлари, аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг вазифалари мужассамлашган.

**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ** — қонун ҳужжатларига асосан аудиторлик фаолиятни амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахс. Амалиётда аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фирмалари кўринишда ҳам фаолият юритади.

**АУДИТОРНИНГ МАЛАКАВИЙ СЕРТИФИКАТИ** — ваколатли давлат органи томонидан аудиторга маълум малакавий имтиҳонлар (синовлар) топширгандан кейин аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга ҳуқуқ берадиган ҳужжат. Аудиторлик сертификати 5 йил муддатга берилади.

**АУДИТОРНИНГ МУНОСАБАТИ** — аудиторнинг аудиторлик текширув бўйича уларнинг натижаларига холисона муносабати. Аслида бундай муносабат аудиторлик хулосасида ўз аксини топади.

**АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ** — барча аудиторлар томонидан амал қилинадиган ва фаолиятларида қўлланиладиган аудитга оид умумий мазмундаги меъёрий талабларнинг мажмуаси.

**АУДИТОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ** — ваколатли давлат органи томонидан аудиторлик ташкилотларига (фирмаларига) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ҳуқуқий ҳужжат.

**АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ** — халқаро даражада аудитни ташкил қилиш ва ўтказишга қўйилган умумий қоидалар мажмуаси. Аудитнинг 50 га яқин халқаро стандартлари мавжуд.

**АУДИТНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ** — республика аудиторлари томонидан аудит фаолиятини ўтказишга қўйилган усуллар ва уларнинг мажмуаси. Аудитнинг 20 га яқин миллий стандартлари қабул қилинган.

**АУДИТОРЛИК КАСБИ** — иқтисодий фаолият тури билан шуғулланувчи касб бўлиб, махсус рухсатнома асосида текширишлар билан шуғулланилади. Аудиторлик касби тадбиркорликка киради.

**АУДИТ ФАНИ** — махсус фан сифатида билимлар тизимидан иборат бўлиб хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш учун холисона хулосалар беришга қаратилган.

**АУДИТНИНГ ПРЕДМЕТИ** — хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари, алоҳида жараёнлар ва уларнинг қабул

қилинган меъёрларга мослигини текшириш. Аудитнинг предмети таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини текширишни ўз ичига олади.

**АУДИТНИНГ УСЛУБИ** — аудит жараёнида қўлланиладиган усуллар мажмуаси. Уларга қуйидагилар киради: солиштириш, гипотеза, таҳлил ва синтез, тафтиш, инвентаризация, калькуляция, экспертиза, баланс, счётлар ва иккиёқлама ёзув, ҳужжатлаштириш. Аудит усуллари аудиторлар томонидан мустақил равишда белгиланади.

**АУДИТНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ** — аудит фани қуйидаги фанлар билан ўзаро боғлиқдир: фалсафа, иқтисодиёт назарияси, ҳуқуқшунослик, статистика, маркетинг, менежмент, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, молия, пул, кредит, банклар, давлат бюджети, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, солиқлар ва солиққа тортиш, информацион технолигиялар.

**АУДИТНИНГ РЕЖАЛАШТИРИЛИШИ** — аудит текширувининг умумий ҳажмини аниқлаш, аудит дастурини тузиш, аудитда қўлланиладиган усулларни белгилаш, текшириш муддатлари, кўрсатиладиган хизматлар ва аудит хатарини белгилаш каби масалаларни ўз ичига олади.

**АУДИТ ДАСТУРИ** — аудит объектлари, уларни текширишда қўлланиладиган ва исботини таъминлайдиган усуллар, аудиторнинг бевосита ишчи ҳужжати. Ўзининг мазмун-моҳиятига кўра аудиторлик дастури аудит ўтказиш учун услубий манба ва назорат воситаси бўлиб хизмат қилади.

**АУДИТОРЛИК ИСБОТИ** — хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш жараёнида аудитор томонидан йиғилган ахборотлар ва уларга асосланиб берилган баҳо ва хулоса.

**АУДИТОРЛИК ХАТАРИ** — аудиторнинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш натижадаги исботидан сўнг мавжуд бўлган, лекин аниқланмаган хато-камчиикларнинг борлиги тўғрисидаги эҳтимоли.

**АУДИТОРЛИК ШАРТНОМАСИ** — аудит ўтказишга асос бўладиган, аудиторлик ташкилотлари ва буюртмачилари ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва маъсулиятларини ифода этувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий ҳужжат.

**АУДИТ ОБЪЕКТЛАРИ** — хўжалик юритувчи субъектларнинг жараёнлари ва алоҳида операциялари. Аудит объектлари аудиторлик шартномасида келтирилган бўлади.

**АУДИТНИНГ ТУРЛАРИ** — аудитнинг асосий турларига қуйидагилар киради: ташқи аудит, ички аудит, молиявий аудит, қонунларга мосликнинг аудити, иқтисодий самадорликнинг аудити,операцион (ташаббускор) аудит, менежментлик аудити, ижтимоий аудит, экологик аудит.

**АУДИТНИНГ ШАКЛЛАРИ** — қўйилган мақсадга қараб аудитни ўтказиш тартиби. Аудит шаклларига қуйидагилар киради: аудитнинг тасдиқловчи шакли, аудитнинг мақсадли (йўналтирилган) шакли, аудитнинг таваккалчиликка асосланган шакли.

**АУДИТОРЛИК НАЗОРАТИ** — аудиторлик текшируви орқали амалга ошириладиган назорат тури. Ушбу назорат аудиторлар томонидан ўтказилади.

**АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ** — мижоз билан тузилган шартномага асосан корхона фаолиятини ўрганиш, баҳолаш ва тавсиялар бериш.

**АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ БУЮРТМАЧИЛАРИ** — аудиторлик текширувининг буюртмачилари қуйидагилар ҳисобланади: муассислар (таъсисчилар), мулкдорлар, инвесторлар, банк муассасалари, бошқа манфаатдорлар.

**АУДИТНИНГ КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТИ** — аудитор ташкилотлари мижозларга шартномаларга асосан маълум йўналишлар бўйича маслаҳатлар (консультациялар) беради. Жумладан, бизнес режани тузиш бўйича, ҳисоб сиёсатини тузиш бўйича, солиқларни ҳисоблаш бўйича маслаҳатлар.

**АУДИТ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ** — шартномага асосан аудит ўтказишга ажратилган вақт. Одатда аудит ўтказиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак.

**АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ** — аудиторлик текширувнинг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибдан четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қонунбузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотлардан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга ёки бошқа буюртмачиларга тақдим этиладиган ҳужжат.

**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ** — аудиторлик хулосаси аудит объектларининг қабул қилинган қонун-қоидаларга монандлиги бўйича аудиторнинг ёзма шаклда ифодаланган муносабати. Аудиторлик хулосаси ижобий ёки салбий бўлиши мумукин.

**АУДИТОРЛАРНИНГ ЖАМОА БИРЛАШМАСИ** — аудиторларнинг жамоа бирлашмасига Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси киради. Ушбу ассоциацияси барча аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини бирлаштиради.

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР** — хўжалик жараёнида бир йилдан кўп муддатда фойдаланиладиган активлар. Буларга бинолар, транспорт воситалари, иншоотлар ва бошқа воситалар киради.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ** — хўжалик маблағлари ва маблағ манбаларини доимий, узлуксиз ва япписига умумлаштириш ва бошқариш усули. Бухгалтерия ҳисоби барча корхона ва фирмаларда ютитилади.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН** — хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини қонун ҳужжатлари асосида юритиш тартиби. Ўзбекистонда 1996 йил 30 августда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни, ташкил этилиш тамоиллари ва вазифалари келтирилган.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ** — хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсатини юритишга қўйилган талабларнинг мажмуаси. Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобининг 21 та миллий стандартлари қабул қилинган.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ** — бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ташкилий шакллари мавжуд: бош бухгалтер раҳбарлигида мустақил равишда бухгалтерия ишини юритиш, бухгалтерия ишини четдан жалб қилинган мутахассис орқали олиб бориш, бухгалтерия ишини юқори ташкилотда юритиш, бухгалтерия ишини корхона раҳбари томонидан юритилиши.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТИ (МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ)** — хўжалик юритувчи субъект фаолиятини сон ва сифат жиҳатдан умумлаштириш. Молиявий ҳисобот корхонанинг ҳисоб сиёсати талаблари асосида тузилади ва тақдим этилади.

**БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ** — корхона маблағлари ва маблағ манбаларининг маълум муддатда пулдаги ифодаланиши. Ба-

лансда корхона активлари, уларнинг манбалари ва мажбуриятлари турлари бўйича ифодаланган бўлади.

**БАЛАНСНИНГ ЛИКВИДЛИГИ** — корхона активларининг мажбуриятларидан ошиши ёки корхонанинг тўлов қобилияти даражасини ифодаловчи кўрсаткич.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИ РЕЖАСИ** — бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида қўлланиладиган счётлар тизими. Бухгалтерия счётлари маълум тартибда «Счётлар режаси»да мужассамлашган бўлади.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИДА ИККИЁҚЛАМА ЁЗУВ** — ҳар бир хўжалик жараёнининг (операциясининг) бир счётнинг дебетида ва иккинчи счётнинг кредитида бир хил суммада акс эттирилиши. Хўжалик операциялари счётларда иккиёқлама ёзув орқали назорат қилиб борилади.

**БАНК ТАШКИЛОТИ (МУАССАСАСИ)** — юридик шахс сифатида пул муомаласи ва қимматбаҳо қоғозлар билан шуғулланувчи ташкилот. Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар банк орқали амалга оширилади.

**БАНК НАЗОРАТИ** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг банк ташкилоти (муассасаси) томонидан текширилиши. Банклар турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятини доимий равишда назорат қилиб боради.

**БАНК КРЕДИТИ** — хўжалик юритувчи субъектларга банкдан маълум мақсадларга мўлжалланиб қарзга бериладиган пул маблағлари. Банк кредитлари қисқа муддатга, ўрта муддатга ва узоқ муддатга берилиши мумкин. Банк кредитлари қайтариб берилиш хусусиятига эга.

**БАНКРОТ** — хўжалик юритувчи субъект тўлов қобилиятининг пасайиши. Корхонанинг харажатлари олинган даромадларидан кўп бўлса, у банкротга учрайди. Шунинг учун мавжуд брача ресурслар самарали фойдаланилиши керак.

**БЮДЖЕТ** — мамлакатнинг устувор вазифаларини амалга оширишга мўлжалланган даромадларнинг шаклланиши ва йўналишлар бўйича тақсимланишини амалга оширадиган давлат тузилмаси. Давлат бюджети республика бюджети ва маҳаллий бюджетга бўлинади.

**БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ** — бюджетга келиб тушган пул маблағлари. Бюджет даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил қилади.

**БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ** — мамлакатнинг устувор йўналишлари бўйича бюджет даромадларининг тақсимланиши.

**ВАЛЮТА** — мамалакат пул бирлиги. Ўзбекситон валютаси сўмни ташкил этади. Муомалада хорижий валюталар ҳам фойдаланилади.

**ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ** — корхоналарда халқаро валюталар орқали амалга ошириладиган операциялар.

**ВАЛЮТА КУРСИ** — мамлакат пул бирлигини халқаро пул бирлигига тенглаштиришлиши. Валюта курсини Республика Марказий банки белгилайди.

**ДАРОМАД** — маҳсулот сотишдан, бажарилган ишлардан келиб тушган тушумнинг бир қисми. Олинган тушумларнинг пулдаги ифодаланиши.

**ДАРОМАДЛАРНИНГ ТУРЛАРИ** — даромадлар қуйидаги турлардан иборат: маҳсулот сотилишидан олинган даромадлар, асосий фаолиятнинг бошқа операцияларидан олинган даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулотдаги даромадлар.

**ДАРОМАДЛИЛИК ДАРАЖАСИ** — даромадларнинг сотилган маҳсулотлар, товарларга бўлган нисбати. Даромадлилик даражасига қараб активларнинг самарадорлиги аниқланади.

**ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ** — маҳсулот таннархига киритилмайдиган, уларни сотиш, сақлаш ва корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар.

**ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ** — товар-моддий бойликлар, пул-валюта маблағларининг ҳақиқий миқдорини аниқлаб бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш усули. Аудит жараёнида товар-моддий бойликлар инвентаризация қилинади.

**ИНВЕСТИЦИЯ** — хўжалик юритувчи субъект фаолиятига четдан моддий ва молиявий ресурсларнинг жалб этилиши.

**ИҚТИСОДИЙ НАЗОРАТ** — ваколатли органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг назорат қилиниши. Бундай назорат молия органлари, банклар, солиқ идоралари орқали амалга оширилади.

**КАЛЬКУЛАЦИЯ** — маҳсулот таннархини (бажарилган ишларнинг қийматини) аниқлаш усули. Аудит жараёнида калькуляция усулидан кенг фойдаланилади.

**ҚИСҚА МУДДАТЛИ АКТИВЛАР** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида фойдаланиш даври бир йилгача бўлган активларнинг қиймати. Буларга асосан хом ашё ва материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар ва пул маблағлари киради.

**ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР** — пул қийматига эга бўлган пулли ҳужжатлар. Буларга акциялар, векселлар, сертификатлар киради. Қимматбаҳо қоғозлар аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади.

**МИЖОЗ** — мустақил фаолият юритувчи юридик шахс. Юридик шахслар аудиторлик ташкилотларининг мижозлари ҳисобланади.

**МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ** — хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд молиявий ресурсларнинг давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларга мос равишда ташкил этилиши, фойдаланилиши ва кўпайтирилишини текшириш.

**МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР** — корхона фаолиятига жалб қилинган пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар ва молиявий натижаларнинг кўрсаткичлари.

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖА** — корхона фаолиятида эришилган сўнгги натижа. Ушбу натижа фойда ёки зарардан иборат бўлади.

**МАМЛАКАТ ВАЛЮТАСИ** — ҳар бир мамлакатнинг пул бирлиги. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўм ҳисобланади.

**МУЛКДОР** — моддий ва интеллектуал бойликларни тасарруф этиш, уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

**МУЛК ШАКЛЛАРИ** — мулк шакллари қуйидагилардан иборат: индивидуал (шахсий ва хусусий) мулк, жамоа мулки, давлат мулки, аралаш мулк, қўшма корхоналар ва бошқа ажнабийларнинг мулки.

**НАЗОРАТ** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш, мавжуд ички имкониятларни аниқлаш, камчиликларни топиш, фаолиятни яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**НАЗОРАТ ТУРЛАРИ** — назорат турларига қуйидагилар киради: давлат назорати, маъмурий назорат, ички назорат, ташқи

назорат, дастлабки назорат, жорий назорат, мавсумий (тасдиқловчи) назорат, аудиторлик назорати, бошқа назорат турлари.

**НОМОДДИЙ АКТИВЛАР** — интелектуал мулк шакллари бўлиб уларга лицензиялар, патентлар, янги ихтиролар, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқлари киради. Номоддий активлар аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади.

**ПУЛ** — эквивалент ролини ўйновчи муомала воситаси. Хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг асосий воситаси. Пул мамлакат валютаси ҳисобланади.

**ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ** — корхонанинг пулда ифодаланган маблағлари. Пул маблағлари мамлакат валютасида ёки хорижий валютада бўлиши мумкин.

**ПУЛЛИ ҲУЖЖАТЛАР** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида фойдаланиладиган пулли ҳужжатлар. Пулли ҳужжатлар пул қийматига эга бўлиб уларга акциялар, векселлар, облигациялар сертификатлар ва банк чеклари киради.

**ПУЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ** — пул маблағлари орқали амалга ошириладиган операциялар. Пул операциялари нақд ва нақд пулсиз амалга оширилади.

**СОЛИҚ** — давлат томонидан белгиланган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган мажбурий тўловлар. Солиқлар давлат бюджети даромадининг асосий манбаси ҳисобланади.

**СОЛИҚ СИЁСАТИ** — солиқ тўловчиларнинг ва давлат манфаатларини мувофиқлаштирувчи сиёсат. Солиқ сиёсати солиқ тўловчилар ва давлат манфаатларига мос келиши керак.

**СОЛИҚ ТУРЛАРИ** — солиқлар бир қанча турларга бўлинади. Жумладан, тўғри (бевосита) солиқлар, эгри (билвосита) солиқлар. Солиқ турлари доимий равишда такомиллашиб бормоқда.

**СОЛИҚ КОДЕКСИ** — солиқларнинг тури, ўндирилиши ва тўланишини мувофиқлантирувчи ҳужжат. Солиқ Кодекси 1998 йилдан татбиқ этилган.

**СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ** — солиқ қонунчилигини амалга оширувчи ташкилотлар (муассаса) бўлиб уларга туман, шаҳар Давлат солиқ инспекциялари, вилоят Давлат солиқ бошқармалари ва Республика Давлат солиқ Қўмитаси киради.

**СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ** — иқтисодий назоратнинг муҳим турларидан бўлиб юридик ва жисмоний шахслар

тўлайдиган солиқлар назорат қилиб борилади. Бундай назорат солиқ органлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

**ТАННАРХ** — маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг пулдаги ифодаланиши. Таннарх муҳим сифат кўрсаткич бўлиб калькуляция орқали аниқланади.

**ТАВАККАЛЧИЛИК** — мавжуд шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ижодий фаолият юритиш. Таваккалчилик тадбиркорлик фаолиятида кенг қўлланилади.

**УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР** — узоқ вақт хизмат қиладиган ва ишлаш даврида ўзининг шаклини сақлаб қоладиган маблағлар. Узоқ муддатли маблағлар ёки активларга асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли капитал қўйилмалар ва бошқа активлар киради.

**УСТАВ КАПИТАЛИ** — хўжалик юритувчи субъектнинг ташкил бўлишида ажратилган дастлабки капитал. Ушбу капиталнинг миқдори корхона низоми (устави) га асосан амалга оширилади. Корхонанинг устав капитали қанчалик кўп бўлса ушбу корхона шунчалик молиявий барқарор ҳисобланади.

**ФОЙДА** — корхона активнинг кўпайиши. Фойда барча даромадлар билан барча харажатлар ўртасидаги ижобий фарқдан иборат. Даромадларнинг харажатлардан ошиши фойдани беради.

**ФОЙДА КЎРСАТКИЧЛАРИ** — Фойда бир қанча кўрсаткичларга эга. Ушбу кўрсаткичларга қуйидагилар киради: маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, асосий фаолиятнинг фойдаси, хўжалик фаолиятидан олинган фойда, солиқ тўлангунгача олинган фойда, йилнинг соф фойдаси.

**ХАТАР** — аудиторнинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш натижадаги исботидан сўнг мавжуд бўлган, лекин аниқланмаган хато-камчиликларнинг борлиги тўғрисидаги эҳтимоли.

**ХОМАШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАР** — тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган меҳнат предметлари. Хом ашё ва материаллар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосини ташкил этади.

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА БИРЛИГИ** — халқаро валюта бирлиги қилиб АҚШ доллари қабул қилинган. Ҳар бир мамлакат ўз пул бирли-

ги халқаро валютага тенглаштириб боради. Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Марказий банки орқали амалга оширилади.

**ХАРАЖАТ** — корхона томонидан амалга оширилган сарфларнинг пулдаги ифодаланиши. Харажатлар қуйидаги турларга бўлинади: маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий харажатлар, фавқулоддаги харажатлар.

**ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИ** — иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминловчи, қўйилган мақсадларга эришнинг бир-бирини тақозо этувчи воситалар мажмуаси. Бозор шароитида бозор хўжалик механизми талабларига амал қилинади.

**ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИНГ ТАРКИБИ** — хўжалик механизмининг таркиби қуйидагилардан иборат: режалаштириш, бошқариш, ташкил қилиш, рағбатлантириш, назорат ва ҳисоб. Хўжалик механизмининг таркиби ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб боради.

**ХЎЖАЛИК (КОРХОНА) НИЗОМИ** — хўжалик юритувчи субъект фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳужжат. Корхона низом асосида ўз фаолиятини юритади. Аудитор корхона фаолиятини унинг низоми асосида текширади ва баҳолайди.

**ҲИСОБ СИЁСАТИ** — мавжуд ҳуқуқий нормалар асосида қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усулларини акс эттирувчи ҳамда назоратини таъминловчи ҳужжатлар мажмуаси ва уларга амал қилишлик.

**ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА** — корхонанинг ўз фаолияти натижасида оладиган фойдаси ёки зарари. Якуний молиявий натижа мавжуд моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини ифодалайди. Корхона фойдаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий манбаси ҳисобланади.

## ЎЗ БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни нимадан иборат?
2. Бозор иқтисодиётининг белгиларига нималар киради?
3. Бозор хўжалик механизми деганда нимани тушуиасиз?
4. Бозор хўжалик механизмининг таркибига нималар киради?
5. Мулк нима? Унинг қандай шакллари мавжуд?
6. Корхона (фирма) нима, унинг қандай турларини биласиз?
7. Назорат нима, унинг қандай турлари мавжуд?
8. Иқтисодий назорат нима?
9. Молиявий назоратнинг хусусиятлари нималардан иборат?
10. Ички назоратни ким ўтказади?
11. Ташқи назоратни ким ўтказади?
12. Солиқ назорати қайси назорат турига киради?
13. Аудиторлик назорати нима?
14. Аудитнинг мазмуни нималардан иборат?
15. Аудитнинг тафтишдан нима фарқи бор?
16. Аудитнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
17. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун қачон қабул қилинган, унинг таркиби нималардан иборат?
18. Аудиторлик шартномаси нима?
19. Аудитнинг предмети деганда нимани тушунасиз?
20. Аудит объектларига нималар киради?
21. Аудитда қайси усуллар қўлланилади?
22. Аудит стандартларининг мазмуни нималардан иборат?
23. Аудитнинг қандай турлари ва шакллари мавжуд?
24. Тасдиқловчи аудит нима?
25. Самарадорликнинг аудити деганда нимани тушунасиз?
26. Хатар (риск) аудити нима?
27. Ким аудитор бўла олади?
28. Аудиторнинг ҳуқуқлари ва бурчи нималардан иборат?
29. Аудиторлик ташкилоти (фирмасиҷ) нима?
30. Аудиторлик фаолият қандай ҳолларда тақиқланади?
31. Аудит ўтказишга кимлар буюртма беради?

32. Аудитнинг "консалтинг" хизмати деганда нимани тушунасиз?
33. Аудит қайси фанлар билан бевосита боғлиқ?
34. Хўжалик жараёнларига нималар киради?
35. Корхона (фирма)нинг кўрсаткичлари нималардан иборат?
36. Корхона (фирма)нинг миқдор кўсаткичларига нималар киради?
37. Корхона (фирма)нинг сифат кўрсаткичларига нималар киради?
38. Корхонанинг барқарорлиги деганда нимани тушунасиз?
39. Корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар нималардан иборат?
40. Корхона (фирма)нинг молиявий натижаси деганда нимани тушунасиз?
41. Корхонанинг мулкий ҳолати қандай белгиланади?
42. Корхонанинг активларига нималар киради?
43. Корхонанинг молиявий барқарорлигини қандай тушунасиз?
44. Корхонанинг самарадорлиги нима?
45. Рентабелликни қандай тушунасиз?
46. Корхона балансининг ликвидлиги нима?
47. Даромад нима, унинг қандай турлари мавжуд?
48. Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга нималар киради?
49. Фавқулоддаги даромад (зарар) лар қачон содир бўлиши мумкин?
50. Харажат нима, унинг қандай турлари мавжуд?
51. Харажатлар қандай туркумланади?
52. Маҳсулот таннархи нима?
53. Давр харажатларига нималар киради?
54. Молиявий фаолиятдан келиб чиққан харажатлар нималардан иборат?
55. Ўзгарувчан харажатларга нималар киради?
56. Доимий харажатлар таркиби нималардан иборат?
57. Солиқ нима, унинг қандай турлари мавжд?
58. Мажбуриятларга нималар киради?
59. Фойда нима, у қандай аниқланади?
60. Фойданинг қандай турлари бор?
61. Корхона (фирма) нинг соф фойдаси нима?
62. "Стандарт-кост"ни қандай тушунасиз?
63. "Директ-костинг"нинг мазмуни нимани ифодалайди?
64. "Маржинал даромад (фойда)" нима?
65. Рентабеллик кўрсаткичлари неча турга бўлинади?
66. Молиявий ҳисобот нима?
67. Бухгалтерия баланси нима?

68. Корхонанинг капитали нималардан иборат?
69. Узоқ муддатли активларга нималар киради?
70. Жорий (айланма) активлар нималарадан иборат?
71. Дебиторлик қарзларига нималар киради?
72. Кредиторлик қарзларига нималар киради?
73. Бухгалтерия баланси бухгалтерия ҳисоби счётлари билан қандай боғланади?
74. Пул маблағларининг аудити нимадан бошланади?
75. Пул маблағларининг инвентаризацияси қандай ўтказилади?
76. Пул маблағларининг тўғри ҳисобга олинганлиги қандай аудит қилинади?
77. Валюта операцияларининг аудити қандай ўтказилади?
78. Маҳсулот таннархи қандай аудит қилинади?
79. Товар операцияларининг аудити қандай ўтказилади?
80. Экспорт-импорт операциялари аудитининг хусусиятлари нималардан иборат?
81. Товар нобудгарчиликлари қандай текширилади?
82. Товарооборот қандай ҳисобланади ва текширилади?
83. Пул оқимини текшириш тартиби қандай?
84. Хом ашё ва материаллар қайси бухгалтерия ҳисоби счёт-лари орқали аудит қилинади?
85. Ҳисоб-китоб операцияларининг аудити нимадан бошланади?
86. Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар қандай аудит қилинади?
87. Товар операциялари бўйича ҳисоб-китоблар қандай аудит қилинади?
88. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар қайси бухгалтерия счётлари орқали аудит қилинади?
89. Харажатлар аудитининг хусусиятлари нималардан иборат?
90. Солиқларнинг тўғрилиги қандай текширилади?
92. Корхонанинг солиқ сиёсати нима?
93. Молиявий натижаларнинг тўғрилиги қандай аудит қилинади?
94. Даромадларнинг аудити қайси счётлар орқали амалга оширилади?
95. Фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши қандай аудит қилинади?
96. Корхонанинг молиявий ҳисоботи қандай текширилади?
97. Корхонанинг ҳисоб сиёсати нима ва у қандай аудит қилинади?
98. Аудиторлик ҳисоботи нима?
99. Аудиторлик хулосасининг мазмуни нималардан иборат?
100. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси кимларга тақдим этилади?

## ТЕСТЛАР

**1. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари қайси ҳужжатда тўлиқ ифодаланган?**

1. "Мулк тўғрисида"ги Қонунда.
2. "Аудиторлик фаолияти тўгрисида"ги Қонунда.
3. "Корхоналар тўғрисида"ги Қонунда.
4. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»да.
5. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунда.

**2. Аудит қайси назорат турига киради?**

1. Маъмурий назоратга.
2. Ташқи назоратга.
3. Молиявий назоратга.
4. Ички назоратга.
5. Ташкилий назоратга.

**3. Аудиторлик назоратининг келиб чиқишига асосий сабаб нима (тўғри жавобни топинг)?**

1. Молиявий натижаларнинг тўғри ҳисобланмаслиги.
2. Молиявий назоратнинг бўшлиги.
3. Кўпмулкчилик шароитида даҳлсиз ва ишончли маълумотга талабнинг ошиши.
4. Бухгалтерлар ва тафтишчиларнинг етишмаслиги.
5. Корхона раҳбарлари малакасининг етишмаслиги.

**4. Аудиторлик ташкилотлари (фирмалари) кимга бўйсунади?**

1. Молия органларига.
2. Юқори ташкилотга.
3. Солиқ инспекциясига.
4. Маъмурий органларга.
5. Юридик шахс сифатида ўзлари мустақил фаолият юритадилар

**5. Аудиторлик фаолиятини юритиш учун қайси ҳужжат асос бўлади?**

1. Буюртмачининг розилиги.
2. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун.
3. Томонлар ўртасида тузилган шартнома.
4. Солиқ инспекцияси органининг кўрсатмаси.
5. Аудиторлик ташкилотининг режаси.

**6. Аудиторлик фаолияти билан кимлар шуғулланиши мумкин?**

1. Банк ходимлари.
2. Солиқ инспекцияси ходимлари.
3. Ҳуқуқий сертификати бўлган мутахассислар.
4. Бухгалтер-иқтисодчилар.
5. Барча олий маълумотли мутахассислар.

**7. Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда аудитор бухгалтер-эксперт сифатида иштирок этиши мумкинми?**

1. Тўғри жавоб йўқ.
2. Корхона бухгалтерининг розилиги бўлиши керак.
3. Мумкин эмас.
4. Солиқ инспекциясининг рухсати бўлиши керак.
5. Мумкин.

**8. Аудитнинг предмети нимадан иборат (тўғри жавобни топинг)?**

1. Хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботи.
2. Корхоналарнинг маблағлари.
3. Қонунларга амал қилиш, ноқонуний чекланишлар, ноқонуний операциялар.
4. Молиявий кўрсаткичлар.
5. Корхона режасининг қай даражада бажарилишини текшириш.

**9. Аудиторлик фаолияти билан мустақил шуғулланиш мумкинми?**

1. Агар бунга рухсат (сертификат) берилган бўлса, мумкин.
2. Олий маълумотли мутахассис шуғулланиши мумкин.
3. Корхона (фирма) рози бўлса, мумкин.
4. Барча жавоблар тўғри.
5. Солиқ инспекцияси органининг рухсати бўлганда.

**10. Аудитор билан тафтишчининг нима фарқи бор?**

1. Барча жавоблар тўғри.
2. Фарқи йўқ.
3. Тафтишчи аудиторлик фаолияти билан ҳам шуғуллана олади.
4. Аудитор ва тафтишчи режага асосан фаолият юритади.
5. Аудитор мулк эгасига, маъмуриятга бўйсунмасдан шартномага асосан алоҳида фаолият юритади.

**11. Аудиторлик ташкилотининг (фирмасининг) фаолияти қачон ва нимадан бошланади?**

1. Уставнинг тасдиқланишидан.
2. Иш режасини тузишдан.
3. Юридик шахс сифатида ташкилотнинг (фирманинг) қайд қилинишидан.

4. Хўжалик субъектини текширишдан.
5. Шартнома тузишдан.

**12. Аудитнинг қандай турлари мавжуд (тўлиқ жавобни топинг)?**
1. Молиявий аудит, иқтисодий самарадорликнинг аудити, қонунларга амал қилиб бухгалтерия ҳисобининг юритилишини текшириш.
2. Бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилишини аудит қилиш.
3. Корхонада қонунларга амал қилинишини аудит қилиш.
4. Молиявий аудит.
5. Иқтисодий самарадорликнинг аудити.

**13. Корхонада аудит ўтказиш нимадан бошланади?**
1. Бухгалтерия балансини текширишдан.
2. Бухгалтерия ҳисоби счётларини текширишдан.
3. Корхона фаолияти билан танишишдан.
4. Инвентаризация ўтказишдан.
5. Тафтиш ўтказишдан.

**14. Валюта операциялари ҳисобининг тўғрилиги қайси ҳужжатларга асосан аудит қилинади?**
1. Банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган ҳужжатларга асосан.
2. Инвентаризация далолатномасига асосан.
3. Аналитик ҳисоб маълумотларига асосан.
4. Валюта курси маълумотларига асосан.
5. Балансга асосан.

**15. Ҳисоб-китоб операцияларининг аудити нимадан бошланади?**
1. Товарлар бўйича ҳисоб-китобларни аудит қилишдан.
2. Дастлабки ҳужжатларни текширишдан.
3. Ҳисоб-китоб операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби счётларини инвентаризация қилишдан.
4. Ҳисоб регистрларини текширишдан.
5. Баланс маълумотларини текширишдан.

**16. Кассадаги пул маблағларининг аудити нимадан бошланади?**
1. Моддий жавобгар шахслар (кассир)нинг ҳисоботини текширишдан
2. Кассадаги пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозларни инвентаризация қилишдан.
3. Ҳисоб регистрларини текширишдан.
4. Бухгалтерия ҳисоби счётларини текширишдан.
5. Кассага келиб тушган ва харажат қилинган пул маблағларини текширишдан.

**17. Банк операцияларининг аудити қайси ҳисоб регистрларига асосан ўтказилади (тўғри жавобни аниқланг)?**

1. Синтетик счётларнинг регистрларига (журналларга, машинограммаларга) асосан.
2. Банк кўчирмаларига асосан.
3. Қайднома ведомостларига асосан.
4. Бош китобга асосан.
5. Балансга асосан.

**18. Экспорт-импорт операцияларининг аудити нимадан бошланади?**

1. Товарларни инвентаризация қилишдан.
2. Товар операцияларининг ҳисоби бўйича синтетик счётларни текшириш ва товарларни инвентаризация қилишдан.
3. Банк кўчирмаларини текширишдан.
4. Моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботини такширишдан.
5. Балансни текширишдан.

**19. Хусусийлаштириш жараёнининг аудити нимадан бошланади?**

1. Мулкларни инвентаризация қилишдан.
2. Баланс кўрсаткичларни текширишдан.
3. Мулкларнинг тўғри баҳоланишини текширишдан.
4. Дастлабки ҳужжатларни аудит қилишдан.
5. Бухгалтерия ҳисоби регистрларини текширишдан.

**20. Корхона ҳисобидан қопланган товарларнинг камомад суммаси бухгалтерия ҳисобининг қайси счётлари орқали текширилади (тўғри жавобни топинг)?**

1. 2900, 6010
2. 6010, 5110
3. 2900, 6010
4. 9433, 2900
5. Тўғри жавоб йўқ

**21. Моддий жавобгар шахслар ҳисобидан камомадлар бухгалтерия ҳисобининг қайси счётлари орқали аудит қилинади (тўғри жавобни топинг)?**

1. 9439, 5010
2. 5010, 2900
3. 4630, 5010
4. 5010, 6710
5. Тўғри жавоб йўқ

**22. Асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар (фойда) бухгалтерия ҳисобининг қайси счётлари орқали аудит қилинади (тўғри жавобни топинг)?**

1. 0100, 9310
2. 9210, 0100
3. 9210, 9310
4. 0100, 6010
5. Барча жавоблар тўғри

**23. Ишчи хизматчиларнинг иш ҳақи (даромади)дан ушланган солиқ суммаси қайси бухгалтерия ёзувида тўғри акс эттирилган?**

| | Д-т | К-т | Сумма |
|---|---|---|---|
| 1. | 6710 | 6410 | 15000-00 |
| 2. | 6410 | 5000 | 15000-00 |
| 3. | 5110 | 6410 | 15000-00 |
| 4. | 6410 | 6710 | 15000-00 |
| 5. | 6410 | 5110 | 15000-00 |

**24. Корхона (фирма)нинг сўнгги молиявий натижаси бухгалтерия ҳисобининг қайси счёти орқали аниқланади?**

1. 9000 – счёт орқали
2. 9800 – счёт орқали
3. 9900 – счёт орқали
4. 4710 – счёт орқали
5. 8700 – счёт орқали

**25. Банкдаги "Ҳисоб-китоб" счётининг қолдиғи қандай текширилади (тўғри жавобни топинг)?**

1. Аналитик ҳисоб регистрлари текширилади.
2. Дастлабки ҳужжатлар текширилади.
3. Бош китоб, баланс, аналитик ҳисоб маълумотлари ўзаро таққосланади.
4. Балансдаги маълумотлар текширилади.
5. Пул маблағлари инвентаризация қилинади.

**26. Валюта курсининг тўғрилиги қайси счётлар орқали аудит қилинади (тўғри жавобни топинг)?**

1. 5210, 6010, 4710
2. 5210, 9434, 9540
3. 5210, 5110 , 4710
4. 52,10, 5110, 6010
5. 52,10, 9540, 9620

**27. Корхонанинг пул оқими қайси ҳужжатларнинг маълумотларига асосан аудит қилинади?**

1. Молиявий ҳисоботдаги “Пул оқими тўғрисида”ги жадвал маълумотларига асосан.
2. Кассирнинг ҳисоботига асосан.
3. Банк кўчирмаларига асосан.
4. Аналитик ҳисоб регистрларига асосан.
5. Молиявий ҳисоботдаги “Пул оқими тўғрисида”ги жадвалга ва ҳисоб регистрларига асосан.

**28. Аудиторлик фаолиятини ким бошқаради (тўғри жавобни топинг)?**

1. Текширилаётган корхона.
2. Аудиторлик ташкилоти (фирмаси).
3. Мулкдор.
4. Солиқ органи.
5. Тўғри жавоб йўқ.

**29. Хом ашё ва материалларнинг аудити бухгалтерия ҳисобининг қайси счёти орқали амалга оширилади?**

1. 2800 – счёт орқали.
2. 2900 – счёт орқали.
3. 1010 – счёт орқали.
4. 2610 – счёт орқали.
5. Тўғри жавоб йўқ.

**30. Товарларнинг аудити бухгалтерия ҳисобининг қайси счёти орқали амалга оширилади?**

1. 5110 – счёт орақли.
2. 6010 – счёт орқали.
3. 2800 – счёт орқали
4. 2900 – счёт орқали.
5. Тўғри жавоб йўқ.

**31.Таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобининг қайси счёти орқали аудит қилинади?**

1. Барча жавоблар тўғри.
2. 4710 – счёт орқали.
3. 4810 – счёт орқали.
4. 6010 – счёт орқали.
5. 5110 – счёт орқали.

**32. Чакана савдо корхоналари (фирмалар)да товарларнинг инвентаризацияси нимадан бошланади?**

1. Моддий жавобгарларнинг ёзма ҳисоботларини текширишдан.
2. Савдо тушумларини текширишдан.
3. Дастлабки ҳужжатларни текширишдан.
4. Товар ҳисоботини тузишдан.
5. Товарларни ҳисоблашдан.

**33. Хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби қайси счёт орқали амалга оширилади?**

1. 5010
2. Тўғри жавоб йўқ.
3. 5110
4. 9420
5. 9110

**34. Бюджет билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аудити бухгалтерия ҳисобининг қайси счёти орқали амалга оширилади?**

1. 5110
2. 6410
3. 6530
4. 9900
5. Барча жавоблар тўғри.

**35. Корхона кассири қайси муддатларда ҳисобот беради (тўғри жавобни топинг)?**

1. Ҳар ойда.
2. Ҳар куни ёки ҳар уч кунда.
3. Хоҳлаган муддатда.
4. Ҳар ўн кунда.
5. Ҳар чоракда.

**36. Инвентаризация натижасида кассада пул ортиқча чиққанда бухгалтерия ҳисоби счётларида қандай акс эттирилади?**

| | Д-т | К-т | Сумма |
|---|---|---|---|
| 1. | 5010 | 9390 | 4500-00 |
| 2. | 4630 | 5010 | 4500-00 |
| 3. | Тўғри жавоб йўқ. | | |
| 4. | 5010 | 6710 | 4500-00 |
| 5. | 4603 | 9309 | 4500-00 |

**37. Бухгалтерия баланси қайси ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади?**
1. Бош китоб маълумотларига асосан
2. Журнал-ордерларга асосан.
3. Оборот ведомостларига асосан.
4. Тўғри жавоб йўқ.
5. Ҳисобот маълумотларига асосан.

**38. Синтетик счётлар билан аналитик счётлар ўртасида неча хил боғлиқ бўлади?**
1. Бир хил боғлиқ
2. Икки хил боғлиқ.
3. Уч хил боғлиқ.
4. Тўрт хил боғлиқ.
5. Тўғри жавоб йўқ.

**39. Асосий воситаларнинг ҳаракати «Молиявий ҳисобот»нинг қайси жадвали орқали аудит қилинади (тўғри жавобни топинг)?**
1. Биринчи жадвал орқали.
2. Иккинчи жадвал орқали.
3. Учинчи жадвал орқали.
4. Тўртинчи жадвал орқали.
5. Барча жавоблар тўғри

**40. Корхонанинг хусусий капитали бухгалтерия балансининг қайси томонида ва бўлимида жойлашган?**
1. Пассив томони 2- бўлимида.
2. Актив томони 2- бўлимида.
3. Пассив томони 1- бўлимида.
4. Тўғри жавоб йўқ
5. Актив томони 1-бўлимида

**41. Ишлаб чиқариш фирмаси фойда солиғини қайси кўрсаткичдан тўлайди?**
1. Устав капиталидан.
2. Фойдадан.
3. Даромаддан.
4. Айланма маблағлардан.
5. Маҳсулот қийматидан.

**42. Қўшма корхорнаси бўйича ажратилган солиқ суммаси қайси счётнинг кредитида акс эттирилади?**
1. 5110 – счётнинг.
2. 9390 – счётнинг.

3. 9810 – счётнинг.
4. 5210 – счётнинг.
5. 6410 – счётнинг.

**43. Қўшма корхоналарда аудит кимнинг рухсати билан ўтказилади?**
1. Аудиторлик ташкилотининг (фирмасининг) қарорига асосан.
2. Юқори бошқарув органининг рухсати билан.
3. Томонларнинг ўзаро шартномаларига асосан.
4. Солиқ инспекциясининг иш режасига асосан.
5. Аудиторнинг иш режасига асосан

**44. Ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотнинг таннархи қайси счёт орқали текширилади?**
1. 0800 – счётда.
2. 2010 – счётда.
3. 0100 – счётда.
4. 9400 – счётда.
5. Тўғри жавоб йўқ.

**45. Кичик корхоналарда, ширкатларда аудитни ким ўтказади?**
1. Корхона бухгалтери.
2. Солиқ инспектори.
3. Аудитор.
4. Мулкдор.
5. Таъсисчи.

**46. Давр харажатлари бухгалтерия ҳисобининг қайси счёти орқали аудит қилинади?**
1. 9400
2. 2010
3. 9000
4. Тўғри жавоблар йўқ.
5. 1000

**47. Аудит натижаси қайси ҳужжатлар билан расмий лаштирилади?**
1. Аудиторлик ҳисоботи ва аудторлик хулосаси билан.
2. Аудиторлик ҳисоботи ва ахборотнома билан.
3. Далолатнома ва аудиторлик хулосаси билан.
4. Далолатнома ва аудиторлик ҳисоботи билан
5. Маълумотнома ва аудиторлик хулосаси билан.

**48. Вакиллик харажатлари қайси харажат турига киради?**
1. Молиявий харажатларга.
2. Молиявий ва давр харажатларига.

3. Давр харажатларига.
4. Барча жавоблар тўғри.
5. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига.

**49. Қўшма корхоналарнинг устав капитали бухгалтерия ҳисобининг қайси счётлари орқали аудит қилинади?**
1. 8510
2. 9910
3. Барча жавоблар тўғри.
4. 8710
5. 5110

**50. "Давр харажатлари" счёти ой охирида қайси счёт билан ёпилади?**
1. Ҳамма жавоблар нотўғри.
2. 9890 – счёт билан.
3. 8510 – счёт билан.
4. 2010 – счёт билан.
5. 9900 – счёт билан.

**51. "Давр харажатлари". "Молиявий ҳисобот"нинг қайси жадвалида кўрсатилади?**
1. Учинчи жадвалда.
2. Тўртинчи жадвалда.
3. Биринчи жадвалда.
4. Тўғри жавоб йўқ.
5. Иккинчи жадвалда.

**52. Акционерлик жамиятининг фаолияти қайси ҳужжатга асосан аудит қилинади?**
1. Аудиторлик фирмасининг иш режасига асосан.
2. Солиқ органининг буйруғига асосан.
3. Акционерлик жамиятининг қарорига асосан.
4. Барча жавоблар тўғри.
5. Икки томонлама тузилган шартномага асосан.

**53. Давр харажатларининг кўпайиши бухгалтерия ҳисобининг қайси счёти орқали аудит қилинади?**
1. Барча жавоблар тўғри.
2. 9900 – счёт орқали.
3. 5110 – счёт орқали.
4. 5010 – счёт орқали.
5. 9410 – счёт орқали.

**54. Устав капиталининг кўпайишин бухгалтерия ҳисобининг қайси счёти орқали аудит қилинади?**

1. 5110
2. 8510
3. 9900
4. 9010
5. 9800

**55. "Давр харажатлари" «Молиявий ҳисобот»нинг қайси жадвали орқали аудит қилинади?**

1. Тўғри жавоб йўқ.
2. Биринчи жадвали бўйича.
3. Иккинчи жадвали бўйича.
4. Учинчи жадвали бўйича.
